332.871
М-37

НОДИРА ХОЛИҚОВА

# ЎЗБЕК ЖАДИД ШЕЪРИЯТИДА ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

332.871
65.31

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

НОДИРА ХОЛИҚОВА

# ЎЗБЕК ЖАДИД ШЕЪРИЯТИДА ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

-2901-

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

ТОШКЕНТ – 2020
«НАВРЎЗ» НАШРИЁТИ

UO'K: 332.871
KBK: 65.31
M 37

**Нодира ХОЛИҚОВА.**
**«Ўзбек жадид шеъриятида озодлик ҳаракатининг бадиий талқини» монография – Т.; «Наврўз» нашриёти, 2020 – 148 б.**

**Масъул муҳаррир:**

**Н. ЖАББОРОВ** –филология фанлари доктори, профессор.

**Тақризчилар:**

**У. ДОЛИМОВ** – педагогика фанлари доктори, профессор.

**А.Р. ДАВЛАТОВА** – филология фанлари номзоди, доцент.

Ушбу монография миллий уйғониш даври ўзбек шеъриятининг янги манбалари, жадид зиёлиларининг миллат манфаатларига доир саъй-ҳаракатлари, халқнинг ижтимоий- сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилган мардикорлик шеърияти ҳамда унинг бадиияти, жанр ва вазн хусусиятларини ўрганишга бағишланган.

Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Сидқий Хондайлиқий каби машҳур намояндалари ижоди мавзудан келиб чиқиб янгича талқин қилинган бўлса, Муҳиддин Иброҳимий, Лутфулла Олимий, Рафиқий, Акбарий Тошкандий, Мулла Муртазо ва Жавҳарий шеърлари илк бор тадқиқ этилган. Уларнинг илм аҳли эътиборидан четда қолиб келаётган айрим асарлари аниқланиб, илмий истифодага киритилган.

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Илмий Кенгаши (10-сонли баённомаси, 30 январ 2020 йил) қарори асосида нашрга тавсия этилди.*

ISBN 978- 9943- 565-12-8

© Нодира ХОЛИҚОВА
© «Наврўз» нашриёти,
2020



# КИРИШ

XX аср илк чорагидаги ижтимоий-сиёсий воқелик, жумладан, Биринчи жаҳон уруши асоратлари, 1916 йил воқеалари, 1917 йилги Февраль инқилоби ҳамда Октябрь тўнтариши Туркистон халқи ҳаётига ҳам таъсир этмай қолмади. Мазкур воқеа-ҳодисалар миллат тарихида ўзига хос ўзгаришлар ясади. Хусусан, 1916 йил воқеалари истибдодга қарши исён кўтарган ўзбек халқининг онгида, шуурида, қолаверса, тақдирида муайян из қолдирди. Мардикорлик ўзбек халқининг миллий-ижтимоий уйғонишида алоҳида ўрин тутган ҳодисага айланди. 1916 йилги миллий озодлик ҳаракати заминида майдонга келган бир қанча асарлар зулм ва истибдодга қарши курашнинг ёрқин саҳифаси сифатида ўша давр адабиётининг етакчи мавзуига айлангани фикримизнинг тасдиғидир.

Маълумки, мардикорлик воқеалари бадиий адабиётнинг деярли барча тур ва жанрларида, аввало, халқ оғзаки ижоди – қўшиқ ва достонларда, шунингдек, ёзма адабиётда – шеъриятда, насрда, драматургияда, бадиий публицистика ва автобиографик асарларда акс этган. Бироқ бу асарлар адабиёт тарихи нуқтаи назаридан ҳам, илмий муаммо тарзида ҳам ўрганилган эмас. Профессор Б.Қосимов таъбири билан айтганда, "*...мавжуд асарларни аниқлаш, тўплаш, саралаш ва илмий муомалага олиб кириш босқичида турибди. Бу соҳада маълум ютуқларни қўлга киритган фольклористикада эса мазкур муаммони бугунги кун нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш зарурати бор. Ёзма адабиётдаги ишлар эса ҳали олдинда*"[1]. Мардикорлик шеърияти, шубҳасиз, тарихий шароит тақозоси ўлароқ майдонга келди. Муҳими, тарихий воқеаларнинг ҳаққоний ифодаланишигина эмас, турлича қарашлар, турлича муносабатларнинг адабиётдаги талқинидир. 1916 йил воқеаларининг шеъриятдаги талқини муаммосига бағишланган ушбу тадқиқот мардикорлик мавзуидаги асарларнинг ғоявий-бадиий моҳиятини очишга, бу асарлар

1 Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б. 145; Қосимов Б. Излай-излай топганим... – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. – Б. 182.

муаллифларининг ижодий ва поэтик маҳоратини ўрганишга қаратилгани билан долзарбдир.

Мардикорлик шеъриятини тадқиқ этиш асносида аждодларимиз-нинг асрий орзуси ҳисобланган истиқлол, эрк, озодлик, шунингдек, Ватан, миллат каби тушунчаларни ёш авлод қалбида ва онгида шакллантириш зарурати ҳам ишнинг аҳамиятини оширади, деб ўйлаймиз.

Аввало, ушбу мавзунинг ўрганилишини тадқиқ этсак. Зеро, 1916 йилги миллий озодлик ҳаракатига оид дастлабки илмий тадқиқот 1924 йилда Т.Рисқулов томонидан ёзилган[1]. Шундан буён мазкур мавзу юзасидан ўнлаб монографик ишлар яратилди[2]. Бу тадқиқотларда асосий эътибор озодлик ҳаракатининг турли

1 Қаранг: Рыскулов Т. Борьба за освобождение Востока. Новый Восток. – Ташкент, 1924. Т Рисқулов 1916 йил қўзғолонини мустамлакачиликка қарши умумхалқ ҳаракати, деб баҳолаган.

2 Галузо П.Г. Туркестан – колония. (Очерк истории Туркестана от завоевания русскими до революции 1917 года). – М.: Коммунистический Университет Трудящихся Востока, 1929; Кастельская З.Д. Восстание 1916 года в Узбекистане (к 20-летию восстания). – Ташкент: Госиздат УзССР, 1937; Миронов П.П. Джизакское восстание в 1916 году // Звезда Востока. – 1946. - №7-8; Мавлоний Э. 1916 йилги Жиззах қўзғолони. – Тошкент: Ўздавнашр, 1947; Зимма А.Г. Истоки восстания 1916 года в Киргизии. Елеуов Т.Е. Основные вопросы восстания 1916 года в Казахстане. Ковалёв П.А. О характере восстания 1916 года в узбекских и таджикских районах / Материалы научной сессии, посвящённой истории Средней Азии и Казахстана в дооктябрьский период. 1954 год; Турсунов Ҳ.Т. Ўрта Осиё ва Қозоғистонда 1916 йил халқ қўзғолони. – Тошкент: Фан, 1987. Ушбу тадқиқотларда муаммога шўро мафкураси нуқтаи назаридан ёндашилган. 40-йиллардан бошлаб муҳожир ватандошларимиз ижодида 1916 йилги миллий озодлик ҳаракати ва унда жадидларнинг тутган ўрни ҳақида янгича ёндашувлар пайдо бўлди. A. Zeki Velidi Togan. Bugünkü türkili (Türkistan) ve yakın tarihi. Cilt I. Batı ve Kuzey Türkistan. – Istanbul, 1942; Hayit B. Turkestan im XX. yahrhundert. – C.W.Leske Verlag Darmstadt, 1956. 90-йиллардан юртимизда тарихий воқеликка холисона баҳо бериш имкони туғилди. Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 400-430; Содиқов Ҳ. XX аср бошида Туркистонда чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати ва истиқлол учун кураш: Тарих фанлари докт. … дис. – Тошкент, 1994; Суюнова О. Туркистонда 1916 йилги миллий озодлик кураши (Сирдарё вилояти мисолида): Тарих фанлари номз. ... дис. – Тошкент, 1997; Зиёева Д. Туркистонда миллий озодлик ҳаракати. XX аср тарихшунослигида (1916 йил қўзғолони ва 1918-1924 йиллар истиқлолчилик ҳаракатини ўрганиш муаммолари): Тарих фанлари докт. ... дис. – Тошкент, 1998; Чориев З. XX аср бошида Туркистон ўлкасида мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмнинг кучайиши ҳамда унинг оқибатлари: Тарих фанлари докт. ... дис. – Тошкент, 1999; Исмоилова Ж. XX аср боши Туркистонда миллий озодлик курашлари (Фарғона водийсидаги 1916 йил қўзғолони): Тарих фанлари докт. ... дис. – Тошкент, 2002; Муродова Ш. XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон ўлкасида озодлик ҳаракатлари тарихи (Самарқанд вилояти мисолида): Тарих фанлари номз. ... дис. – Тошкент: ЎзМУ, 2004.



жиҳатларига – тарихий-фактик, жўғрофий-ҳудудий, маъмурий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий масалаларга қаратилган.

1916 йилги миллий озодлик ҳаракатининг бадиий адабиётдаги талқини масаласига келсак, бу мавзу яхлит ҳолда ўрганилган эмас. Тўғри, бу борада фольклористика анча илгарилаб кетган. Жумладан, Ҳ.Зариф, М.Афзалов, М.Алавия, Ғ.Шоюсупова, Ж.Қобулниёзов, С.Умаров, М.Қаландарова, У.Жуманазаров[1] каби олимларнинг миллий озодлик ҳаракатига бағишланган фольклор намуналарига оид ишлари бунинг далилидир. Хусусан, М.Қаландарованинг тадқиқотида 1916 йил воқеаларига бағишланган фольклор намуналари – қўшиқ ва достонлар яхлит ҳолда ўрганилган.

1916 йил воқеаларининг ёзма адабиётда, хусусан, шеъриятда акс этиши масаласига Б.Қосимов, Л.Қаюмов, Н.Каримов, А.Жалолов, Н.Қобулов, Ш.Турдиев, М.Жуманов, Ж.Жумабоева каби адабиётшуносларнинг ишларида муайян даражада муносабат билдирилган[2]. Бироқ мазкур тадқиқотларда 1916 йил воқеаларига

1 Zarifiy H., Raçabiy Ş. Ozbek sovet folkloridan namunalar. – Тошкент: OzSSR Davlat nashriyoti, 1935; Зарипов Ҳ. 1916 йил миллий озодлик қўзғолонининг ўзбек фольклорида акс этиши // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1946. - № 7-8. – Б. 154-166; Алавия М. Ўзбек халқ қўшиқлари. – Тошкент, 1959; Шоюсупова Ғ. Ўзбек халқ оғзаки ижодида ижтимоий-сиёсий ғоялар (XIX аср охири ва XX аср бошларида). – Тошкент: Ўзбекистон, 1965; Қобулниёзов Ж. Жиззах қўзғолони тўғрисида / Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. Учинчи китоб. [illegible] – Тошкент: Фан, 1973; Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди / Раззоқов Ҳ., Мирзаев Т.,Собиров О., Имомов К. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980; Умаров С. Тарих ва достон. – Тошкент: Фан, 1984; Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. – Тошкент: Фан, 1991; Қаландарова М. Халқ куйлаган озодлик. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993.

2 Қосимов Б. Излай-излай топганим... – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. – Б. 180-207; Қаюмов Л. Сайланма. Икки жилдлик. Биринчи жилд. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Ҳаёти ва ижоди. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981.– Б. 362-382; Каримов Н. Ҳамид Олимжон. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн томлик. Олтинчи том. Тадқиқот ва мақолалар. – Тошкент: Фан, 1982. – Б. 164-172; Жалолов А. Ўзбек маърифатпарвар-демократик адабиёти (1905-1917 йиллар). – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 66-77; Джуманов М.М. Мотивы борьбы за свободу и социальную справедливость в узбекской литературе 1905-1917 гг.: Дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент: ТашГУ, 1975; Қобулов Н. Андижонлик тараққийпарвар шоирлар. – Тошкент: Фан, 1977; Турдиев Ш. Ҳамза ва 1916 йил қўзғолони // Адабий мерос. – Тошкент, 1987. - №3(41). – Б. 3-7; Жумабоева Ж. 1916 йилги миллий озодлик қўзғолони ва Ҳамза Ҳакимзода ижоди / Ҳамза Ҳакимзода ижоди проблемалари: Тадқиқотлар. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 82-91.

бағишланган асарлар махсус ўрганилган эмас. 1916 йил воқеалари акс этган шеърий асарлар проф. Б.Қосимовнинг "Излай-излай топганим...", "Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик" каби монографияларида нисбатан чуқурроқ ўрганилган. Олимнинг мардикорлик воқеаларига бағишланган ўнга яқин шеърий тўпламни санаб, уларни махсус тадқиқ этиш заруратини алоҳида таъкидлагани ҳам мавзуни махсус ўрганиш галдаги вазифалардан эканини кўрсатади.

Маълум бўладики, ХХ аср бошлари ўзбек шеъриятида мардикорлик воқеалари талқини масаласи алоҳида ўрганишни тақозо этар экан, ушбу матнлар ижтимоий-сиёсий ҳаракатнинг бадиий инъикоси бўлгани боис ушбу адабий ҳодисанинг, аввало, ижтимоий қимматини, шунингдек, мавзу ва жанр кўламини, поэтикаси ва бадиий-эстетик хусусиятларини тадқиқ қилиш ишнинг асосий мақсадидир. Шу маънода олдимизга қўйилган мақсадни амалга ошириш қуйидаги вазифаларни бажаришни тақозо этади:

- 1916 йил воқеаларига бағишланган шеърий асарларни илмий тасниф этиш;

- мардикорлик шеъриятини мавзу кўлами нуқтаи назаридан ўрганиш;

- мардикорлик мавзуидаги шеърий асарларнинг бадиий хусусиятлари таҳлилини амалга ошириш;

- мардикорлик шеъриятида мумтоз адабиёт анъаналари, янги адабиёт ва фольклор хусусиятларининг акс этиш қонуниятларини тадқиқ этиш;

- мардикорлик шеъриятида реалистик тасвир принципларининг шеърий жанр, поэтик образлар ва индивидуал услубдаги белгиларини очиш.

Сидқий Хондайлиқийнинг мардикорлик воқеаларига бағишланган асарлари, жумладан, "Работчилар намойиши", "Работчилар келиши" шеърий тўпламлари, "Русия инқилоби" достони ва айни пайтда, Авлонийнинг "Мардикорлар ашу(в)ласи", Ҳамзанинг "Миллий ашувлалар учун миллий шеърлар" мажмуаси



7-бўлими – "Сафсар гул", 5-бўлими – "Сариқ гул", Муҳиддин Иброҳимов тузган "Лошмон", Акбарий Тошкандийнинг "Ватанга хизмат", Мулла Муртазо бин Исмоилжоннинг "Ватан хизмати" тўпламларидан олинган шеърлар, Азмий-Азизийнинг "Янги шугуфа ёхуд миллий адабиёт"идан ўрин олган Жавҳарийнинг шеъри ишимизнинг асосий объекти сифатида ўрганилди. Шунингдек, Завқий, Анбар Отин, Ҳайратий, Тавалло, Абдурауф Фитрат, Мутриба ва Ҳамид Олимжоннинг мавзуга оид шеърлари, мардикорлик воқеаларига бағишланган ўзбек ва қозоқ халқ оғзаки ижоди ҳамда татар ва озарбайжон шеърияти намуналаридан қўшимча манба сифатида фойдаланилди.

Ишда, асосан, тарихий-қиёсий методдан фойдаландик ва назарий қарашларимизни далиллашда И.Султон, Э.Каримов, Г.Каримов, Б.Қосимов, Н.Каримов, А.Жалолов, У.Норматов, Ҳ.Болтабоев, Ш.Ризаев ва бошқа ўзбек адабиётшунослари, Б.В.Томашевский, Л.И.Тимофеев, Г.Н.Поспелов, А.Н.Гуляев, Л.Гинзбург каби рус олимлари, Х.Усмонов, Э.Ғафурий, О.Ҳожиев, Ў.Зенназаров, М.Жармуҳамедов каби татар, озарбайжон, қозоқ адабиётшунослари, Аҳмад Заки Валидий Тўғон, Боймирза Ҳайит, Эдвард Олворт каби хорижлик тадқиқотчиларнинг илмий ишларида эришилган ютуқларга таянилди.

# 1-БЎЛИМ. ЎЗБЕК МАРДИКОРЛИК ШЕЪРИЯТИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА АДАБИЙ-ЭСТЕТИК ОМИЛЛАРИ

## Ижтимоий-сиёсий воқелик ва мардикорлик шеърияти

Узоқ асрлик тарих гувоҳлик беришича, халқимиз юнон, араб, мўғул, эрон ва рус босқинлари оқибатида ниҳоятда оғир кунлар, бир-биридан мусибатли воқеа-ҳодисаларни бошдан кечирган. Лекин ҳар бир босқинчилик, қирғин-қабоҳат эл-юртнинг сабр-бардоши, иродаси ва матонатини гўё синовдан ўтказган. Ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий таназзул тўсиқларини енгиб ўтган халқ яна қаддини ростлаб, тараққиёт сари дадил одим ташлаган. Бу ҳолат ва ҳаракат ўз-ўзидан юзага чиқмаган, албатта. Энг қийин дамларда эзилган ва хўрланган одамларга, аввало, адабиёт, тарих, дин, маърифат ёрдам қўлини чўзган. Буларнинг ҳар бири ўз имконияти, имтиёзига яраша оммани ожизлик, мутелик, қашшоқлик, ноумидлик ҳамда фикрсизликдан қутқазишга мадад берган. Адабиёт эса мазлум халқнинг кўнглига доимо яқин бўлган, унинг қалбини қуршаган ғам-алам, дард ва ҳасратларни жонли тарзда ифодалаш учун фаоллик кўрсатган. Зеро, миллат эрки ва озодлигига дахлдор бирор ҳаракат ёки ҳодиса йўқки, унинг ифодасидан адабиёт ўзини четга олган бўлсин. Бу фикр 1916 йилги миллий озодлик қўзғолонига ҳам бевосита тегишлидир. Миллатимиз тарихида ўчмас из қолдирган бу қўзғолон Биринчи жаҳон уруши даврига тўғри келди. Уни юзага келтирган сабаблар эса, очлик, қаҳатчилик, зулму ситам, асосийси, Биринчи жаҳон урушининг халқ турмушини издан чиқаргани эди.

XX аср бошида империалистик давлатлар дунёни қайтадан бўлиб олиш сиёсатини юрғизди. Икки ҳарбий блок – Германия, Австро-Венгрия, Туркия, Болгария билан Франция, Англия, Россия (Антанта) ўртасидаги низолар натижаси ўлароқ 1914 йилнинг ёзида Биринчи жаҳон уруши бошланди[1]. Қарийб тўрт йил давом этган бу урушда 33 давлат 1,5 миллиард аҳолиси билан иштирок этди[2].

1 Қаранг: Политическая энциклопедия. В 2-х т. – М.: Мысль, 2000. Т. 2. – С. 128.
2 Қаранг: Политический словарь. – М.: Политическая литература, 1958. – С. 420.



Янги-янги ерларни забт этиш мақсадини кўзлаган чор Россияси ҳам бевосита урушга тортилган эди.

1914-1917 йиллардаги Биринчи жаҳон уруши кўп халқларга битмас-туганмас кулфат келтирди. Ижтимоий ва миллий буҳрон янада кучайди. Инглиз-француз маблағларига қарам бўлган чор Россияси бу урушда Антанта томонида туриб курашди. Биринчи жаҳон урушида Россиянинг иштирок этиши ва талафотга учраши, ўз навбатида, унга тобе бўлган Туркистон ўлкаси маҳаллий аҳолиси қайтининг, турмуш шароитининг оғирлашувига олиб келди. Чунки урушнинг ҳамма қийинчиликлари айнан мустамлака халқ зиммасига тушиши аниқ эди. Уруш сабабли содир бўлган воқеалар халқ бошига кўп офат ёғдирди. Мустамлака сиёсати ва чексиз зулм, очлик ва қаҳатчилик сиёсий, ижтимоий-иқтисодий зиддиятларни кескин-лаштириб юборди. Ўлкада ғалла етиштириш ҳамда чорвачилик кундан-кун орқага кета борди. Россиядан ғалла келтириш ҳам жуда камайиб кетди. Рус ғалласига ишониб, заҳмат билан пахта етиштирган ўзбек деҳқони на нондан, на "пахта"лик уст бошдан ёлчиди.

Шоир Ҳошимжон Солиҳ ўғли Ҳайратий[1] (1871-1964) Биринчи жаҳон уруши келтирган кулфатларга қарши кескин норозилигини ифодаловчи, "Қимматчилик", "Мардикор олди" шеърларини ёзган. Жумладан, "Қимматчилик" шеърида халқнинг ночор аҳволи қуйидагича тасвирланади:

*Ҳар бир эшикда соил беш-олти, балки ўндир,*
*Кўлди улуснинг ярми овқат учун гадолар.*
*Соилга берсанг аввал нон ёки бошқа нарса,*
*Нон олмас эрди пул деб, айларди иддаолар.*
*Ҳозирда берсангиз пул, айтурки: "Парча нон бер,*
*Нонсиз вужудим ўлди монанди каҳраболар"[2].*

1 Ҳайратий 1916 йилги миллий озодлик қўзғолонида ўз маслакдошлари билан бир сафда туриб курашди. Бу ҳақда қаранг: Тирик сатрлар. Танланган шеърлар. Тўпловчи М.Зокиров. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1968. – Б. 208.
2 Ўша манба. – Б. 208.

“Сойиллик” янги мавзу эмас. Гулханий шеъриятидан олинган мана бу байт ҳам фикримизни тасдиқлайди:

*Ҳазратим, очликдан ўлдим, егани нон бер менга,*
*Кофир ўлгайман, агар десамки, баҳмон бер менга!*
*(Муинзода таржимаси)*

Кўриниб турибдики, бу мавзу ўзбек адабиётида мавжуд эди. Бироқ фарқ шундаки, Гулханий ғазали автобиографик характер касб этган, чунки унинг бу шеъри қаттиқ муҳтожликда ўтган кезларининг маҳсули. Ҳайратийнинг “Қимматчилик” шеърида эса Биринчи жаҳон уруши даврида халқ бошидан кечган оғир кунлар, янада аниқроғи, қаҳатчилик тасвирланган. “Улуснинг ярми овқат учун гадолар” бўлганини тасаввур этишнинг ўзиёқ фожианинг нақадар чуқур бўлганини кўрсатади. Бундай тасвир бошқа ижодкорлар асарларида ҳам учрайди. Завқий ёзади:

*Қаҳатлик бўлди бу Фарғонамизда,*
*Топилмас парча нон вайронамизда...*
*Олиб қочғай саватдин даста нонлар,*
*Ва ё чайнар солиб оғзига донлар*[1].

Шоирнинг бу сўзлари айни ҳақиқат эди. Чунончи, 1916 йили Фарғона вилояти ғалла ҳосилининг миқдори 12-14 млн. пудга камайган эди[2].

*Бу янглиғ хор бўлғайму одамзод,*
*Агар қодир эсангким айла имдод.*

“Имдод” – мадад демакдир. Шоир ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантиради. Завқийнинг маҳорати шундаки, халқнинг

1 Завқий. Ажаб замона. Шеърлар. – Тошкент: Шарқ, 2003. – Б. 98-99.
2 Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш (XVIII-XX аср бошлари). – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 402.



ўша замондаги фожиали турмуш тарзини ёрқин бадиий бўёқлар орқали ифодалайди. Натижада, қаҳатчилик изтиробларини ўқувчи кўз ўнгида бутун фожиаси билан гавдалантира олади.

*Қайда кетти эътиборлар, ваҳ мурувватлар дариғ,*
*Қолмади ҳеч бир кишида меҳру шафқатлар дариғ, –*

дея Завқийнинг юқоридаги сўзларини тасдиқлагандек бўлади тошкентлик шоир Таваллo. Тўлаган Хўжамёров – Таваллo 1916 йилги қаҳатчилик муносабати билан “Дариғ”[1] (афсус) радифли ғазал ёзган. Ғазал “Туркистон вилояти газети”нинг ўша йил 13 ноябрь сонида чоп этилган. Ушбу ғазалнинг 17 байти ҳам шоир Таваллo ўзи шоҳиди бўлган очлик, қаҳатчилик тасвирига бағишланган бўлиб, шеърда воқелик тиниқ бадиий бўёқлар воситасида ифодаланган.

*Бойлар олди ғалла арзон омбор тўлдуруб,*
*Камбағаллардин чиқар чанг, қилса ҳасратлар, дариғ.*
*Неча мискин уйларида йўқ ўлук, лекин азо,*
*Эрта-кеч бойларда кўрсанг, айшу ишратлар, дариғ .*

“Ноиложликда қолмоқ” маъносини берувчи “ҳасратидан чанг чиқмоқ” турғун бирикмаси халқ жонли тилида кенг қўлланилади. Шоир ана шу аянчли ҳолни тўлақонли тасвирлаш учун камбағаллар билан бойлар ҳаётини муқояса қилади. Кўплаб фожиаларнинг ўзагини ташкил этган тенгсизлик, адолатсизлик, ҳақсизлик халқнинг норозилигига, исёнига сабаб бўлган эди. Шоир камбағал халқ тарафини олгани ҳолда, бутун халққа, миллатга қарата куйиндаги сўзларини айтади:

*Камбағал ўлдум деганда, боқмаюр ҳеч ким анга,*
*Бу на миллат, бу на журъат, бу на ҳимматлар дариғ.*

1 Тирик сатрлар. Танланган шеърлар. Тўпловчи М.Зокиров. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1968. – Б. 122.

Шоирнинг ҳасрат ва надомат билан йўғрилган бу сўзлари ўз миллатини бекаму-кўст кўриш иштиёқидан туғилганини пайқаш қийин эмас.

Проф. Ҳ.Зиёевнинг ёзишича, уруш сабабли пахтанинг бозор нархи кўтарилди. Бундан пахтакорлар бир мунча фойда кўриши мумкин эди. Лекин чор ҳукумати тўқимачилик саноати эгаларининг талабига кўра пахта савдосини назорат остига олиб, унинг бозор баҳосини 30-31 сўмдан 24,5 сўмга туширди. Бу деҳқонларга зиён келтирган бўлса, капиталистларнинг чўнтагини тўлдирди. Пахта, ипак ва бошқа хилма-хил ноз-неъматлар Россияга тобора кўп миқдорда олиб кетилаётган бўлса-да, рус капиталистлари Туркистонда арзон баҳода қўлга киритилган пахтадан тайёрланган газлама ва кийим-бошларни қиммат нархда пахтакорларнинг ўзига сотишни давом эттирдилар[1]. Абдулла Авлонийнинг куюниб: "Биз осиёликлар, хусусан, туркистонликлар думба сотуб, чандир чайнаймиз. Қаймоқ беруб, сут ошаймиз, нон ўрнига кесак тишлаймиз!"[2] деган сўзлари ана шу изтиробли ҳол натижаси эди. Бунинг устига, маҳаллий бой-амалдорларнинг ҳам меҳнаткаш халқ устидан зулми ҳаддан ошди. Оғир солиқлар, қарздорлик ва қаҳатчилик деҳқонларнинг ер ва мол-мулкдан маҳрум бўлишига олиб келди. Бунинг натижасида мардикорлар ва чоракорлар сони кўпайиб кетди.

*Уч йил эрурки, кетти халойиқни роҳати,*
*Ҳеч бир кишини қолмади бир дам фароғати,*
*Ҳам зуҳд элини қолмади лаззати тоати,*
*Ортуқча бўлди бизлара бу даҳрнинг офати,*
*Кўзларда қилди ёшни қизил қон муҳораба.*

1 Бу ҳақда қаранг: Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш (XVIII-XX аср бошлари). – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 400-402.
2 Авлоний А. Танланган асарлар. 2 жилдлик. – Тошкент: Маънавият, 1998. Ж. 1. – Б. 48.



Сидқий Хондайлиқий "Муҳораба дафъи учун муножот"[1] шеърида Биринчи жаҳон уруши даврида ("уч йилдирки") халқнинг қон қақшагани, элнинг роҳату фароғати қолмагани ҳақида ёзар экан, "Ҳам зуҳд элини қолмади лаззати тоати" дея таъкидлайди. Тоатдан мақсад – руҳий тозариш, кўнгил шавқи.

Муҳораба боис, аввало, хотин-қизларнинг аҳволи оғирлашди. Бироқ қадди эгилса-да, уларнинг иродаси, шижоати букилмади. Улар эркаклар билан бир сафда туриб курашди ва шеърларида "ёв зиддига" чиқишга даъват этди:

*Жарчи бўл, Анбар, хотунлар бирла чиқ ёв зиддиға!*
*Бу нечук мудҳиш балою оби тўфондур уруш.*

Шоира Анбар Отин "Уруш"[2] радифли шеърини мана шундай мисралар билан якунлайди. Аёлнинг ёвга қарши чиқиши – энг оғир кезлардагина рўй бериши мумкин бўлган ҳол. Бу халқ бошига тушган мусибатнинг нечоғлик оғир бўлгани тасдиғидир. Анбар Отин мазкур шеъри орқали Тўмарис сингари жасур аёлларнинг, "эр қизлар"нинг (Шавкат Раҳмон таъбири) ҳали Туронзаминда барҳаёт эканини уқтиради. Яна бир шеърида у, курашдан асл мақсад тинчликка эришиш эканини қуйидагича таъкидлайди:

*Анбаро, ул баҳри Уммондин ариқ оч дунёға!*
*Тинчлик баҳрин кетурсин сув каби ул жўйи сулҳ*[3].

Дунёга тинчлик деган тотли суви бор уммондан ариқ очиш каби эзгу ниятли шоиранинг эътирофича, тинчликнинг биринчи талаби "жўйи сулҳ" – ислоҳотлар ариғини очмоқдир. Дарҳақиқат, уруш, аввало, тинчлик, эрк ва озодлик учун кураш туйғусини, шеъриятда эса, ватанпарварлик ҳиссини кучайтирди.

1 سراج الدين مخدم صدقی. روانچیلار نمایشی یاخود وطن قهرمانلاری - تاشکند: غلام حسن عارفجانوف، ۱۹۱۷ [illegible]
2 Анбар Отин. Шеърлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1970. – Б. 49.
3 Ўша манба. – Б. 53.

Уруш мавзуи, нафақат ўзбек шеъриятида, қардош татар, озарбайжон адабиётларида ҳам кенг кўламда акс этди. Бинобарин, бу иккала халқ вакиллари ҳам урушда бевосита иштирок этди. Уруш бошлангач, татар ёзувчи ва шоирларининг кўпчилиги аскарликка олинган эди[1]. "Онг" журналида 1915 йил охирида адиблардан А.Сунгатий, М.Али, А.Харис, Ф.Иброҳимов, С.Раҳмонқулий, З.Нуркин, М.Уқмасий урушда иштирок этгани таъкидланади[2].

Биринчи жаҳон уруши изтироблари ифодаланган асарлар орасида татар шоири М.Ғафурийнинг шеърлари таъсирчанлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шоирнинг "Фитрат замони", "Қиёмат", "Йиғла", "Сўғушда хабарсиз йўқолган инимга", "Кўнгилсиз байрам", "Озодлик шарафига", "Нон", "Битсин сўғуш", "Аждаҳо", "Ҳурриятга қарши турувчиларга"[3] каби шеърлари бу фикрни тасдиқлайди. Ғафурий кечинмалари ҳасрат ва надомат билан йўғрилган. Шоир урушни рад этиб, тинчликни тарғиб қилар экан, миллатни эрк ва озодлик учун курашга чорлайди:

*Сен шундай қулликда юрсанг, дунё кенг бўлмас сенга,*
*Барча ишлардин олдин бош бўл, иним, ўз эркинга...*[4]

Ёш талантли татар шоирларидан Шайхзода Бабич[5]нинг қуйидаги мисралари Ғафурий шеърларига ҳамоҳанг:

*Чин эркли олға кунлар учун,*
*Курашиб ўтказ, қисқа умрингни!*[6]

---

1 Бу ҳақда қаранг: Гафури Э. Рождение гнева. – Уфа: Башкирское кн. изд-во, 1953. – С. 11-18.

2 Қаранг: Госман Х. Бөек октябрь революциясе һәм гражданнар сугышы чорында татар поэзиясе. – Казан: Казан университеты нәшрияты, 1960. – Б. 64.

3 Қаранг: Гайнуллин М. Татарская литература и публицистика начала XX века. – Казань: Татарское кн. изд-во, 1966. – С. 233-235.

4 Ўша манба. – Б. 27. Бу ва бундан кейинги шеърий парчаларни ўз таржимамизда келтирдик.

5 Шайхзода Бабич (1895-1919) поэзияда Абдулла Тўқай анъанасини давом эттирди. У ўзининг ўткир сатирик шеърлари билан майдонга чиқди. Бабичнинг фикрича, адабиётнинг бош вазифаси халқнинг орзу-истакларини, халқ манфаати учун хизмат қилувчи қарашларни акс эттиришдир.

6 Кўрсатилган манба. – Б. 45.



М.Ғафурий, Шайхзода Бабич ёхуд Анбар Отин ва Сидқий Хондайлиқийнинг юқорида келтирилган шеърлари таҳлили шундан далолат берадики, бу халқларнинг қисматида бир муштараклик мавжуд эди. Шу боис уларнинг барча "даъват"лари, аввало, ўзликни, ўз Ватанини, ўз эркини сақлашга қаратилган эди.

Мутахассислар фикрича, Биринчи жаҳон уруши арафасида бокулик баъзи миллионер ва руҳонийлар чор ҳукуматига садоқатини кўрсатиш мақсадида хусусий мусулмон дивизиясини ташкил қилган[1]. Ушбу дивизия қатнашчиси озарбайжон шоири Муҳаммад Ҳоди[2] уч йил мобайнида қонли жангтоҳларда иштирок этиб, муҳораба майдони таассуротларини "Алвоҳи интибоҳ ёхуд инсонларнинг тарихий фожиалари" номли классик манзумасида, "Майдони ҳарб хотираларимдан", "Юлдузли бир кечада муҳораба томошаси", "Бадбахт кўр чожуг" (Карпат хотираларидан), "Ғурбат элларда ёди ватан" каби бир қатор шеърларида акс эттирган эди. Дарҳақиқат, озарбайжон шоирларидан бошқа ҳеч бирининг ижодида муҳораба – уруш мавзуи Муҳаммад Ҳоди шеърларидагичалик теран талқин этилган эмас[3]. Шоир урушнинг моҳиятини, унинг империалистик хусусиятини кўрсатиб, фалсафий мушоҳада юритади ва ўз-ўзига дунёнинг сирлари, ер юзидаги қатлу ғорат ҳақида кескин саволлар қўйиб, оҳ-фарёд чекади. "Алвоҳи интибоҳ"нинг илк саҳифаси Станислово шаҳрида ярадорларнинг "фарёд ва афғонларини тинглаб" деган қайд билан берилган. У шундай манзара билан бошланади: бутун коинот ўт ва қон ичида. Дунё ёнмоқда, дунё фарёд чекмоқда. Ер юзида мусибатларнинг адди-ҳудуди йўқ. Ҳар тарафдан нола, шикоят, оҳу афғон товуши келади. Шоир жаҳонни бир "қонли овлоқ", одамларни эса овчи ва жаллод қиёфасида кўради. Муҳаммад Ҳоди, инсон нақадар буюк,

---

1 Қаранг: Мәһәммәд Н. Сечилмиш әсәрләри. Ики чилддә. – Бакы: Елм, 1978. Биринчи чилд. – Б. XXXVII.

2 Ҳоди Муҳаммад – (адабий тахаллуси, асл исми Оға Муҳаммад Ҳожи Абдусалим ўғли; 1879, Шемаха – 1920, Ганжа, ҳозирги Кировод) озарбойжон шоири, романтик. Асарлари 1905 йилдан бошлаб нашр қилинган.

3 Қаранг: Кўрсатилган манба. – Б. XXXIX.

шарафли бўлса, шу қадар тубан ва бадбахт, ундан ёвузроқ махлуқ йўқ, деган хулосага келади. Шоир фикрича, бахтсизлик одамзоднинг зотида, қонидадир (чунки у мусибат тупроғидан йўғрилган).

*Башар! Бадбахтсан, гирён, паришон бир ҳаётинг вор,*
*Мусибат тупроғиндан йўғрилан бадбахт зотинг вор,*
*Азиятдан ёпилмиш бир ҳаёти бесаботинг вор,*
*Таворихинг ичинда ганли-ганли фожеотинг вор...*

Шоир наздида бу каби урушлар, хунрезликлар фақат бугун пайдо бўлган эмас. Башарият тарихи "қонлар-ла бошланмиш". Бунинг сабабини эса инсонларнинг ноқобиллигидан, исёну туғёнидан изламоқ керак. Қуйидаги мисралар шу ҳақда:

*Насл, гўрдунгму тарихи башар ганлар-ла бошланмиш,*
*Ават, ганлар-ла, афғанлар-ла, хусранлар-ла бошланмиш,*
*О ган тарихи-да нагабил инсанлар-ла бошланмиш,*
*Ҳаётин илк доври ишда исянлар-ла бошланмиш,*
*Ават, ган тўкмак ила, ҳамда туғянлар-ла бошланмиш,*
*Ерин-да ўз ҳаёти ўди-ла, вулканлар-ла бошланмиш,*
*Ҳаёти аҳли арзин оҳу афғонлар-ла бошланмиш,*
*Бакишлар кўлкали, юзлар бутун нашад шаклинда,*
*Бу мотамгаҳи ким гўрмуш сурурабад шаклинда*[1].

Аслида қотиллик ва хунрезлик тарихи Одам Ато даврига бориб боғланади. Ривоят қилинишича, унинг катта ўғли Қобил укаси Ҳобилни ўлдирганди. Чунки Одам болалари бири қиз, иккинчиси ўғил, яъни эгизак туғардилар. Қобил ва синглиси Ақлима жаннатда таваллуд топган эдилар. Қобил, отаси жаннатдан қувилгандан сўнг туғилган эгизаклардан бири, яъни Ҳобилнинг синглиси Лабудага уйланишга мажбур эди. Аммо у Ақлимани олишни истарди. Қобил чўпонлик, Ҳобил эса деҳқончилик қиларди.

1 Ўша манба. – Б.366.



Отаси йўқ бир пайтда Қобил, Иблиснинг бир қуш бошини кесиб йўл кўрсатиши боис укасини ўлдиради. Ҳазрати Одам ўғлининг кўмилган жасадини топгач, "Бутун қотиллар сенинг уруғингдан чиқсин", дея Қобилни қарғайди. Шу зайлда Қобил илк қотил ва қотилларнинг раҳнамоси бўлади. Шунинг учун инсоният кейинчалик ҳам Иблиснинг қутқусидан ва қон тўкишдан ҳеч қачон ўзини тўхтата олмаган. Асрлар ўтган сайин хунрезлик ва қирғин-барот урушлар кўпайса кўпайганки, камаймаган. Зоҳирий қувонч замирида ботиний ношодлик яширинганининг сабаби ана шунда. Татар адиби А.Харис ҳам "Сўғуш" шеърида кишилик дунёси устига келган урушларнинг ўзаги ибтидодаги хунрезликда, деб ишорат қилган[1]. Умуман, нафс ва ҳирс бош кўтарганда инсоният доимо нотинчлик, иттифоқсизлик, таҳлика гирдобида қолган. Сидқий Хондайлиқий каби шоирлар:

*"Замона садосига солинг қулоқ,*
*Ки ҳар дам дегай: Иттифоқ, Иттифоқ!"* –

деб қанчалик бонг урмасин, уларнинг гаплари деярли инобатга олинмаган. Уруш – бу асосан оддий, мазлум халқ бошига ёғилган бало-қазо, кулфат ва мусибат демак. Биринчи жаҳон урушида Русия армияси жуда кўп талафот кўриб, асосий кучлар фронтга сафарбар этилгани боис уларнинг ўрнини тўлдириш учун Николай ҳукуматига ишчи кучи зарур бўлиб қолган эди. Бу кучни мустамлака ўлкалардан тўплаш мақсадида императорнинг 1916 йил 25 июн кунги фармонига кўра Туркистон, Сибир ва Кавказ халқининг 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган барча эркакларига мажбурий сафарбарлик эълон қилинади[2].

Очлик, қаҳатчилик, бениҳоя жабр-зулм, бунинг устига мардикорликка олиш ҳақидаги фармон халқнинг норозилиги ва нафратини кучайтириб юборди. 1916 йилнинг ёзида бошланган

1 Бу хақда қаранг: Госман Х. Боек октябрь революциясе һәм гражданнар сугышы чорында татар поэзиясе. – Казан: Казан университеты нәшрияты, 1960. – Б. 17.
2 Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 4



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

халқ кўзғолони шу даражада кенг қулоч ёйдики, Туркистоннинг деярли барча шаҳар ва қишлоқларини қамраб олди. Унда ўзбек, тожик, қозоқ, туркман, қирғиз, қорақалпоқ ва уйғурлар фаол қатнашди. Кўзғолон акс-садоси бутун Россия империяси бўйлаб тарқалди.

13 июлдаги Жиззах кўзғолони шу қадар микёс касб этадики, тарихий манбаларда ёзилишича, шаҳар тўпга тутилиб, бутунлай ёндириб ташланган. Мингдан ортиқ киши қамоққа олиниб, уларнинг кўпи қатл этилган ва сургун қилинган[1]. Тўпга тутилган шаҳар, вайрон бўлган хонадонлар, шафқатсиз зулм ва даҳшатларни ўз кўзи билан кўрган оташин шоир Ҳамид Олимжон ўшанда 7 яшар бола эди. У кейинчалик ўша мудҳиш кун ва тунларни хотирлаб бундай ёзган эди :

*Мен бир қора тунда туғилдим,*
*Туғилдиму шу он бўғилдим.*
*Мен туғилиб кўз очган дунё*
*Хароб эди, бузғун, бенаво,*
*Вайронада изилларди ел,*
*Менга қондош, жондош бўлган эл*
*Гадо эди, қашшоқ эди, хор –*
*Қалби тўла нафрат, алам, зор*[2].

Лекин гадо, қашшоқ, хор элнинг қалбидаги “нафрат, алам, зор” нимани ҳам бартараф эта оларди? Шу боис чор ҳукумати мардикорликка мажбурий сафарбарлик ишларини бошлаб юборади.

Энг аянчлиси, халқ бошига тушган бу кўргуликлар етмаганидек, маҳаллий бой-амалдорлар ҳам ўз мунофиқлик ва разилликларини намойиш этишган. 1916 йил кўзғолонини келтириб чиқарган сабабларни аниқлаш мақсадида Туркистонга келган Россия Давлат Думаси вакили депутат А.Ф.Керенский бу хусусда

1 Кўрсатилган манба. – Б. 424.
2 Азимов С. Абадият. Сайланма. 2 томлик. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. Т. 2. Б. 42.



қуйидагиларни маълум қилган: “Маъмурлар одамларнинг ёшини чўнтакларига солинган пулга қараб аниқлашган. Мен ўз кўзим билан кўрган 60 ёшли қария рўйхатга 30 ёшли деб ёзилган, чунки 100 сўм тўлашга қурби етмаган. 25-30 ёшли йигитча эса бойвучалиги туфайли 50 ёш деб қайд этилган”[1]. Депутат Жаъфаровнинг келтиришича, баъзи жойларда мардикорликдан озод қилиш учун қатъий нарх (такса): 500-1000 рубл, деб белгиланган[2]. Бундай воқеаларнинг реалистик ифодасини Абдураҳмон ҳожи Акбаровнинг мана бу мисраларидан ҳам билиш мумкин:

*На учунким, бойлар ўғлин қолдируб,*
*Минг сўмга камбағал ёллаб олдируб,*
*Оналарин юрак бағрин ёндируб,*
*Бир Оллога топширдум мен сизларни*[3].

Кўзғолон бостирилгач, ўлкада бир қатор кескин чоралар кўрилган: "Аввало, маҳаллий аҳолига маъмурият рухсатисиз темир йўлдан фойдаланиш тақиқланган. Бу ҳам камлик қилиб, барча рус маъмурлари ва офицерларига маҳаллий аҳоли таъзим қилиши лозим ва мажбурийлиги ҳақида махсус фармон қабул қилинган... Агар шарт кўчанинг нариги бетидаги ёки орқасидаги маъмурни кўрмай қолиб, таъзим қилмаса ёки сотувчи савдо билан банд бўлиб, пештахта ортидан дарҳол югуриб чиқмаса, отлиқ киши дарҳол отидан тушиб, таъзим этмаса, аямай саваланган"[4].

Ана шу хорлик, таҳқир, азоб ва уқубатлар халқнинг дилидан тилига кўчиб, шеър ва қўшиқларга айланди. 1916 йилда фронт орқасидаги қора ишлар учун мардикор олиниши муносабати билан "Поездингни жилдирган...", “Қорда қарағай кесганман...”,

1 Зиёева Д. Туркистон миллий озодлик ҳаракати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000. – Б. 13.
2 Қаранг: Галузо П.Г. Туркестан – колония. – М.: Изд-во Коммунистического унив-та трудящихся Востока, 1929. – С. 154.
3 عبدالرحمن خاجی اکبروف تاشکندی. وطنگا خذمت – تاشکند: ارشاد مطبعه سی، ۱۳۳۵ هجری – صحیفه 11
4 Зиёева Д. Туркистон миллий озодлик ҳаракати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000. – Б. 14-15.

"Николай – қон жаллод", "Саидаҳмад, томинг баланд" сингари қўшиқлар бутун Туркистонга ёйилди.

*Двинскка йўл бўлсин,*
*Қарағайзорларинг кул бўлсин.*
*Йигитларни қийнаган*
*Николай золим йўқ бўлсин*[1].

Зулм ва зўравонлик қанчалик шиддатли тус олмасин, халқ ўз ҳолати, ички ҳақиқатларини у ёки бу зайлда сўз орқали акс эттириш йўлини топади. Бундай пайтда сўз ва фикрнинг маъно қирралари ўз-ўзидан кенгайиб, шеърдан ҳатто қарғиш оҳанглари ҳам ўрин олади. "Қарағайзорларинг кул бўлсин!", "Николай золим йўқ бўлсин!" – аслида булар қарғиш мазмунидаги гаплар. Шунинг учун ҳам улар ўқувчини кулфат ва фожианинг нечоғлик оғирлигига тўла ишонтиради. Шу маънода бундай шеърларни биз ўзига хос "тарихий-бадиий ҳужжат" деб қарашимиз, тарихий воқелик моҳияти уларда ҳаққоний аксини топганлигини эътиборга олишимиз зарур. Мана бу мисралар Жиззахда юз берган қирғин ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиши билан аҳамиятлидир:

*Эшик олди ўйилди,*
*Жиззах халқи сўйилди.*
*Ота-онанг меҳрибон,*
*Икки кўзи ўйилди*[2].

Чиндан ҳам қўзғолоннинг аёвсиз бостирилиши оқибатида Жиззах эли бошига адоқсиз кулфатлар ёғилган. Жазо отрядининг шафқатсизлиги боис ўз фарзандларидан, оила аъзоларидан ажралганлар жуда кўп бўлган. Фарзандидан, жигаргўшасидан

1 Зарипов Ҳ. 1916 йилги миллий озодлик қўзғолонининг ўзбек фольклрида акс этиши // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1946. - № 7-8. Июль-август. – Б. 165.
2 Кўрсатилган манба. – Б. 165.



айрилган ота-она изтироби бошқа бир термада нисбатан бадиийлаштирилиб ифодаланган:

*Сандиқ устида бўхча,*
*Йигитлар гули ғунча.*
*Ўлгир подшо қўймайди*
*Гул бўлиб очилгунча*[1].

1916 йил воқеаларига бағишлаб фольклор йўлида яратилган қўшиқларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, бунда ёзма адабиётдан фарқли ўлароқ, оқ подшоҳ ва унинг қўл остидаги маъмурият, мардикорликка олиш ҳақидаги адолатсизлик ҳужжати бўлган фармон, умуман, ноҳақлик, тенгсизлик, зулмкорлик аёвсиз қораланади. Мисрадан-мисрага норозилик, муросасизлик кайфияти кучайиб боради.

*Саидаҳмад, томинг баланд,*
*Томингдан ҳам номинг баланд.*
*Йигитларга қўл қўйган*
*Падарингга минг лаънат!*[2]

Саидаҳмад сингари кўплаб маҳаллий маъмурлар ва чор ҳукуматининг ғайриинсоний сиёсати сабабли Россияга жўнатилган мардикорлар у ерда ададсиз азобу уқубатларга дуч қилинди. Қаттиқ совуқ, очарчилик ва оғир меҳнат уларнинг тинка-мадорини қуритди. Мардикорлар ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб иш ташлайдилар, ўз юртларига қочадилар, лекин бу ҳаракатлар самара бермайди. Аксинча, уларга нисбатан таъқиб ва тазйиқ янада кучайтирилди. Ишчилар томонидан ўз ватанларига қайтаришни илтимос қилиб, Туркистон генерал-губернаторига ёзилган

1 Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Оқ олма, қизил олма. Ўзбек халқ қўшиқлари. Тўпловчи: М.Алавия. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. – Б. 83.
2 Алавия М. Ўзбек халқ қўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1959. – Б. 173.

илтимосномалар ҳам жавобсиз қолди[1]. Аммо уларнинг тақдири ва оғир ҳаёти шеър ва қўшиқларда муҳрланиб қолиши албатта муҳим ҳодиса эди. Шу боис 1916 йил воқеалари акс этган асарларни ўрганиш ва тадқиқ қилишда қўшиқларнинг ўрни беқиёсдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мардикорлик воқеаларининг қозоқ адабиётида ифодаланиши анча кенг кўламда тадқиқ қилинган. “Қозоқ адабиёти тарихи”да мардикорлик мавзуидаги шеърий асарлар “1916 йил поэзияси” сарлавҳаси остида ёритилган. Унда 1916 йил воқеаларига бағишланган халқ оғзаки ижоди намуналари икки турга бўлинган: 1 – лирик қўшиқлар; 2 – куйланувчи достонлар.

Маълумки, хайрлашув, соғинч, юпатув мазмунидаги қўшиқлар қозоқ халқ оғзаки адабиётида аввалдан халқнинг кайфияти ва ҳолати, турмуши ва урф-одатини ифодалаб келган. Бироқ 1916 йил шеъриятида булар янги шароитда тарихан бошқача моҳият касб этди. Жумладан, Жамбилнинг “Подшо амри тарқалди”, Бўлтирикнинг “Эл жардан кўчганда”, Сартойнинг “Тор замон”, Тўловнинг “Кенг саҳронинг қўшиғи”, Баттол, Ҳусайн, Қарсоқ ва Эсҳайрларнинг қўшиқ-достонлари, “Даметканнинг зори”, “Аскарнинг оила аъзолари билан хайрлашуви”, “Хайрлашув”, “Юпатув”, “Омонгелдининг ўлимига” сарлавҳали шеърлари бунга мисол бўла олади. Шундай қўшиқлардан бирида бойнинг ўрнига ёлланган ёрини кузатаётган келинчакнинг қуйидаги сўзлари ифодаланган:

*Етим қолиб ёш чоғингда,*
*Насибангдан қолиб сен.*
*Тепкисидан-да бойларнинг*
*Неча йиллар қақшаб сен[2].*

1 Қаранг: Чориев З. Туркистон мардикорлари: сафарбарлик ва унинг оқибатлари (1916-1917 йиллар). – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 123-140.
2 Қазақ әдебиетінің тарихы. II том. XX ғасырдың басындағы қазақ әдебиеті. Екінші кітап. – Алматы: Ғылым, 1965. – Б. 81.



Оқин Э.Қандеков ижодига мансуб “Кучли ботир” қўшиғининг бош қаҳрамони Али Нурхўжаев суд жараёнида ижтимоий-сиёсий масалалардан сўз очиб, меҳнаткаш фуқаро номидан гапиради, “Отаман, осаман” деб, милтиқ тираб, сўроқ қилган судга жавобан:

*Фақат гадой, фақир боласин оламан, дединг,*
*Ўргатмай, душман ичига соламан, дединг, –*

деб подшо ҳукуматини айблайди. Элга қилинган адолатсизликни, зулм ва талон-торожнинг чексизлигини, маъмуриятнинг кўрнамаклигини сўзлаб, “тонг отиб, кун чиқади, бизники эртанги кун” деб, халқнинг келажагига ишонч билдиради. Айнан шундай шеъридаги, яъни ижтимоий тенгсизликдан норозилик, фақат камбағалларнинг фарзанди сафарбар этилишига бош бўлган бойлардан ва уларнинг кирдикорларидан норозилик мотиви ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳам, ёзма адабиётида ҳам жуда кўплаб шеърларда учрайди.

Қозоқ халқ ижодида 1916 йил қўзғолонига бағишланган асарларнинг катта бир қисмини Омонгелди Имоновнинг қаҳрамонликларини улуғловчи қўшиқлар ташкил қилади. О.Шипиннинг “Омонгелди”, С.Эсонбоевнинг “Эр Омонгелди” ва Н.Ахметбековнинг “Омонгелди достони” шундай асарлар сирасига киради.

Таъкидлаш жоизки, фронт ҳаётини акс эттирган бир неча қўшиқ-достонлар ҳам 1916 йил воқеаларига бағишланган халқ адабиётининг мавзу-мундарижасини бойитди. Б.Берденовнинг “Приём”, Эсҳайрнинг “Зорли замон пайтида”, Баттолнинг “Бизга ҳам кун боқарми?”, Ж.Жанабоевнинг “Узоқ йўлга отландик”, А.Аманжолов ва Қорамуллаевларнинг “Эрксиз кетиб элимдан” қўшиқлари ушбу фикрни тасдиқлайди.

Ўша пайтда қозоқ ёзма адабиётида яратилган асарлар орасида Исо Давкабоевнинг “Бекпўлат” достони ўзбек шеърияти тажрибаларига бир қадар уйғунлиги билан ажралиб туради. Достонда фарзандларнинг мардикорликка жўнатилишига қарши

норозилик руҳи ифодаланган. Бекпўлатнинг қуйидаги сўзлари эса халқнинг, қанчадан-қанча ота, оналарнинг кўнгил изҳори эди:

*Мен эдим туғни тиккан, тона олмайман,*
*Айтилган жавобимдан қайта олмайман.*
*Бошимни керак бўлса кесиб ташла,*
*Сенларга ёш болани бера олмайман.*

Қозоқ ва ўзбек халқларининг 1916 йил воқеаларига муносабати муштараклигини кўрсатувчи мисоллар талайгина. Бекпўлат 1916 йил халқ кўтарилишининг туб сабаби биргина июнь фармонининг эълон қилинишида эмас, балки чор ҳукуматининг узоқ йиллар давомида олиб борган адолатсиз сиёсатида, деб билади. Шоир Бекпўлат тилидан бундай ёзади:

*Қозоқнинг ерини ҳам олдинг, сувини ҳам олдинг,*
*Бирови олтмиш деса, солиқ солдинг.*
*Қозоқдан хоҳлаганинг барин олиб,*
*Олатоғ қор тубига қувиб бординг*[1].

Бу сўзлар бежиз айтилмаган. Ўша мусибатли йилларда тоғлар қозоқларнинг бир пушти паноҳига айланган эди. Бу фикрни тасдиқловчи сўзлар бошқа манбаларда ҳам учрайди[2].

Мардикорлик ҳодисаси ўзига хос бир синов ҳам эди. Унда ўзбек, қозоқ ва бошқа халқларнинг мардлик ва жасурлик, эркпарварлик ва ватанпарварлик фазилатлари яна бир бор намоён бўлди. Биринчи жаҳон урушида туркистонликлар татарлар ва озарбайжонлар сингари уруш майдонларида бевосита иштирок этмаган бўлса-да, ундан четда ҳам қолган эмас. Бу ҳодисалар адабиётда, хусусан, шеъриятда ўзига хос бадиий талқинини топди.

1 Кўрсатилган манба. – Б. 89.
2 Қаранг: Allworth E. Central Asia. A Century of Russian Rule. – New York and London: Columbia University Press, 1967. – P. 212.



Фикр-мулоҳазаларимизни хулосалайдиган бўлсак, аввало, Туркистондаги миллий озодлик курашининг алоҳида бир босқичи ҳисобланган 1916 йилги ижтимоий-сиёсий ҳаракат Биринчи жаҳон уруши даврига тўғри келди. Шубҳасиз, очлик, қаҳатчилик, зулму ситам, Биринчи жаҳон урушининг халқ турмушини издан чиқаргани 1916 йил қўзғолонини юзага келтирган асосий сабаблардан эди. Ўша даврда Туркистоннинг барча шаҳар ва қишлоқларини қуршаб олган очлик, тенгсизлик ва зулмкорлик Завқий, Анбар Отин, Ҳайратий, Авлоний, Тавалло каби ижодкорларининг шеърларида таъсирчан ифодаларда акс этди. Халқимиз гарчанд Биринчи жаҳон урушида бевосита иштирок этмаган бўлса-да, унинг моддий ва маънавий зарари ўзбек оилаларигача ҳам етиб келди. Собиқ Россия империяси таркибидаги туркий халқлар ичида уруш мавзуси қардош татар ва озарбайжон адабиётларида кенг кўламда акс этди. Бу эса мазкур халқлар вакилларининг урушда бевосита иштирок этганлари билан боғлиқдир, албатта. Лекин уруш моҳиятини ёритиш ва қоралашда ўзбек ижодкорлари ҳеч бир халқ адабиёти вакилларидан ортда қолгани йўқ. Бунда улар диний-фалсафий мушоҳада лаёқатларини ҳам намоён эта билган. Шу маънода, ўзбек ва қардош туркий халқлар адабиётларида муштараклик кузатилади.

Рус императори иккинчи Николайнинг 1916 йил 25 июнь кунги фармони шундоқ ҳам очлик, қаҳатчилик, жабр-зулм остида эзилган халқнинг норозилиги, нафратини ошириб юборди. 1916 йилнинг ёзида бошланган халқ қўзғолони қулоч ёзиб, Туркистоннинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларини қамраб олди. Ўзбеклар, тожиклар, қозоқлар, туркманлар, қирғизлар, қорақалпоқлар, уйғурлар унда фаол қатнашди. Қўзғолон акс-садоси бутун Россия империяси бўйлаб тарқалди. Бу ҳодиса ўша давр адабиётининг асосий мавзуига айланди ва ўзига хос талқин этилди.

Мардикорлик воқеаларига акс-садо қардош қозоқ адабиётида чуқур из қолдирди. Шу сабабли ҳам қозоқ адабиёти тарихида мардикорлик воқеаларига бағишланган шеърий асарлар “1916 йил поэмаси” сарлавҳаси остида кенг миқёсда ёритилади. Бу эса: 1)

мардикорлик шеърияти нафақат ўзбек, балки минтақа халқлари адабиётида ҳам адабий-эстетик ҳодисага айланиб улгурганини кўрсатади; 2) қозоқ адабиётида мардикорликка олиш воқеалари кўпроқ оғзаки тарзда халқ бахшилари ижоди орқали етиб келган бўлса, ўзбек шеъриятида ушбу ҳодиса билан боғлиқ асарлар оғзаки ва ёзма манбаларда акс этди.

### 1916 йил воқеаларини акс эттиришда индивидуал бадиий талқиннинг ўрни

1916 йилги миллий озодлик ҳаракати нафақат халқимиз кечмишида, балки адабиётимиз тарихида ҳам алоҳида саҳифани ташкил қилади. Мардикорлик воқеалари ҳудудий жиҳатдан бутун Ўрта Осиё ва Қозоғистон бўйлаб тарқалгани боис бу мавзуга бағишланган бадиий асарлар ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман каби қардош халқлар адабиётида кенг кўламда акс этган. Бу воқеалар поэзия ва прозада, драматургия ва публицистикада, шунингдек, кино санъатида ҳам ўзига хос талқинини топган. Ўзбек адабиётида Ойбекнинг "Қутлуғ қон" романи ва "Болалик" қиссасида, Н.Сафаровнинг "Кўрган-кечирганларим" қиссасида, Ҳамзанинг "Лошмон[1] фожиалари", "Рабочий"[2], З.Саид ва М.Муҳаммад-жоновнинг "Қонли кун", Анқабойнинг "Шодмон", Н.Сафаровнинг "Уйғониш", Ш.Рашидов ва И.Акрамнинг "Равшан" драмаларида бу воқеалар бутун мураккабликлари билан акс этган. Туркман ва қирғиз адабиётларида ҳам бу мавзуга ўтган аср давомида бир неча бор мурожаат қилинган. М.Авезовнинг "Мушкул замона" қиссаси, А.Нурпеисовнинг "Қон ва тер" трилогияси, Б.Кербобоевнинг "Дадил қадам", Х.Деряевнинг

1 "Лошмон" арабча "لاش" сўзи ва форсча "ان" кўплик қўшимчасидан ясалган бўлиб, қуйидаги маъноларни англатади: "ўлик, мурда, жасад; яксон бўлиш, хонавайронлик, халок бўлмоқ; ёппасига ўлдириш, мол-мулкини талон-тарож қилиш; босқинчилик; ҳеч нарсага арзимайдиган, бўлмагур нарса. Қаранг: Полный персидско-арабско-русский словарь. Составитель полковник И.Д.Ягелло. – Ташкент: Электр.-пар. типо-литография Штаба Туркест. военного округа, 1910. – С. 1332; Будагов Л.З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. В 2х томах. Том 2. – Санкт-Петербург: Типография императорской Академии наук, 1987. – С. 186.

2 "Рабочий" драмасининг матни бизгача етиб келмаган.



"Қисмат", А.Тўқумбоевнинг "Қонли йиллар", "Тонг олдида" романлари фикримиз исботидир.

Бу мавзу ўтган аср биринчи чорагидаги шеъриятда ҳам етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Ҳозирга қадар мардикорлик воқеаларига бағишланган ўнга яқин шеърий тўплам босилиб чиққанлиги маълум, – деб ёзади проф. Б.Қосимов. – Булар орасида Муҳиддин Иброҳимов тузган "Лошмон" (Наманган, 1916), Ҳамзанинг машҳур "Миллий ашувлалар учун миллий шеърлар мажмуаси"нинг 7-бўлими – "Сафсар гул" (Қўқон, 1917), Авлонийнинг "Мардикорлар ашу(в)ласи" (Тошкент, 1917), Акбарий Тошкандийнинг "Ватанга хизмат" (Тошкент, 1917), Сидқийнинг "Рабо(т)чилар намойиши" (Тошкент, 1917), "Рабо(т)чилар келиши" (Тошкент, 1917), Мулла Муртазо бин Исмоилжоннинг "Ватан хизмати" (Тошкент, 1917) каби тўпламлари бор. Шунингдек, Алий-Азизийнинг "Янги шугуфа ёхуд миллий адабиёт" (Тошкент, 1917), Сидқийнинг "Русия инқилоби" (Тошкент, 1917) каби асарларида ҳам мардикорлик воқеалари тасвири учрайди[1]. Бу даврда яратилган ижтимоий-сиёсий шеърларни таҳлил этар экан, профессор Бегали Қосимов "ўзбек мардикорлик шеърияти" деган аҳамиятини кўллайди[2]. Олим 1997 йил 7 ноябрда Анқарада бўлиб ўтган IV Турк конгрессида "Ўзбек мардикорлик шеърияти"[3] мавзуида маъруза ҳам қилган. Бегали Қосимовнинг мазкур ишлари бу борадаги дастлабки залворли қадамдир.

Мардикорлик шеърияти хусусида сўз юритишдан олдин, "мардикорлик" атамасига, унинг луғавий маъносига эътибор қарасак. "Мардикор" икки форсий сўз: "مرد" (мард) – "эркак" ва "کار" (кор) – "иш"[4]дан изофа воситасида ҳосил бўлган. Форс тилида

1 Қосимов Б. Излай-излай топганим... – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. – Б. 183; Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б. 146.

2 Қаранг: Қосимов Б. Мардикорлик ҳақидаги шеъриятдан // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1980. – № 1.

3 Қаранг: Қосимов Б. Сафар кундалиги // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2000. - № 1. – Б. 138.

4 Форсча-ўзбекча ўқув луғати / Тузувчилар: А.Рустамов, К.Каримов, З.Умаров. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б. 176; 200.

“тажрибали, ишбилармон одам; хизматкор” маъносида қўлланадиган ушбу сўз “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да: “1. Вақтинча ёки кундалик ёлланиб ишловчи ишчи. 2. 1914-1918 йиллардаги Биринчи жаҳон уруши даврида чор ҳукумати томонидан чекка ўлкалардан, жумладан, Туркистондан фронт ортидаги, мамлакат ичкарисидаги қора ишларга сафарбар этилган эркак киши”[1], – дея шарҳланган. Ушбу сўз маъносининг кенгроқ таснифи Ўзбекистон Миллий энциклопедиясининг бешинчи жилдида келтирилган. Бунда “мардикорлик” сўзи уч хил изоҳланган. Булардан биринчисида, ўрта асрларда Ўрта Осиёда марказий (хон, амир) ёки маҳаллий ҳукумат фармони билан натурал мажбуриятни бажариш, шунингдек, катта ер эгалари ерида ишловчи деҳқонлар меҳнатидан фойдаланиш ҳақида сўз кетса, иккинчисида, Биринчи жаҳон уруши даврида подшо Россиясидаги чекка ўлкалардан фронт орқасига мажбуран сафарбар қилинган эркаклар меҳнати ва яна бирида эса, хонадонлардаги юмушларни бажариш учун оғзаки келишув асосида муайян ҳақ эвазига хусусий шахсларга ишбай ёки вақтбай ёлланиб ишловчи ҳақида сўз юритилган[2]. Умуман олганда, учала таърифда ҳам ишга ёлланган кишилар назарда тутилган. Мазкур тадқиқотда эса иккинчи таърифда келтирилган “мардикорлик” ҳақида фикр юритилиши ўз-ўзидан аён бўлаётир. “Мардикор” атамасини изоҳлаш асносида унинг тарихий илдизлари аниқланиши билан бирга, 1916 йилги миллий озодлик ҳаракати мардикорлик воқеалари номи билан юритилишининг сабаби ҳам маълум бўлади.

Биргина чор истибдоди даврида халқимиз қулликка, эрксизликка ва тенгсизликка қарши бир неча бор бош кўтаргани аён. Тошкентдаги вабо қўзғолони (1892 йил), Андижондаги Дукчи эшон қўзғолони (1898 йил), Самарқанддаги Намоз Примқул бошчилигидаги ҳаракатлар (1904-1907 йиллар) шулар жумласидандир. Ниҳоят, 1916 йили бутун Туркистон бўйлаб

1 Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 543.

2 Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Кўп томлик. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. Т. 5. – Б. 464.



йилги озодлик ҳаракати ундан олдин бўлиб ўтган халқ ғалаёнларининг давоми ўлароқ содир бўлди. Бу ҳаракатнинг туб замирида, албатта, эрк ва озодлик, ижтимоий адолат ва тенглик ғояси мужассам эди. Асосийси шундаки, қўзғолончилар “Мардикор бермаймиз” деган шиор остида бош кўтарган эди. Мардикорлик воқеалари бениҳоя кенг қулоч ёйди. 1916 йилдан то ҳозирги кунга қадар бу воқеага тарихчи ва сиёсатчи ҳам, шоир ва ёзувчи ҳам, журналист ва адабиётчи ҳам ўз муносабатини билдириб келаётгани сабаби шунда. Ўша давр адабиёти, шеърияти хусусида сўз юритганда, унинг мардикорлик воқеалари билан нечоғли боғлиқ эканини исботлаш заруратини ҳам шу билан изоҳлаш мумкин.

Миллатпарвар шоиру адиблар энг оғир дамларда халқ билан яқин бўлди. Асарларида унинг орзу ва изтиробларини бор кўлами билан ифодалашга интилди. Баъзида ижтимоий-сиёсий мафкура тазйиқидан қутула олмаган ушбу ижодкорлар мардикорлик воқеаларини турлича талқин этганлар. Абдулла Авлоний, Ҳамза ва Сиддиқий асарлари таҳлили ҳам бу фикрни қувватлайди.

Абдулла Авлонийнинг шоир, драматург, театр арбоби, журналист ва педагог сифатидаги фаолияти ўзбек халқининг миллий-ижтимоий онгини, маданий ва маънавий савиясини оширишга хизмат қилгани аён. Адибнинг кейинроқ ўз таржимаи ҳолида “Бу вақтларда бизнинг мақсадимиз ... Туркистон ёшларин сиёсий жиҳатдан бирлаштирув ва инқилобга ҳозирлов эди”[1], деган эътирофи ҳам буннинг далилидир.

Шоир, драматург, композитор, режиссёр, журналист, педагог сифатида фаолият кўрсатган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг кўп қиррали ижодида “Миллий ашувлалар учун миллий шеърлар”и алоҳида мавқега эга. Бу мажмуа 1915-1917 йилларда яратилган бўлиб, етти тўпламдан иборат: “Атир гул”, “Оқ гул”, “Қизил гул”, “Пушти гул”, “Сариқ гул”, “Яшил гул” ва “Сафсар гул”. Ҳамзанинг ушбу тўпламларини яратишдан асл мақсади миллий ашулалар куйларининг халқ ёдида сақланишига эришиш, миллатнинг орзу-

1 Авлоний А. Танланган асарлар. 2 жилдлик. – Тошкент: Маънавият, 1998. Ж. 1. – Б. 11.

армонларини ифодалаш орқали унинг ижтимоий-сиёсий онгини ўстириш, илм-маърифат тарғиби воситасида миллатни уйғотиш эди. Шуниси муҳимки, иккала ижодкорнинг ҳам шеър-ашулалари 1916 йил воқеаларига бағишланган асарлар орасида алоҳида ажралиб туради. Хусусан, Абдулла Авлоний тўплаган "Мардикорлар ашу(в)ласи" 1916 йил 18 сентябрида мардикорлар эшелонини Россияга фронт ортидаги ишларга кузатиш маросимида "Турон" труппаси томонидан турли куйларга солиб айтилган[1] хайрлашув қўшиқларини ташкил этса, ўз навбатида, Ҳамзанинг "Сафсар гул" тўплами юртдошларимизнинг кейинги тақдири – мусофирликда кечган изтиробли ҳаёти, дардли кечинмалари, соғинч туйғуларини акс эттирган.

Шу ўринда вақтли матбуотда эълон қилинган хабарлардан бирига мурожаат этиш зарурати туғилади: "Мазмун эмиш, яқинда ҳам кўнгиллик ишчилар йиғилишуб, подшоҳи аълам императўримизни суратларини кўторишуб, расмий байроғлар илан мусулмонча ашувлалар айтишиб, шаҳарни(нг) ҳама кўчаларидин юришгонларида аларни(нг) орқаларидин кўб кишилар йиғилишибдурлар". Ишчи мардикорларнинг иккинчи Николай суратини кўтариб юргани ҳақидаги маълумотни бошқа манба – хотираларда ҳам учратамиз[2]. "Мусулмонча" дея таъкидланган ашулалар эса, аслида, Абдулла Авлоний тўплаган "Мардикорлар ашу(в)ласи" экани эҳтимолдан холи эмас. Юртдошларимизни мардикорликка кузатиш чоғида Николайнинг сурати кўтарилгани, ашулалар айтилгани ростдир, бироқ ўша дамда халқнинг кайфияти, руҳий аҳволоти қай даражада эди? Кўнглидан нималар кечаётган эди? Абдулла Авлонийнинг "Мардикорлар ашу(в)ласи"[3] мутолааси бу каби саволларга аниқ жавоб олиш имконини беради. Бу

1 Бу ҳақда қаранг: Қосимов Б. Излай-излай топганим… – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. – Б. 184.

2 Бу ҳақда қаранг: Қамчинбек А. Мардикор. Хотира // Ер юзи. – Тошкент, 1928. – № 1

3 عبد الله اولانی. مردکارلار اشوله سی - تاشکند: غلام حسن عارفجانوف ، ۱۹۱۷ - صحیفه ۲۲-۱

(Мазкур тўпламдан олинган шеърий иқтибосларнинг саҳифаси қавс ичида "А." ҳарфи билан кўрсатилади)



шеърларда, энг аввало, боқувчисидан айрилаётган ота-онанинг ҳасрат-надомати акс этган.

*Найлайин, кетдинг қошимдан, қолдим энди айрилиб,*
*Сан кетарсан, ман ғарибга ким боқодур қайрилиб?!*

Шунингдек:

*Эй болам, найлай, жудолиғ ўти бағрим ёқадур,*
*Меҳрибоним, сан кетар бўлдинг, мани ким боқадур?! –*

деб айтган сўзларидан чорасиз, "қўл-оёқсиз", қаровга муҳтож бўлиб қолаётган ота ва онанинг тушкун кайфиятини, чексиз андуҳини тасаввур қилиш қийин эмас. Ота ва она тимсолида гавдаланаётган шеър қаҳрамон ўз хоҳишига қарши. У ўғлини мардикорликка юборишни сира ҳам истамайди. Бироқ у ўз тушунчаси, қўрқуви, қолаверса, бурчи олдида ожиз. "Бир мардикорнинг отаси ўғлига айтган сўзлари"га[1] назар солайлик:

*Эй, қўзим, мандин насиҳат, белни бойла хидмата,*
*Ватан учун ишла, ўғлум, солсалар ҳар меҳната.*
*Меҳнат эрмас билсанг, ўғлум, охири роҳат эрур,*
*Эй, қўзим, бу меҳнатингни фойдаси беҳад эрур.*
*Бор, Худо ёринг бўсун, Аллоҳга топширдим сани,*
*Сен бориб, келгил омон, Мавлоға топширдим сани. (А. 19)*

Келтирилган парчадаги "белни бойла хидмата", "солсалар ҳар меҳната", "охири роҳат эрур" бирикмалари орқали шоир шароитида қолган халқни тушкун кайфиятдан олиб чиқмоқни истайди. Қолаверса, бу сўзлар чор цензурасининг талаби натижасида ёзилганини сезиш қийин эмас.

1 Ушбу шеърдан келтирилган уч байт Абдулла Авлоний "Танланган асарлар"и 1 жилдида (Тошкент: Маънавият, 1998. – Б. 218-220) тушириб қолдирилган.

Хайрлашув мазмунидаги қўшиқлар халқ оғзаки ижодида ҳам учрайди. Жумладан, Тошкентдан мардикорликка жўнаган юртдошларимиз қўшиқ қилиб айтган тўртликлардан бири бундай:

*Ортда қолди туғилган жой,*
*Тоғу тошу ўйноқи сой,*
*Хатқа солди Остонабой,*
*Э, Тошкентим, хуш қол энди*[1].

Кўриниб турибдики, халқ қўшиқлари ва Авлоний "ашула"лари айрилиқ аламларини ифодалашда муштараклик касб этган.

Салкам бир йил давомида ота-оналар фарзанди соғинчида қанчалик ҳасрат чекиб яшаган бўлсалар, фарзандлар ҳам ота-онаси, ёр-дўстларидан узоқда, мусофир юртларда шунчалик қийналади. Ҳамза "Соғиниб"[2] шеърида бир мардикор тилидан бундай ёзади:

*Қачон озод бўлур, Тангрим, бошимиз,*
*Ватан бориб қурур кўздан ёшимиз,*
*Кўп қатори раҳм айлағил бу зора,*
*Адо бўлдим, элларимни соғиниб.*

Лирик қаҳрамон аҳволи оғирлигидан, элу юрти, ота-онаси, ака-сингил, оиласидан "жудолиғ" сабабидан "дили қон", "ранги сомон", "адо" бўлганини айтиб, изтироб чекади. Ҳамзанинг "Соғиниб" шеърини ўқир эканмиз, беихтиёр "Юрт қайғуси" ёдимизга келади. Абдурауф Фитратнинг 1917 йили "Ҳуррият" газетасида чоп этилган "Юрт қайғуси (бир ўзбек тилидан)" сочмасида Биринчи жаҳон уруши ва мардикорлик воқеалари арафасида юрт, халқ, миллат не азобларга дучор бўлгани ҳақида сўз кетади. Унда "бир ўзбек"нинг ёвга қарши нафрат, шунингдек,

1 Қаландарова М. Халқ куйлаган озодлик. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – Б. 35.
2 همزه حکیمزاده نیازی. صفسر گول – خوقند: معریفت غیرت کتبخانه سی ۱۹۱۷ – صحیفه ۷-٥
("Миллий ашувлалар учун миллий шеърлар" мажмуасининг мазкур бўлимидан олинган шеърий иқтибосларининг саҳифаси бундан кейин кавс ичида "Ҳ." ҳарфи билан берилади)



Ватанга муҳаббат туйғуси билан йўғрилган кечинмалари, қайғуси ифода этилган[1]. Ҳамзанинг "Соғиниб" шеъри ҳам, Фитратнинг "Юрт қайғуси" сочмаси ҳам, аввало, ижодкорларнинг қалбида подшо ҳукумати босқинчилиги боис жунбушга келган миллий туйғу – она замин озодлиги орзуси устувор бўлганини кўрсатади.

Аксар адабиётшунослар Ҳамза ижодига баҳо берганда, аввало, унда фольклорнинг тутган ўрнини алоҳида таъкидлашган. Хусусан, Ҳамзанинг мазкур мавзуга бағишланган шеърлари ҳам халқ қўшиқлари куйларига мўлжаллаб ёзилгани билан аҳамиятлидир.

Ҳамзанинг юқорида келтирилган "Соғиниб" шеъри халқ орасида машҳур бўлган "Ёр-ёрларим" ашуласи оҳангида ёзилган.

Ҳамзанинг "Пешонамиз тор экан" шеъри ўша йилларда халқ орасида кенг тарқалган "Ай-да Мамажон" ашуласи оҳангида ёзилган. Ҳар бир банднинг бешинчи ва олтинчи мисралари нақарот шаклида такрорланиб келади.

*Ҳой, паҳлавон, тур, қаҳрамон,*
*Ай-да ишлайлик, Тангри қўшмиш, ишлайлик!*

Бу нақарот, халқ орасида кенг тарқалган қўшиқнинг:

*"Вайсиной!.. Золотой!...*
*Ай-да Мамажон, Симга файдём дорогой"* –

нақаротига ҳамоҳанг равишда яратилган. Шу боис Ҳамзанинг шеърида "ай-да" руcча юкламаси келади.

Мазкур шеърнинг "Ҳой, паҳлавон, тур, қаҳрамон" сатрида гарчи кўтаринки кайфият ифодаланган бўлса-да, "Ай-да ишлайлик, Тангри қўшмиш, ишлайлик!" жумласида иложсизлик кайфияти ифодаланганини сезиш қийин эмас. Шоир поэтик фикр ифодасида ўзбек тилининг бой имкониятидан унумли фойдаланади. Натижада, оҳорли фикр ва гўзал ташбеҳ уйғунлиги юзага келади. Мана бу мисралар ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди:

1 Қаранг: Фитрат А. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 32-33.

*Сувлар кетар, қош қолур,*
*Кулфат кетар, бош қолур.*

Бу сатрларда бошга кулфат тушгани натижасида лирик қаҳрамон ўзи ва бошқаларни сабрга чақиради. Машҳур халқона иборалардан ўринли истифода этади:

*Боболардан бир сўз бор:*
*Ўсма кетар, қош қолур. (Ҳ. 5)*

Бу жумла орқали лирик қаҳрамоннинг кайфиятида пайдо бўлган кўтаринкиликни сезиш мумкин. Ҳамзанинг "Пешонамиз тор экан" шеърида ана шундай руҳ ифодаланган. Умуман, халқона иборалардан, мақолу маталлардан фойдаланиб, шеърнинг мазмунан теран, бадиий жиҳатдан баркамол бўлишини таъминлаш, чуқур моҳият ва гўзал поэтик шакл уйғунлиги – Ҳамза шеъриятининг хос хусусиятидир. Ижтимоий мавзудаги шеърларда бундай даражага эришиш камдан-кам шоирга насиб этганини алоҳида таъкидлаш керак.

"Сафсар гул"даги сўнгги "Салом айтинг" шеъри "Саити чорғоҳ" оҳангида ёзилган. Ушбу шеърда мардикорнинг юртига қайтаётган сафдоши орқали ота-она, ёр-биродарларига йўллаган саломи ўз ифодасини топган:

*Аго, соғ борсангиз аввал*
*Дадамларга салом айтинг.*
*Югуриб чиққан ул мушфиқ*
*Онамларга салом айтинг.*
*Кўзи қон ҳамширам бирлан*
*Акамларга салом айтинг.*
*Ўпиб пешонасин мен-чун,*
*Укамларга салом айтинг.*
*Қўни қўшни, кичик-катта*



*Акамларга салом айтинг. (Ҳ. 8)*

Мазкур парчада дастлаб отанинг эсланиши ва аввало отага салом айтилишида миллий хусусият – отага ҳурмат ва эҳтиром акс этган. Кейинги сатрларда эса, онанинг мушфиқлиги ва ҳамшира(опа-сингил)нинг кўзи қонлиги (мардикорни соғиниб йиғлаганидан) сифатлари укани эркалаш, соғиниш туйғуси билан ҳамоҳанг тарзда акс эттирилган. Сўнгги мисраларда ҳам миллий руҳ ифодаланганини диққатни жалб этади. Оила аъзоларидан сўнг қўни-қўшни, қариндош-уруғни тилга олиш ўзбекнинг ахлоқий қадриятидан нишонадир. Бу шеър мусофирликда юрган юртдошимизнинг соғинчини миллий мотивлар билан мутаносибликда тасвирлагани билан алоҳида ажралиб туради.

Халқ оғзаки ижодида ҳам Ҳамзанинг "Салом айтинг" шеърига мутаносиб қўшиқлар учрайди.

*Дўстлар, соғ борсангиз аввал,*
*Отамларга салом айтинг.*
*Остонага югуриб чиққан,*
*Онамларга салом айтинг*[1].

Кўриниб турганидек, иккала шеърий парчада ҳам уйғунлик бор. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ҳамза халқ оғзаки ижоди намуналаридан таъсирланиб, юқоридаги каби шеърлар ижод этган. Бироқ Ҳамза ижодига мансуб "Салом айтинг" шеърининг халқ оғзаки ижодидаги саломномалардан тамомила фарқ қиладиган бир жиҳати бор: ижодкор ғурбатда юрган мардикор тилидан Ватан соғинчи мавзусини бевосита илм-фан ва жаҳолатга боғлаб талқин этади. Асар муаллифининг қалбида яширинган исёнкор руҳ шунда намоён бўладики, лирик қаҳрамоннинг диёрини, оиласини, қавму қариндошларини соғиниб айтган сўзларида миллатнинг "дардли ва оғриқли нуқта"ларидан фарёд этилади.

1 Қаландарова М. Халқ куйлаган озодлик. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – Б.34.

*Ҳавас бас энди, тарк этсун,*
*Ҳама тўю тамошони.*
*Базм, айшу тараб, бидъат*
*Каби беҳуда савдони. ( Ҳ. 10)*

Бундан бир аср олдин ҳам дабдабали "тўю тамошо"лар, беҳуда "базм, айшу тараб"ларга ружу қўйиш иллати миллат зиёлиларини изтиробга солгани юқоридаги парчадан аён бўлмоқда.

Умуман, Ҳамза ўз шеърларида халқ ва миллат дардини унга яхши таниш бўлган оҳангларда ифодалашга интилди. Ҳамзанинг мардикорлик воқеалари акс этган шеърларига хос алоҳида хусусият ҳам шунда. Адабиётшунос Ю.Султоновнинг сўзлари билан айтганда, Ҳамза халқ билан яқинлашиш мақсадида халқ куйларидан фойдаланди. Кучли цензура ҳукмрон бўлган шароитда мусиқа унинг ғояларини ташвиқ этишда, айниқса, қўл келди[1].

1916 йилги халқ миллий ҳаракати рўй берган паллада Ҳамза Ҳакимзода саъй-ҳаракатлари боис давр нафаси драматик асарларга ҳам кириб келди. Ҳамза мардикорлик фожиасини саҳнада, ҳаракат ва сўз уйғунлигида кўрсатишга қарор қилди. Чунки бундай асар ғоявий курашни амалий курашга айлантиришда халққа ёрдам бериши, йўл кўрсатиши аниқ эди. Ҳамза 1916-1920 йиллар мобайнида "Лошмон фожиалари" трилогиясини, 1917 йилда "Рабочий" драмасини ёзган. "Лошмон фожиалари"нинг бир қисми – "Истибдод қурбонлари"гина сақланиб қолган. "Истибдод қурбонлари" фожианинг учинчи қисми бўлиб, 1919 йилда ёзилган ва 1920 йилда "Туркистон кучи" труппаси томонидан катта муваффақият билан саҳнага қўйилган[2].

Ҳамза драманинг бош қаҳрамони Саидхонни маҳаллий ҳукмдорларга, мустамлакачи чор амалдорларига қарши курашчига айлантиради. Саидхоннинг мардикор йигитларга қарата: "Қачон уйғонасиз? Қачон мундай хўрликларни сезиб, ўзингизни мундай

1 Қаранг: Султанов Ю. Хамза. Очерк жизни и творчества. – Ташкент: Фан, 1984. – С.20.

2 Бу ҳақда қаранг: Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. Учинчи том. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 280.



ҳақоратлардан тозартмоқға тиришасиз?... Қачонгача биз, турк ўғлини ер юзида кўрсатган қаҳрамонликлари қошинда бу кун бу қолларда қолмоқ номус, ўлган минг марта яхши! Очинг кўзингизни! Ё ўлим, ё нажот!..."(108-бет) – деб айтган сўзлари миллий уйғониш даври намояндалари дастурiламали эди.

"Истибдод қурбонлари" драмаси воқеани тўғри ёритгани, Саидхон сингари аждодларимизнинг эрк ва озодлик учун олиб борган кураши зулм ва зўравонликка, мустамлака сиёсатига қарши қаратилганини ҳаққоний тасвирлагани жиҳатидан муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ҳамзанинг 1916 йили рўй берган айрим воқеалар ҳақидаги қайдлари[1] ўлкадаги ҳар қандай воқеа-ҳодиса, халқнинг ҳар бир ҳаракати, сўзи унинг эътиборидан четда қолмаганини кўрсатади.

Юқорида номлари зикр этилган шоир-ижодкорлар орасида мардикорлик воқеаларига энг кўп мурожаат этган адиб – Сирожиддин Сидқий Хондайлиқий[2]дир (1884-1934). "Бу серқирра ижодкор шоирлик, носирлик,ноширлик, хаттотлик, таржимонлик, рассомлик талабларининг барчасига жавоб бера оладиган даражада тинмай меҳнат қилиб, салмоқли адабий мерос қолдирган"[3]. Унинг мардикорлик воқеаларига бағишланган асарлари орасида энг ихчам лирик ғазалдан (4 мисралик) достонгача учрайди. "Работчилар намойиши" даги "Работчилар ҳақинда бир жонсўз таржиъбанд", "Жўра қизиқ деган работчи тилиндандур", "Бир работчи тилиндан", "Фироқ намунаси", "Муҳораба дафъи учун муножот", "Баҳор намойиши", "Работчилар келиши"дан жой олган "Ситамдийда работчилар келиши", "Сизларға мужда", "Замона макридин таҳзир", "Эски ҳукумат зулми", "Аччиғ шикоят" каби шеърлари, "Русия инқилоби" достонининг "Мақбул қурбонлар" боби турли

1 Қаранг: Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий архивининг каталоги. Кўп томлик. Биринчи том. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 312.

2 Сидқий, шунингдек, Шавкат, Шевай, Искандар, Шавкат Искандарий, Шуун каби тахаллуслар билан ҳам ижод қилган.

3 Жавҳарова Р. Сирожиддин Сидқий Хандақлиқийнинг адабий мероси. Филол. фанлари номзоди ... дисс-я. – Тошкент: ЎзРФА, 1996. – Б. 123.

жанрларда ёзилган асарлар бўлиб, уларда 1916 йил воқеалари ўзига хос тарзда бадиий инъикос этган. Шоир ижодининг ўзига хос жиҳати шундаки, у замонавий ижтимоий мавзуни анъанавий жанрларда маҳорат билан ифодалади.

"Работчилар намойиши ёхуд Ватан қаҳрамонлари"[1] тўпламига киритилган "Фироқ намунаси" шеъри ғазал жанрида ёзилган бўлиб, уни Фурқатнинг "Адашганман" радифли ғазалига татаббуъ дейиш мумкин. Маълумки, "Бирон машҳур шоирнинг ғазалига унинг қофияси ва вазни сақланиб, жавоб тариқасида ёзиладиган ғазал татаббуъдир"[2]. Фурқат ва Сидқий ғазаллари матлаъсининг қиёси бу ғазал ҳақида шундай хулоса чиқаришга асос беради.

Фурқат:

*Ғарибу бу вилоят хонумонидин адашганман,*
*Басони мурғи ваҳший ошёнидин адашганман.*

Сидқий:

*Дема ҳолинг нечук, шарҳи баёнидан адашганман,*
*Қарини дарду ғам, шоди жаҳонидан адашганман. (Р.н. 9)*

Ҳар иккала ғазал ҳам ҳазаж баҳрининг ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган, қофиялардаги равий ҳам умумий (ўзакдаги "н" ҳарфи). Кўриняптики, Сидқийнинг бу ғазали назира талабларига ҳар томонлама жавоб беради.

Кейинги байтда тасаввуфдаги пири комил тимсоли орқали тўғри йўл топишга умидворлик сезилади:

*Агар бир пири комил илтифоти тутмаса илким,*
*Таманно манзилин роҳи равонидан адашганман. (Р.н. 9)*

---

1 سراج الدين مخدوم صدقی. رباتچیلار نمایشی یاخود وطن قهرمانلاری - تاشکند: غلام حسن عارفجانوف ۱۹۱۷ - ۱ صحیفه ۱۲-۱
("Работчилар намойиши ёхуд Ватан қаҳрамонлари" тўпламидан олинган шеърий иқтибосларнинг саҳифаси қавс ичида "Р.н." ҳарфлари билан кўрсатилади)

2 Адабий турлар ва жанрлар (тарихи ва назариясига оид). Уч жилдлик. Иккинчи жилд Лирика. – Тошкент: Фан, 1992. – Б.173.



Фурқат ғазалидаги учинчи байтда ҳам айнан шундай йўлбошчи, раҳбарга муҳтожлик сезиш билан боғлиқ ҳолат акс этган. Унда бу ҳолат муршид тимсоли орқали баён этилган:

*Азизим, муршидим ҳам раҳбарим, тожи сарим – бошим,*
*Ўшал соҳибкарамлик хонадонидин адашганман.*

Сидқий анъанавийлик шартларидан чекинмай, вазн, қофия ва радифни сақлагани ҳолда ўз давридаги ижтимоий воқеликка мувофиқ мазмун талқинини яратган.

Сидқийнинг айрилиқ, ғариблик, соғинч ҳолатлари ифодаланган шеърларида бошқа мумтоз шоирлар, масалан, Увайсий ғазаллари билан ҳам ўхшашликлар учрайди.

*Баҳор айёмида ул хатти райҳонимни соғиндим,*
*Ки яъни ҳуриваш зулфи паришонимни соғиндим, – (Р.н. 12)*

матлаъси билан бошланувчи Сидқийнинг "Соғиндим" радифли ғазали Увайсийнинг худди шундай вазн, қофия ва радифдаги:

*Бу кун, эй дўстлар, фарзанди жононимни соғиндим,*
*Гадо бўлсам на айб, ул шоҳи давронимни соғиндим*[1],

матлаъли ғазалига татаббуъдир. Иккала ғазал ҳам ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган. Ҳажми етти байтдан иборат. Қофиялардаги равий, яъни сўзларнинг ўзаги охиридаги "н" ҳарфи айнан такрорланиб келган. Увайсий матлаъсининг иккинчи мисрасидаги "шоҳи давронимни" қофиядош сўзлар бирикмаси Сидқий ғазалининг иккинчи байти иккинчи мисрасида айнан такрорланган:

*Саропо ишва пиро дилраболар хайли яктоси,*

---

1 Увайсий. Девон. Шеърлар. – Тошкент: Ўздабийнашр, 1963. – Б.94.

*Назокат кишварида шоҳи давронимни соғиндим.* (Р.н. 12)

Юқорида келтирилган шеърларда лирик қаҳрамон мусофирлик, ғариблик важидан фарёд чекади. Увайсий фарзанди, “паризоди” соғинчида қанчалар азобланса, Сидқийнинг қаҳрамони “ҳурваш”, “нозпарвар”, “шакарлаб”нинг ҳажрида шунчалар изтироб чекади. Бироқ, қиёсий ўрганиш шуни кўрсатадики, Сидқий ижодида шеърнинг шаклий белгилари – вазн, қофия ва радифни ҳосил қилувчи унсурлар, бадиий тасвир воситалари сақланса-да, бироқ ёр мафҳуми(тушунчаси)нинг маъно-моҳияти ўзгарган. Агар классик шоирларда у “Ҳақ” маъносини англатган бўлса, Сидқий ижодида ёр кўпроқ ижтимоий мазмун касб этади. Сидқий лирик қаҳрамонининг ёри – она-Ватан. Бу муқояса шеъриятнинг зоҳирдан ўз анъанавий шаклларини сақлаган ҳолда моҳиятан ўзгариб, янгиланиб борганлигидан далолат беради. Адабиётшунос Вадуд Маҳмуднинг Ажзий ижодига берган баҳоси ва эътирофи шу жиҳатдан эътиборга моликдир: “Бизнинг шоир (яъни Ажзий – *Н.Х.*) эски шеърнинг шаклий жиҳатларини, ифода тарзини айнан кабул қилиб, ичига эскига тамом ила қаршу бўлғон ўз руҳини, янги руҳни киргизгандур. Шоиримиз ошиқдур, маъшуқ эса халқдур, миллатдур. Ул кўз ёш тўкса, миллати учун тўкадур, бировдан хафаланса, миллатининг ҳолига боқмагани учун хафаланадур. Бировдан хурсанд бўлса ҳам миллати, халқи учун бўладур” (“Инқилоб” журнали, 1924 йил, № 11-12, Б. 128)[1]. Шеъриятдаги янгиланиш аввало унинг руҳида, образ, тимсол ва рамзлар замиридаги мазмуннинг ўзгача моҳият касб этишида намоён бўлди. Энг муҳими, ушбу жараён мардикорлик шеъриятида ҳам ёрқин из қолдирди.

“Работчилар келиши” тўпламидаги шеърлар мардикорларнинг Россия ва Сибирь минтақаларидан ўз она-юртларига қайтиши воқеаларига бағишланган. Сидқий асарни ёзишдан аввал мардикорларнинг Россия ичкарисида кечирган ҳаёти ҳақидаги

1 Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари. Илмий мақолалар. – Тошкент: Университет, 1993. – Б. 78



маълумотларни синчиклаб ўрганган, мардикорликдан қайтган йигитлар билан суҳбатларда бўлган. Ушбу тўпламдан жой олган “Ситамдийда работчилар келиши” асари мардикорликка олинган ўзбек йигитларининг фронт ортидаги аянчли ҳаётини, оғир меҳнатларини акс эттирган. Бу асар ҳақида сўз юритганда, аввало, унинг композициясига алоҳида тўхталиш лозим. Маълумки, суҳбат ва диалоглар эпик ва драматик асарларнинг композицион тузилишида муҳим роль ўйнайди. Мумтоз адабиётда лирик ва лиро-эпик асарлар яратишда ҳам диалог усулидан кенг фойдаланилгани маълум. Бироқ мухаммас жанрида диалогдан фойдаланилмаган. Сидқий бу усулни мухаммасга татбиқ этиб, шоирлик хусусиятини намоён этган.

Савол:

*Чекдингиз мис конида қандоғ машаққат, сўзлангиз?!*
*Юзлади ул ерда сизга неча меҳнат, сўзлангиз?!*
*Бердиму золимлар ул ерда уқубат, сўзлангиз?!*
*Не жафолар айлади эски ҳукумат, сўзлангиз?!*
*Эй, асири юз балойи ногаҳон, хуш келдингиз! –*

Жавоб:

*Бердилар мис конида эски ҳукумат минг азоб,*
*Зулм ўтида айладилар бас жигарларни кабоб,*
*Кимки оҳиста иш этса, ўн қадоқ нон иштароб,*
*Тан уйини(нг) йиқти ер узра, бели қилди хароб,*
*Демангизлар бизлара: “Эй, шодумон, хуш келдингиз!”*[1]

Мардикорликдан қайтган йигитнинг саволларга берган жавоби инсон қалбини жунбушга келтирадиган даражада таъсирчандир. Мис конида ишлаб, “минг азоб”ларни кўриш чекига тушган юртдошимиз “эски ҳукумат” ўтказган зулмдан дод-фарёд

1 سراج الدين مخدوم صدقي. ربتچيلار كيليشي - تاشكند: غلام حسن عارفجانوف، ١٩١٧ ، صحيفه ١-٢
(“Работчилар келиши” тўпламидан олинган шеърий иқтибосларнинг саҳифаси бундан кейин қавс ичида “Р.к.” ҳарфлари билан кўрсатилади)

чекади. “Парчаи нон”га зор ва муҳтож бўлган мардикорга “ўн кадоқ нон иштароб” солиниши адолатсизлик ва хўрлашдан бошқа нарса эмас эди. Мутахассисларнинг аниқлашича, мардикорларнинг Россиядаги аҳволи ҳақиқатан ҳам жуда ачинарли бўлган. Аслида, уларга сафарга кетишдан аввал чор маъмурияти маош ҳисобидан 1 сўм ва хазинадан 50 тийин, жами – 1 сўму 50 тийин кундалик овқат пули берилишини ваъда қилган. Аммо кунига 1 сўму 40 тийиндан берилиб, ундан 1 сўми уй-жой ҳақига, 5 тийин мингбоши ва имомларнинг маошига ажратилган. Мардикорнинг ўзига эса бир кунлик овқат пули учун 35 тийин қолдирилган. Мардикорга кўпинча от гўштидан овқат берилиб, ун, картошка ва донли озиқларни сотиб олишга имкон бўлмаган. Қаттиқ совуқ, озиқ-овқатнинг сифатсизлиги ва камлиги мардикорлар тинкасини қуритиб юборган[1]. Шу боис мардикорлар “шодумон” бўлиб эмас, юзлари ғамдан сўлиб, “заъфарон” бўлиб қайтган.

Таъкидлаш жоизки, Сидқий Хондайлиқий адабиётимиз тарихида биринчилардан бўлиб, миллий ва ижтимоий озодлик кураши воқеаларини кенг кўламда тасвирловчи “Русия инқилоби” асарини яратди. “Классик адабиёт билан шуғулланувчи айрим мутахассислар анъанавий Шарқ шеъриятини, шу жумладан, ўзбек поэзиясини бир қадар торроқ, олайлик, ишқий, дидактик, фалсафий оҳанглардагина кўришга мойил бўлиб, ижтимоиёт ва сиёсатдан узоқ тутадилар. Бу унчалик тўғри эмас. XX аср боши ўзбек адабиёти, хусусан, Сидқий ва унинг мазкур достони бунга очиқ далил”[2], – дейди Б. Қосимов. Профессор Н.Раҳимжонов бу достон ҳақида фикр билдириб, “у, маълум маънода, классик достончилик билан янги типдаги лиро-эпик поэмаларни бир-бирига боғловчи кўприк вазифасини ҳам ўтайди”[3], – деб таъкидлайди.

1 Бу ҳақда қаранг: Исмоилова Ж. Озодлик орзуси // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2001. 1чи фасл. – Б. 136; Чориев З. Туркистон мардикорлари: сафарбарлик ва унинг оқибатлари (1916-1917 йиллар). – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 120-124.

2 Қосимов Б. Дин ва дунёни ушлаган шоир / Хондайлиқий С. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б. 13.

3 Раҳимжонов Н. Лирик ва эпик ифода мутаносиблиги / Адабий турлар ва жанрлар (тарихи ва назариясига оид). Уч жилдлик. 1-жилд. Эпос. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 203.



Достонда 1917 йилги Февраль инқилоби ва у билан боғлиқ воқеалар [illegible] акс этгани боис бу асар жанр эътиборига кўра лиро-эпик хроника, деб эътироф этилган[1]. Дарҳақиқат, бу фикрни достон бобларининг номланиши ҳам тасдиқлайди. Достон “Сабаби назми инқилоб”, “Петроградда воқеалар нечук бошланди ва не равишда [illegible]”, “Назирларнинг қамалуви. Прўтапўпўф”, “Подшоҳнинг тахтдан тушуви”, “Янги подшоҳ”, “Янги Русия – янги ҳаёт”, “Улуғ [illegible] Михаил Александрович тахтни қабул этмади”, “Мақбул қурбонлар”, “Распутин ила махлуъ подшоҳ хоними”, “Дин душмани – миссийўнерлар фирқасининг бадомоли”, “Тафриқалар [illegible]”, “Хоин, золим, қароқчи эски амалдорлардин фарёд ва [illegible]”, “Шўройи исломияга тарғиб, илмга ташвиқ, жаҳолатдан [illegible]”, “Иттифоқ замони”[2] каби боблардан ташкил топган.

Эътиборли жиҳати шундаки, Сидқий “Русия инқилоби” достонида реал воқеликни акс эттирувчи янги ижтимоий мавзуни анъанавий шакл билан уйғунлаштирди. Шоир 1917 йили юз берган воқеаларни бадиий умумлашма тарзида келтирар экан, анъанавий достончилик тажрибаларидан фойдаланди. “Русия инқилоби” достони маснавий жанрида, мутақориби мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган. Мумтоз адабиётга мансуб қаҳрамонлик, жангнома ва тарихий достонлар ҳам айни шу вазнда ёзилган. Жумладан, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Низомийнинг “Искандарнома”, Деҳлавийнинг “Ойинаи Искандарий”, Жомийнинг “Хирадномаи Искандарий”, Навоийнинг “Садди Искандарий” достонлари шу вазнда битилган[3]. Қуйидаги уч достондан олинган иқтибосларнинг қиёсий таҳлили ҳам буни тасдиқлайди.

Низомийда: Навоийда:

*Зи чандон зану марду барнову пир,*

1 Кўрсатилган манба. – Б. 205.

2 سراج الدین مخدوم صدقی. روسیه انقلابی - تاشکند: رواق کتبخانه سی، ١٩١٧ [illegible]
(“Русия инқилоби” достонидан олинган иқтибосларнинг саҳифаси бундан кейин қавс ичида “Р.и.” ҳарфлари билан кўрсатилади)

3 Бу ҳақда қаранг: Юсупова Д. Жангнома достонларда шеърий ўлчов масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2007. - № 2. – Б. 56-59.

*Чу охир бўлурбиз адам, эй рафиқ,*

***V - - V - - V - - V - V - - V - - V - - V –***

***фаулун фаулун фаулун фаал***

*Бурун омад овозае чуз нафир.*

*Ғанимат тутоли бу дам, эй рафиқ.*

***V - - V - - V - - V - V - - V - - V - - V -***

***фаулун фаулун фаулун фаал***

Сидқийда:

*На қолди бешик ичра ёш баччалар,*

***V - - V - - V - - V -***

*Иморат босиб бўлди зеру забар.*

***V - - V - - V - - V -***

***фаулун фаулун фаулун фаал***

Кўриниб турганидек, Сидқий "Русия инқилоби" достонини яратишда бир неча асрлар олдин яшаб ижод этган салафлари қўллаган вазнга мурожаат этган. Асарда мумтоз достончилик тажрибаларининг давом эттирилгани диққатга сазовордир. Шу ўринда, Авлоний, Ҳамза каби шоирларнинг 1916 йил воқеаларини акс эттирувчи асарлари нафақат ёзма адабиёт анъаналари, балки халқ оғзаки ижоди намуналари билан уйғунлиги ва фарқли жиҳатлари, шунингдек, ҳар бир ижодкорнинг турли жанрларда асар яратгани уларнинг мазкур воқеага ўзига хос индивидуал ёндашувидан далолат беради.

Умуман, Абдулла Авлонийнинг «Мардикорлар ашу(в)ласи»да зўравонлик билан мардикорликка сафарбар этилган йигитларнинг хайрлашув манзараси акс этган. Хайрлашув қўшиқлари халқ оғзаки ижодида ҳам учрайди. Бироқ психологик ҳолат тасвирига кўпроқ урғу берилгани, мардикорликка мажбуран сафарбар этилган қаҳрамон руҳий ҳолатини тўлақонли тасвирлашга интилиш мавзунинг Авлоний талқинидаги ўзига хослигини белгиловчи омиллардир.



Ҳамзанинг "Пешонамиз тор экан", "Соғиниб", "Салом айтинг" шеърлари эса юртдошларимизнинг мардикорликдаги ҳаётини тасвирлашга бағишланган. Шоир шеърларида халқ оғзаки ижодининг таъсири яққол сезилади. "Салом айтинг" шеъри халқ ижодида учровчи саломнома қўшиқлар билан ҳамоҳангдир. Бироқ Ҳамза шеърида нафақат соғинч, ғурбат мавзуи акс этган, балки маърифат ва жаҳолат тазоди ҳам ифодаланган. Шеърларнинг халқ қўшиқлари асосида яратилгани, нақаротнинг қўлланилиши, мавзунинг таъсирчан поэтик талқини Ҳамзанинг мардикорлик мавзуидаги асарларини бошқа шоирлар ижодидан ажратиб турувчи ўзига хос хусусиятлардандир.

Мардикорлик воқеаларини энг кўп қаламга олган шоир Сидқий Хондайлиқий бўлиб, унинг «Работчилар намойиши», «Работчилар келиши» шеърий тўпламлари ва «Русия инқилоби» достони мазкур мавзуга бағишланган. Бу мавзудаги асарларнинг ҳар жиҳатдан ранг-баранглиги, анъанавий шаклни янгича мазмун билан бойитгани, "Ситамдийда работчилар келиши" шеърида диалог усулини маҳорат билан қўллагани, "Русия инқилоби" достонини мумтоз тарихий достонларга хос мутақорибининг маҳзуф вазнида ёзгани ҳолда замонавий мавзунинг янгича талқинини бера олгани Сидқий Хондайлиқий асарларининг ўзига хос хусусиятларидир. Шоирнинг анъанавий шаклни янгича мазмун билан бойитгани ғазалларида ҳам яққол намоён бўлган.

## 2-БЎЛИМ. МАРДИКОРЛИК ШЕЪРИЯТИНИНГ ҲУДУДИЙ ҚАМРОВИ ВА МАВЗУ КЎЛАМИ

### Тошкент адабий муҳити ва мардикорлик воқеаларининг бадиий талқини

1916 йил мардикорликка олиш воқеалари, айниқса, Жиззах, Фарғона водийси ва Тошкентда катта норозиликларга сабаб бўлди. Ушбу норозилик Жиззахда ўзининг энг катта кўламига эришган, бироқ Жиззах воқеаларининг бадиий талқини бизгача фақат фольклор материаллари асосида етиб келган. Булар Фозил Йўлдош ўғлининг "Жиззах кўзғолони"[1], Пўлкан шоир Жомурод ўғлининг "Мардикор"[2] достонлари бўлиб, улар фольклоршунослигимизда махсус ўрганилган[3]. Шу сабабли ҳам биз Жиззах кўзғолони ва унга бағишланган фольклор асарларига бу ўринда алоҳида тўхталмасдан, мардикорлик воқеаларининг Тошкент ва Фарғона водийси адабий муҳитида акс этиши масалаларини тадқиқ этдик.

Давр воқеаларининг шиддатли тарзда кечиши бадиий ижодга ҳам ўз таъсирини кўрсатган. 1916 йил воқеаларининг ўша давр адабий ҳаётидаги талқини ҳам бунинг исботидир. Жумладан, Сидқий Хондайлиқий, Абдулла Авлоний, Акбарий Тошкандий, Мулла Муртазо каби тошкентлик шоирлар ижодида мардикорлик воқеалари тасвирига алоҳида ўрин ажратилган. Сидқийнинг "Работчилар намойиши" ва "Работчилар келиши", Авлонийнинг "Мардикорлар ашу(в)ласи", Акбарийнинг "Ватанга хизмат", Мулла Муртазонинг "Ватан хизмати" каби шеърий тўпламлари,

1 Фозил Йўлдош ўғли. Жиззах кўзғолони. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи Ходи Зариф. – Тошкент: Ўздавнашр, 1949.

2 Пўлкан шоир Жомурод ўғли. Мардикор / Zarifiy H., Raçabiy Ş. Ozbek sovet folkloridan namunalar. – Тошкент: OzSSR Davlat naşriyati, 1935.

3 Қаранг: Zarifiy H., Raçabiy Ş. Ozbek sovet folkloridan namunalar. – Toşkent: OzSSR Davlat naşriyati, 1935; Қобулниёзов Ж. Жиззах кўзғолони тўғрисида / Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. Учинчи китоб. Фозил шоир. – Тошкент: Фан, 1973; Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди / Раззоқов Ҳ., Мирзаев. Т., Собиров О., Имомов К. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980; Умаров С. Тарих ва достон. – Тошкент: Фан, 1984; Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. – Тошкент: Фан, 1991; Қаландарова М. Халқ қўшиғи ва озодлик. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992.



шунингдек, Сидқийнинг "Русия инқилоби" достони "Мақбул қурбонлар" боби ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Тошкент адабий муҳитидаги шоирларнинг 1916 йил воқеаларига бағишланган асарларининг деярли барчасида хайрлашув манзараси акс этган. Авлоний, Акбарий ва Мулла Муртазо шеърларидаги ота-онанинг фарзанди билан, эрнинг хотини билан хайрлашуви тасвирида бу хусусият, айниқса, ёрқин ифодаланган.

1917 йил Тошкентда Ғулом Ҳасан Орифжонов литографиясида Авлоний ноширлигида "Мардикорлар ашу(в)ласи" тўплами босилиб чиқди. Тўплам 22 саҳифадан ташкил топган. Муаллифнинг эътирофича, "Бу асарда ёзилмиш шеърларнинг "Туркистон"дан мардикор олмоқ хусусида подшоҳи аъзам жанобларининг фармони олийларина камоли эҳтиром ила хизматга кирмак учун йиғилуб кетвотган биринчи "тўда" мардикорларни кузатмак учун чиқишда ясалган намойишда Тошкандаги тиётруга шайка "Турон" тўдаси тарафидан турли (матиф) куйларда ўқилган ва кўп кишилар илтимос қилуви сабабли жамъ қилиниб, нашр қилиниб ва бошқа бир неча шоирларнинг ёзган шеърларини эгаларининг рухсатлари ила бу адабиётга илова қилинди"[1].

"Мардикорлар ашу(в)ласи" тўпламига киритилган шеърларнинг аксарияти Авлоний қаламига мансуб. Чунки тўпламдаги ўнта шеърдан тўққизтасида "Ҳижрон" тахаллуси қўйилган ва биргина "Ишлар ўлди осонлар" шеърига "Бу шеър тошкентлик Мўминжон Муҳаммаджон ўғли тарафидан ёзилган", деб изоҳ берилган. "Мардикорлар ашу(в)ласи" тўпламидаги Абдулла Авлоний ижодига мансуб шеърлар қуйидагилар: "[illegible] императўримизга биздан дуо", "Тошканд ёшлари тарафидан арзи садоқат", "Подшоҳи аъзам императўримизга биздан дуо", "Фарёди ватан", "Мардикорлар ашу(в)ласи", "Бир мардикорнинг отаси ўғлига айтган сўзлари", "Онасининг ўғлига айтган сўзи", "Ўғлининг онасига айтган сўзи", "Хотунига айтган

1 عبد الله اولانی. مردکارلار اشوله سی - تاشکند: غلام حسن عارفجانوف، ١٩١٧ ، صحیفه ٤٤

сўзи". Сўнгги тўрт шеър кейинги йилларда "Авлоний. Тошкент тонги" (1979), "Абдулла Авлоний. Танланган асарлар" (1998)ида бир оз қисқартиришлар билан нашр этилган. Тўпламдаги бешта шеър мардикорларнинг хайрлашув қўшиқларидир. Авлоний юртдошларимизни кузатиш маросимида ўзи қатнашган. Унинг шеърлари қўшиқ қилиб айтилгани ҳақида юқорида тўхталган эдик. "Мардикорлар ашу(в)ласи" тўпламнинг 11-16-бетларидан ўрин олган. Шеърда мардикорликка кетаётган йигитнинг ота-она, қариндошлари билан хайрлашуви манзараси тасвирланган.

*Биз кетармиз, сиз қолурсиз кўзларингиз ёш бўлуб,*
*Ғам чекмангиз, биз келурмиз, тез кунда ўйнаб-кулиб.*
*Ёмон кунлар яхши бўлур, тез келурмиз, ғам еманг,*
*Худо сизга тўзум берсун, биз келунча сабр айланг. (А. 12)*

Бу мисралар замирига ўша кезлари юртдошларимиз қалбини чулғаган ҳадсиз изтироб, тушкунлик кайфияти сингдирилган. Шоир эса умидни ноумидликдан баланд қўйиб фикр юритади. Яъни "ёмон кунлар" тез ўтажагига одамларнинг ишонишини истайди.

Абдураҳмон ҳожи Акбаровнинг "Аноси рози бўлуб боласига жавоб бергани", "Аносидин ризолик сўраб йўлга тушгани", "Хотинига рози бўл, яхши қол, деб айтган сўзи" сингари шеърлари ҳам мазмунан юқоридаги фикрларга ҳамоҳанг. Албатта, муштипар онанинг хайрлашув сўзлари билан фарзанднинг сўзлари бир-биридан фарқланади. Бунда онанинг ҳасрати, изтироби ва ночорлигини сўз билан ифодалаш қийин. Акбарийнинг она тилидан битилган мана бу сатрлари қалбни ларзага солиши сабаби шунда.

*Адо бўлдум, болам, сандин айрилуб,*
*Синди мани қанотларим қайрилуб.*
*Қолурму йўлингда юзум сарғаюб,*
*Бор ёлғузум, бир Аллоҳга топширдим. (А.Т. 12)*



Авлонийнинг шеърида ҳам айни шундай ҳолат тасвирланганини кузатиш мумкин:

*Ҳеч қайғу йўқ жаҳонда бу жудолиғдин ямон,*
*Сан кулуб ўйнаб юрурсан, ман бўлуб ранги сомон.*
*Найлайин ман муштипар, бечора бахти қораман,*
*Кеча-кундуз ўз ғамим бирлан ўзим овораман. (А. 20)*

"Ранги сомон", "бечора" "бахти қора", "муштипар" каби сифатлашлар изтиробнинг нечоғлик чўнг эканини кўрсатиши билан ҳам шеърда ўзига хос поэтик вазифани бажарган. "Қайғу", "жудолиғ", "ғам" сўзларидаги таносуб шеърнинг бадиий қувватини оширишга хизмат қилган. Онанинг аламга йўғрилган сўзлари фарзандининг тўлиб-тошган кўнглини янада маҳзун этади. "Ўғлининг онасига айтган сўзи" эса қуйидагича бошланади:

*Волидам, Маккам, Мадинам – меҳрибоним сен эдинг,*
*Ғамгусорим, мушфиқим, оромижоним сен эдинг. (А. 21)*

Шеърдаги "волидам, Маккам, Мадинам" ундалмаларига аниқ бадиий-эстетик вазифа юкланган. "Меҳрибоним, ғамгусорим, мушфиқим, оромижоним" сифатлашлари эса бу поэтик юк салмоғини янада оширади. "Мушфиқ онам, жовидоним, марҳами жоним, муҳибби хонадоним, шамъи шабоним, кайфу шодмоним, посбоним, сирри ниҳоним, ошёним" сингари ташбеҳлар эса, онанинг нечоғлик улуғ сиймо эканини тасдиқлаш баробарида шеърнинг бадиий қувватини юксалтиришга хизмат қилган. Мурожаатнинг ўтган замон шакли шоир томонидан махсус танланган. Негаки, бу усул мисралар замиридаги дардни кучайтиришга хизмат қилган.

"Мардикорлар ашу(в)ласи" тўпламидан жой олган яна бир шеър "Хотунига айтган сўзи" бўлиб, унда қаҳрамоннинг умр йўлдоши билан хайрлашуви манзараси акс этган. Шоир айрилиқ

лавҳасини тасвирлар экан, ёрни васф этувчи “муниси ғамхор”, “пуранвор”, “зулфи сунбул”, “кўзлари хуммор”, “рафиқи меҳрибоним”, “ёру жоним”, “ҳамдамим”, “шакарғуфтор”, “гулъузорим” каби сифатлашларни келтиради. Ночор аҳволда қолган эр-хотинлар ўзларига “сабр” ва “тоқат” тилашади:

*Ҳақ таоло манга тоқат, санга сабр этсун ато,*
*Гулъузорим, яхши қол, ман зор кўрсам-кўрмасам.* (А. 22)

Акбарий қаламига мансуб “Хотунига рози бўл, яхши қол, деб айтган сўзи” шеърининг қаҳрамони ҳам “бошга кулфат тушса, сабр” қилиш заруратини таъсирчан ифодалайди:

*Бошга кулфат тушса, сабр этгай ҳамиша бандаси,*
*Бу фалакни жабридин, эй, ёри жоним, яхши қол.* (А.Т. 18)

Мардикорликка сафарбар этилганлар бир пайтнинг ўзида барча яқинларидан айрилиб, бегона юртларга кетаётган эди. Бу қанчалик оғир фожиа бўлмасин, у йигит киши ва шу боис унинг нола қилишга, “мотам” тутишга асло ҳаққи йўқ. Нима бўлганда ҳам туйғуларини яшириб, саботли, мард йигит эканини, ёр-биродарларига истиқболдан катта умиди бор эканини намоён этиши зарур эди.

*Ўчмасун ёнган чироғим, боз кўрсам ой юзингни,*
*Эшитай ширин сўзинг, эй, ёри жоним яхши қол.* (А.Т. 17)

“Ўчмасун ёнган чироғим” – чинакам ўзбекона ибора. Аксар ҳолларда изтироб ва андуҳ онларида зикр этиладиган бу сўзлар шеърда муайян поэтик моҳиятни ифодалашга хизмат қилгани, айниқса, аҳамиятлидир. Умуман олганда, кузатиш “маросим”ида айтилган хайрлашув қўшиқлари халқнинг куз япроқларидек ҳазин кайфиятини, сўнган орзу-умидларини акс эттирар экан, уларда



овунтирувчи, кўнгилни кўтарувчи сўзлар муайян бадиий-эстетик вазифани бажаради. “Ой юзинг”, “ёри жоним”, “гулъузорим”, “яхши қол”, “хуш қол” каби сўзлар замирида ана шундай поэтик таъкид ифодалангани фикримизнинг далилидир.

Тошкентлик шоирларнинг 1916 йил воқеаларига оид шеърларига хос умумий бир хусусиятни алоҳида таъкидлаш керак: деярли барча шеърларда Аллоҳга муножот қилинади, Аллоҳдан оқ [illegible] учун мадад сўралади. Аллоҳ таоло Тангри, Раҳмон, Карим, Субҳон, Самад, Раб, Биру Бор каби исмлар билан зикр этилади. Авлоний, Сидқий, Акбарий каби шоирлар ижодига оид илмий кузатувлар буни тасдиқлайди. Булар орасида Акбарий Тошкандий шеъри алоҳида ажралиб туради. Абдураҳмон ҳожи Акбарий Тошкандий Авлоний труппасининг фаол аъзоси эди. У 1925 йилда Абдулла Қодирийнинг “Бахтсиз куёв”ида элликбоши ролини ўйнаб билан танилган[1]. 1917 йилда мардикорлик воқеаларига бағишлаб “Ватанга хизмат” шеърлар тўпламини нашр эттирган. Тўплам 24 [illegible] ташкил қилади. Акбарийнинг “Ватанга хизмат” тўпламидан ўрин олган “Муножот”и қуйидагича бошланади:

*Тиладим мададни сандин, ё Раҳмон,*
*Бандангни ҳолига ўзинг раҳм айла.*
*Яратиб еру кўк, мулку ашёни,*
*Бандангни ҳолига ўзинг раҳм айла.* (А.Т. 20)

Акбарий диний ва дунёвий илмлар билимдони бўлган, мусулмончилик фарзини адо этиб, Ҳаж зиёратига бориб келган. Унинг шеърларида диний тушунча ва сўзлар кўп қўлланишининг сабабларидан бири шунда. Аллоҳдан, пайғамбарлардан мадад сўраш, нафақат Акбарий, умуман, Тошкент адабий муҳитига мансуб ижодкорларнинг мардикорлик мавзуидаги шеъриятининг унга хос жиҳатларидандир.

---

1 Бу ҳақда қаранг: Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б.149.

Тошкент адабий муҳити вакиллари ижодида, шунингдек, оқ подшоҳни мадҳ этувчи байтларгина эмас, махсус қасидалар мавжуд. Оқ подшоҳ халқ, миллат, Ватан билан ҳамоҳанг равишда мадҳ этилади. Жумладан, Авлонийнинг "Подшоҳи аъзам императўримизга биздан дуо", Акбарийнинг "Оқ подшоҳим яша", Мулла Муртазонинг "Муҳораба муносабати-ла подшоҳи аъзам ватан ва аскарлари ҳақида дуо", Сидқийнинг "Работчилар ҳақинда бир жонсўз таржиъбанд" каби шеърлари шундай асарлар сирасига киради.

*Тез замонда ерга жо бўлгай сени душманларинг,*
*Сан ҳамиша шод бўл, оқ подшоҳим, кўб яша.*
*Кеча-кундуз доимо Ҳақ ёринг ўлсун сани,*
*Шафқат этдинг бизлара, оқ подшоҳим, кўб яша. (А.Т. 3)*

Мулла Муртазо[1]нинг подшоҳ ва аскарлари ҳақидаги "дуо"си ҳам Акбарийнинг юқоридаги сўзларига ҳамоҳангдир:

*Уйғонсун ҳисси ватан, лозимдур ҳифзи ватан,*
*Душманни қирар учун шайлансун аҳли ватан.*
*Яшасун Расий, яшасун аскар,*
*Яшасун оқ подшоҳим, яшасун ватан[2].*

Охирги икки мисра, яъни нақарот бу маснавийга ҳеч бир жиҳатдан мос келмайди. Қандайдир сунъийлик бордек. Бунинг сабаби нимада? Шоирни бундай мадҳга нима мажбур этди? Бу, айниқса, марказ – Тошкентда сиёсий цензура жуда кучли бўлганидан далолат беради.

1 Ҳозирча, Мулла Муртазо ҳақидаги ягона маълумотимиз, унинг хаттотлик санъати билан шуғулланганидир. Бу ҳақда қаранг: Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик тарихидан. Тошкент: Фан, 1971. – Б. 154.

2 ملا مرتضی بن اسماعیلجان، وطن خذمتی - تاشکند، ١٩١٧ - صحیفه ٥
("Ватан хизмати" тўпламидан олинган шеърий парчаларнинг саҳифаси бундан кейин қавс ичида "М.М." ҳарфлари билан кўрсатилади)



Фикримизни тўлдириш учун кўпчиликка номаълум бўлган яна бир асар – кино санъатининг овозсиз даврида яратилган фильм ҳақида бир оз тўхталиш зарурати сезилади. 1916 йил воқеаларини кино жанрида акс эттиришдек заҳматли ва масъулиятли ишнинг бошида Сулаймон Хўжаев[1] турди. С.Хўжаевнинг экран юзини кўриш насиб қилмаган "ғоявий жиҳатдан зарарли" деб топилган бу асари 1933 йили суратга олинган. Актёр ва режиссёр С.Хўжаев архив ҳужжатларини, тарихий маълумотларни ўрганиб, кўзғолонда иштирок этганлар, гувоҳ бўлганлар билан суҳбатлар ўтказиб, 1916 йил озодлик ҳаракати сабабларини, моҳиятини атрофлича ўрганди. Маълумотларга кўра, фильм сценарийси муаллиф томонидан китобча ҳолида нашр этилган. Бу борада изланишлар олиб борган адабиётшунос Н.Каримов фильм сценарийсидан парчалар келтиради. Ушбу сценарий парчаларида бизнинг эътиборимизни тортган кичик бир эпизод: "... масжид ҳовлисидаги мулланинг "Аллоҳ ва унинг пайғамбарига ва унинг ердаги сояси бўлмиш оқ подшога бўйсуниш лозим" деб бева-бечораларнинг мардикорликка бориши учун оқ фотиҳа бериши"[2] бўлди. Бу ўринда масалага бир ёқлама ёндашув юзаки, ҳатто мутлақ нотўғри хулосага олиб келиши мумкин. Тўғри, бундай фактлар бўлган. Айрим уламолар подшоҳга ён бергани, баъзи шоирлар мустамлакачи ҳукмдорни мадҳ этгани рост. Хўш, бундай ҳолни қандай баҳоламоқ керак?! Бизнингча, бу каби ҳодисаларга муносабатда тарихий факт ва ҳужжатларга ёндашув мезони ҳақидаги профессор Ш.Юсуповнинг назарий қарашларига таяниш ҳам муаммонинг тўғри ечимини топишга ёрдам беради. "Тадқиқотчининг қўлига тушган, сақланиш кейин аниқ бўлган бундай факт ва ҳужжатларнинг ўзи тарих бўла

1 Сулаймон Хўжаев 1916 йилда Авлоний тузган "Турон" театр труппасига аъзо бўлган. Бу ҳақда қаранг: Раҳмонов М. Ўзбек театри тарихи. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 114. С.Хўжаевнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида қуйидагиларга қаралсин: Каримов Н. Ўзбек киносининг қалдирғочи // Нафосат. – Тошкент, 1992. - № 2, № 3; Акбаров Ҳ. Қафасга солинган қалдирғочлар // Ишонч. – Тошкент, 1999, 31 август; Қурбон Т. Қаноти қайрилган қалдирғоч // Туркистон. – Тошкент, 1997, 14 май.

2 Каримов Н. Ўзбек киносининг қалдирғочи // Нафосат. – Тошкент, 1992. - №2. – Б. 14.

олмайди, – деб ёзади олим. – Улар тарих ҳақиқатини аниқлашда тадқиқотчи қўлида хом ашёгинадир, холос... Улар қандай ҳаётий зарурат туфайли пайдо бўлиб қолганини, ана шу факт ва ҳужжатлар замирига яширинган дақиқбинлик ва тадбиркорлик бўлмаса, Ватан, миллат ва унинг раҳнамолари тақдири нима билан тугашини тадқиқотчи Аллоҳ ато этган ақл-фаросатни ишга солиб, идрок этмоғи даркор"[1]. "Ал-ислоҳ" журналидан (1915-16-йилларда чиқиб турган диний уламолар журнали) олинган қуйидаги иқтибос таҳлили ҳам юқоридаги мулоҳазаларни қувватлайди: "... Ва онларнинг табойиъ ва мазоҳибларининг адлу зулмда мухталиф ўлдиги сабабиндан Аллоҳ таоло тарафи иқдисиндан ароларинда зътидол пайдо қилмак учун пайғамбарлар ва ани қойим қилмак учун подшоҳлар юборилди. Онларнинг саркашлик ва қаршиликдан ижтиноб этмаклари "Йа аййуҳаллазина аману атиуллоҳа ва атиур Росула ва улил амри минкум" ояти ила Қуръони Шарифда таъкид этилди. Яъни, эй иймондорлар, итоат қилингиз яратган Худойингизға ва итоат қилингиз Аллоҳ таоло тарафи иқдисиндан мабъус ўлмиш пайғамбарингизға ва итоат қилингиз Аллоҳ таоло хоҳиши ила замон иқтизосинча бошингиз узра насб ўлмиш подшоҳ ва улуғингизға. "Мирьот ус-сақалайн ҳидоят ул-фариқайн" тафсиринда подшоҳ ва улуғларға итоат қилмак хусусиндағи саволға жавобан: "Онларнинг хурсандлиқлариға хурсандлиқ изҳор этмак, ғамлариға ғамгин ўлмак, рафъи шаръ, ижройи хайрда муованат этмак, низоми мамлакат ва интизоми раъиятда мусоадат кўрсатмак, омманинг тинчлиги учун ваъз қилинган қонунларини амалға келтурмак, душманларини душман кўрмак, дўстларини дўст билмак, итоат қилмак қабилиндиндур", – деб ёзмишдур"[2]. Эътибор берилса, бу иқтибосда подшоҳга итоат қилиш ва муованат этмак учун бир неча шартлар қўйилмоқда: "рафъи шаръ" (шариатни юксалтиришга ҳаракат), "ижройи хайр" (хайрли амаллар), "низоми мамлакат ва интизоми раъият". Демак, уламолар зинҳор кўр-кўрона

1 Юсупов Ш. Тарих ва адаб бўстони. – Тошкент: Маънавият, 2003. – Б. 6.

2 //الاصلاح - تاشکند، ۱۹۱۶، ۱ اوگوست، ۱۵- سانی



итоатни назарда тутмаган. Бевосита оқ подшоҳ масаласига келсак, айрим уламолар ва баъзи ижодкорларнинг уни мадҳ этиши ўша мураккаб тарихий шароит тақозоси эди. Шоир Мулла Муртазонинг қуйидаги "дуо"си ана шундай вазият талаби, деб қаралиши тўғрироқ бўлар эди:

*Рус аскари чоғлансун, Гирмон бағри доғлансун,*
*Айлангиз дуо ёрон, душман қўли боғлансун.*
*Яшасун Расий, яшасун аскар,*
*Яшасун оқ подшоҳим, яшасун ватан.* (М.М. 5)

Маълумотларга кўра, нафақат Туркистонда, балки "бутун Россияда ҳеч қачон подшоҳ мана шу пайтдагичалик мадҳ этилмаган (Боже, царя храни! қабилида)"[1]. Сидқий Хондайлиқийнинг "Работчилар намойиши"дан ўрин олган "Муҳораба дафъи учун муножот"ида шоир Аллоҳдан "шоҳ"нинг "душман"ларини "тору мор" этишини сўрайди, чунки барча бало-офатлар, аввало, муҳораба сабабли келаётган эди.

*Ошиқ ғамида ўлди халойиқлар асру зор,*
*Кўзларни ёши бўлди бу ҳасратда шашқатор,*
*Ё раб, тараҳҳум айла, тугалсун бу кору зор,*
*Шаҳ душманини айла бу кунларда тору мор.*
*Яъни ду бора этмасун эълон муҳораба.* (Р.н. 11)

Қолаверса, бу мисраларда мунг ва ҳасрат оҳанги устувор эканини, "халойиқнинг асру зор" бўлиб, "кўз ёши шашқатор"лигини тасвирлаш замирида халқпарварлик руҳи мужассамлигини пайқаш қийин эмас.

Авлонийнинг "Мардикорлар ашу(в)ласи" тўпламида ҳам император шаънига "дуо"лар, мақтов сўзлари учрайди.

1 Бу ҳақда қаранг: Мировые войны XX века. Книга 1. Первая мировая война. – М.: Наука, 2002. – С: 360.

*Яша, яша императўр, адолатинг вордур,*
*Яша, яша императўр, адолатинг вордур,*
*Бу одил марҳаматингдан жамоата нафъ вор,*
*Адолатинг сабабидан шод ўлдилар фуқаро,*
*Адолатинг сабабидан шод ўлдилар фуқаро. (А. 8)*

"Мардикорлар ашу(в)ласи" тузилишига кўра ҳам, бошқа асарлардан фарқли ўлароқ, муаллифнинг шеърга бир қадар юзаки ёндашганидан далолат беради. Вазн билан боғлиқ сакталиклар, қофиянинг мавжуд эмаслиги, ноўрин такрорлар фикримизни исботлайди. Шеърни ўқир эканмиз, у сунъий таърифу тавсифлар, зўрма-зўраки "мадҳ"лардан ташкил топганининг гувоҳи бўламиз. Бироқ бу асар мутолаасидан Авлоний ҳам оқ подшоҳнинг маддоҳи бўлган экан, деган хулосани чиқариш тўғри эмас. Бундай мисралар Авлоний шеъриятида етакчи мавқе тутмайди. Қолаверса, адабиётшунос Бегали Қосимов таъбири билан айтганда, улар (Мунавваркори, Авлоний, Ҳамза) чор маъмурлари билан "ҳамкорлик"[1] йўлини тутиб, имкон бўлиши билан мустақилликни қўлга олишни кўзда тутган эдилар. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бу сингари хусусиятлар жадид шоирларининг асл сиёсий, ғоявий мақсадларини яшириш учун бир ниқоб эди.

Мардикорлик мавзуида энг кўп асар ёзган ижодкор Сидқий Хондайлиқийнинг "Работчилар намойиши"дан ўрин олган "Бир работчи тилиндан" сарлавҳаси остидаги ғазалида ёр ҳажри, "Баҳор намойиши"да эса Ватан соғинчи акс этган.

Мардикорларнинг ўз юртига қайтиши муносабати билан ёзилган "Работчилар келиши" тўпламида ҳам шу мазмундаги яна бир қатор шеърлар учрайди. Унда мардикорлар ҳаёти, узоқ айриликдан сўнг фарзанди билан дийдорлашган оналарнинг чексиз қувончи, эски ҳукуматнинг рад этилиши каби мавзулар қаламга олинган. Тўпламдаги биринчи шеър "Ситамдийда работчилар келиши" бўлиб, мардикорларнинг фронт ортидаги ҳаёти тасвирига бағишланган.

---

1 Қосимов Б. Миллий уйғониш. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б. 8.



Савол:
*Мунча муддатларда қолдингиз қаён, хуш келдингиз?!*
*Қайси жойға бордингиз бермай нишон, хуш келдингиз?!*
*Йиғламоқдин бўлди кўзлар ёши қон, хуш келдингиз!*
*Ғамда қад бўлди дуто, тан нотавон, хуш келдингиз!*
*Эмди ғамгин дил уйиға меҳмон, хуш келдингиз!*

Жавоб:
*Мунча муддатларда биз кетдик уруш майдониға,*
*Баъзимиз тўп зовутиға, баъзимиз мис кониға,*
*Пўрма кийдук, олдук ўзни онда солдат сониға,*
*Бўйнумиз сундук, бу золим шоҳнинг фармониға.*
*Сиз сўранг биздин деб: "Эй, зиндониён, хуш келдингиз!"* (Р.к. 2)

Шоир мардикорларнинг мусофир юртларда кечирган ҳаётини реалистик тасвир асосида яратган. Тарихий маълумотларга кўра, "...туркистонлик мардикорлар ҳарбий ва саноат корхоналарида, конларда, темир йўл қурилишида, ўрмон ва айрим капиталистларнинг хўжаликларида қаттиқ назорат остида ишлатилди. Улар очликдан, хўрликдан, машаққатли меҳнатдан мислсиз азият чекдилар, кўплари қаттиқ совуқдан, турли касалликлардан ўлиб кетдилар ёки бир умрга ногирон бўлиб қолдилар" [1].

Сидқий Хондайлиқий Ҳамза, Худойберди шоир каби ижодкорлардан фарқли ўлароқ, мардикорлар ҳаётини майда деталларигача муфассал тасвирлашга интилган. Умуман, асарни ўқиганимизда, юртдошларимизнинг чор маъмурлари истибдоди остида кечирган ҳаёти равшан гавдаланади. "Работчилар"нинг қайтиши, аввало, оналарнинг чексиз қувончига сабаб бўлдики, Сидқийнинг "Сизларга мужда" шеъри ана шундай кайфиятнинг поэтик ифодасидир. Ўз ўғилларини, оталарини, эрларини ойлаб

---

1 Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 440.

кутган халқ ниҳоят енгил нафас ола бошлади. Оч бўлса-да, юпун бўлса-да, оиланинг бағри бутунлигини исташ – миллатимизнинг хос хусусиятидир. Шеърда ана шу хусусият бадиий ифодаланган:

*Ғариблиғда жафо чеккан, ситам тортган, алам кўрғон,*
*Қади ғамдин дуто бўлғон, машаққатпарварим келди.(Р.к. 7)*

Манбаларда таъкидланишича, мардикорликдан юртдошларимизнинг деярли барчаси касалманд бўлиб, ўзларини совуқ олдириб, оч-юпун ҳолда қайтган. Нима бўлса-да, Сидқий қаҳрамони Аллоҳнинг кўрсатган бу иноятига шукроналар айтади:

*Замона гардишидин кўп жафолар чекмаган ким бор,*
*Худоға шукрким, кўзумни нури – сарварим келди. (Р.к. 8)*

Шеърда "сарварим", "ситамкаш раҳбарим" каби сифатлашлар қўлланган. "Назаримизда, шоир уларнинг "ўзга юрт"ларда чархланиб, тобланиб, оқ-қорани тушуниб келганлигига ишора қилмоқда. Уларнинг катта ишларда, буюк ўзгаришларда элга "сарвар", "раҳбар" бўлишига умид боғламоқда"[1]. Сидқий шеърни оптимистик руҳда якунлайди. Ҳар нима бўлса-да, унинг "дили шифо топти" ва у чексиз қувонч билан "Ки ул ҳозиқ табиби ғамзада нек ахтарим келди", дея хотималайди ғазални.

Ушбу шеърдан сўнг "Эски ҳукумат зулми" деб номланган ғазал берилган. Ғазал соф ижтимоий оҳангда. Шеърда эски ҳукумат келтирган барча номақбулликлар шоир томонидан фош этилади:

*Хоину золим, қароқчи, киссабурлар эрдилар,*
*Ўлдилар кўб кордон, эски ҳукумат дастидан.*
*Меҳру шафқат битти-ю, йўқ бўлди элнинг кўнглидан*
*Ким, топилмас парча нон, эски ҳукумат дастидан. (Р.к. 11)*

1 Қосимов Б. Излай-излай топганим... – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. – Б. 205.



"Хоину золим, қароқчи, киссабурлар"нинг кўпайгани, одамларда "меҳру шафқат"нинг қолмагани, "парча нон" топиш маҳоллигини чуқур мушоҳада этсак, хулоса шундай бўладики, оғир ҳаёт, қийинчиликлар инсон учун синов. Бу синовдан фақатгина сабр-бардошли, қаноатли инсонларгина ўта олади ва ўз инсонийлигини, меҳру шафқатини сақлаб қолади. Бироқ эски ҳукумат мардикор олмоқ баҳонасида элни қатлу ғорат қилди, аёвсиз зулм ўтказди. Шоирнинг эски ҳукуматга нафрати чексиз эди. Энди Сидқий бор умидини янги ҳукуматга боғлайди:

*Шукрким, янги ҳукумат Сидқиё, шод айлади,*
*Йўқса чиқғай эрди жон, эски ҳукумат дастидан. (Р.к. 11)*

Сидқийнинг бу шеъри, шунингдек, "Русия инқилоби" достони 1917 йилда – мардикорлар ўз юртига қайтган, "эски ҳукумат" ағдарилган, муваққат "янги ҳукумат" ўрнатилган, Февраль инқилоби юз берган ва Октябрь тўнтариши содир бўлиши арафасида ёзилган эди. Уруш бошланган кезлари ватанпарварлик ғояси кўпчилик аҳолини ҳукумат билан яқинлаштирган бўлса, 1917 йилга келиб ватанпарварлик туйғуси ҳукумат билан халқ ўртасида "конфронтация"(қарама-қаршилик, адоват)нинг кучайишига олиб келди ва халқ, энди мамлакатни подшо эмас, инқилоб қутқариб қолишига ишонган эди. 1917 йилнинг баҳорида миллионлаб россияликлар ва мустамлака халқларни чулғаб олган "инқилоб эйфорияси" муайян вақтгача давом этди[1]. Сидқий ҳам бошқа ижодкорлар сингари жамиятдаги ўзгаришларни, сиёсий воқеа-ҳодисаларни англаб етишда ва уларга муносабат билдиришда айрим чалкашликларга йўл қўйган. Баъзида таъқибларга ҳам учраган[2]. Ҳар қандай таъқиб ва тазйиқлардан қатъи назар, шоир халқнинг дарди билан яшаб ижод этди.

1 Қаранг: Мировые войны XX века. Книга 1. Первая мировая война. – М.: Наука, 2002. – С. 382; 386.
2 Қаранг: Асилов А. Шоир Сидқий Хондайлиқий ҳаётидан лавҳалар // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1979. - № 6. – Б. 231.

Маълумотларга кўра, мардикорлик даврида юртдошларимиз орасида "кўкорган вақти етганда хазон ур"ган, яъни бевақт оламдан ўтганлари ҳам бор эди. Мулла Муртазонинг "Айрилиб қолдим" радифли шеъри фарзандидан ажралган онанинг оҳу зори ифодасига бағишланган. Шоир ўз фикрини рамзий бир тилда тасвирлайди:

*Ҳама мақсуда етди, бенишон кетса, на мушкулдур,*
*Кўкорган вақти етгонда хазон урса, на мушкулдур,*
*Учодиган қаноти қайрилиб қолса, на мушкулдур,*
*Ки давлат шишаси тўлғонида синса, на мушкулдур,*
*Қуруди боғу баргим, навбаримдин айрилиб қолдим. (М.М. 3)*

Лирик қаҳрамон – онани фарзандидан айрилиш азоби қийнайди. Шоир қаҳрамоннинг маъюс қиёфасини тасвирлашда "гул", "қуш", "шиша", "барг" каби тимсоллардан фойдаланади. Шоир (гулнинг) "кўкорган вақти" деганда, ёш йигитнинг вояга етган палласини, (қушнинг) "учодиган қаноти"да навқирон фарзандларнинг сўнмас шижоати ва енгилмас иродасини назарда тутса, "давлат шишаси тўлғонида" тасвири орқали фарзандларнинг жисман ва маънан камол топиб, оила посбони ва нажоткорига айланган бир пайтда, онанинг "боғу барги қуриб, навбаридан айрилиб қолган"ини таъсирчан ифодалайди.

Мардикорлик воқеаларига бағишланган шеърларда қаламга олинган яна бир мавзу бу – маърифатдир. Миллий уйғониш даври адабиётида бу мавзу етакчи мақомда туради[1]. Хусусан, мардикорлик шеъриятида, аввало, эрк ва озодлик ғояси териннум этилар экан, озод элнинг тараққиётини белгилаб берувчи энг муҳим масалага тўхталмаслик имконсиз эди. Ҳамза, Лутфулла Олимий, Жавҳарий, Акбарий каби шоирлар ижодининг таҳлили ҳам бу фикрни қувватлайди.

Акбарий тўпламидаги сўнгги шеър "Миллат зори" деб аталади. Бир қарашда, шеър ундан олдин келган назм

1 Бу ҳақда қаранг: Абдулҳаким Н. Маърифат нимадир, жаҳолат надир? // Тафаккур. – Тошкент, 2005. - № 3. – Б. 10-15.



намуналарига, мардикорлик мавзуига мутлақо мос келмайди. Лекин шеър мутолааси айнан шу асарда шиддат ва исёнкор руҳ ифодаланганини кўрсатади. Шеърда шоирни азоб гирдобига тортаётган "миллат зори"дан баҳс юритилади. "Миллат зори" Ҳамзанинг "Салом айтинг" ва Лутфулла Олимийнинг "Йўл устинда" шеърларида ифодаланган маърифатпарварлик ғояси билан уйғундир. Бироқ Акбарий бу шеърида миллатнинг аянчли ҳолига, уни қуршаб олган муаммоларга муносабат билдиради, бошқа миллатлар билан муқояса қилади:

*Эй, ёронлар, кўрдингизми бошқа миллат ҳолларин,*
*Мактаб элтуб, диққат айлар, ўқитур фарзандларин.*
*Ёвруполи илм олди, учадур осмон тўлуб,*
*Биз қолурмиз оғзимизни кўб очуб, ҳайрон бўлуб. (А.Т. 22)*

Шоирнинг куюниб айтган сўзлари бежиз эмас эди. Чунки XX аср бошида Европа билан Ўрта Осиё илм-фани, маданиятини солиштириб ҳам бўлмасди. Европа "осмон" сари "уча"ётган, ўрта асрларда Ибн Синою Беруний, Хоразмию Форобий, Улуғбеку Навоийларни етиштирган замин эса таназзул гирдобига тобора чуқуррок тушаётган эди. Шоир бунинг сабабларини излашга ҳаракат қилади. Акбарий Тошкандий ҳам бошқа маърифатпарвар жадидлар сингари миллатни бедор бўлишга, уйғонишга чақиради. Вақтни ғанимат билган шоир "мевани яфроғидек" ташбеҳи билан бу ҳолнинг ўткинчи эканини таъкидлайди. Шеърнинг сўнгги мисралари, айниқса, эътиборни тортади. Унда шоир шу пайтга қадар кўнглида яширин ётган дардини, ноласини ифода этади:

*Бўлсамиз бир иттифоқда ғайри миллат олдида,*
*Қолмас эрдук ўзга инсонлар аёғин остида. (А.Т. 23)*

Бу мисралар асар кульминациясини ташкил этади, десак муболаға бўлмайди. Ўша мураккаб ва зиддиятли замонда ғайри

миллат, ғайридин вакилларини назарда тутиб, "Қолмас эрдук ўзга инсонлар аёғин остида", дейиш шоирдан катта жасорат талаб этгани шубҳасиздир. Акбарийнинг бу сўзларини Абдурауф Фитратнинг "Юрт қайғуси (Темур олдинда)" сочмасидаги "Туркнинг номуси, эътибори, иймони, виждони, золимларнинг аёғлари остинда қолди"[1] сўзлари билан муқояса қилиш мумкин. Эътиборга молик томони шундаки, ҳар иккала ижодкор миллатнинг топталган шаъни ва номуси ҳақида изтироб чекади, қайғуради.

1916 йил қўзғолони фожиаларини акс эттирган ягона шеърий асар (фольклор бундан мустасно) "Русия инқилоби" достони бўлгани боис, ушбу асарни кенгроқ таҳлил этиш зарурати сезилади.

Сидқий "Русия инқилоби" достонига 1917 йил Февраль инқилоби воқеаларини асос қилиб олар экан, ундаги алоҳида бобни "Мақбул курбонлар"[2] деб атади. Бу боб, нафақат, Тошкент, балки бутун Ўрта Осиё ва, ҳатто Россия ҳудудидаги халқ ғалаёнлари тасвирини ўз ичига олади. Адибнинг бобни "Мақбул курбонлар" деб аташига асос кўп эди. Худди шу мавзуда Мунавварқори мақола ёзган. Бизнингча, Сидқий Мунавварқорининг "Мақбул қурбонлар" мақоласини кўллаб-қувватлаб, шу мавзуда бадиий асар яратган[3]. 1916 йил воқеаларида Мунавварқори каби жадидларнинг ғоявий раҳнамолиги, амалий фаолияти ўзига хос аҳамиятга эга. Жадидлар билан яқин алоқада бўлган Мўминжон Тошқин "Турмуш уринишлари" китобида 1916 йил воқеалари хусусида фикр юритар экан, бундай ёзади: "Сўнгра Туркистоннинг ҳар ерида работчиға жўнатиш комитетлари тузилди, шул комитетларнинг бошлиғи, Тошкентда Убайдуллахўжа ва унинг муовини Мунавварқори бўлғон эди"[4].

1 Фитрат А. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б.34.

2 سراج الدین مخدوم صدقی. روسیه انقلابی - تاشکند: رونق کتبخانه سی ، ۱۹۱۷ - صحیفه ۲۴-۱۸

3 Бундай тахмин қилинишига сабаб шуки, иккала асар ҳам бир вақтда нашр қилинган. Сидқийнинг "Русия инқилоби" достони 1917 йилнинг март ойида "Равнақ" матбаасида чоп этилган бўлса, Мунавварқорининг "Мақбул қурбонлар" мақоласи 1917 йил 26 мартда "Нажот" газетасида эълон қилинган.

4 مؤمن جان تاشقن. تورمش تورینشله ری – سمرقند تاشکند ، ۱۹۲۶. – صحیفه ۳۱۱



Халқнинг аскарликка эмас, мардикорликка олинишини аждодларимиз ҳақорат дея қабул қилгани ҳақиқатга яқиндир. Бироқ Туркистон халқи ўша пайтда аскарликка тайёр эмас эди. Туркистон жадидчилиги раҳнамоси Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам бу борада фикр билдириб, бундай деган: "...то халқ ўрганиб, бир оз аҳвол ўзгаргунча умумий аскар олинмай, кўнгилли тариқинда тарғиб ва ташвиқ билан ҳам халқнинг аҳволига қараб олинса эди"[1]. Чорасиз вазиятда қолган жадидлар юртдошларимизни мардикорликка сафарбарликка даъват этар экан, улар бир неча мақсадларни кўзда тутган эдилар. Жумладан, мардикорлик даврида юртдошларимизнинг, аввало, бошқа миллатларнинг ишчи батальони, турли партиялари билан танишиш, фронт ортида ҳарбий тайёргарлик кўриш ҳамда ҳарбий саводхонлигини ошириш имконияти бўлиши мумкин эди. Заки Валидийнинг таъкидлашича, "...миллатимиз русларнинг туркистонлик-лардан аскар олмаслигини ўзларига "оқ подшоҳнинг буюк инояти" ва "берган имтиёзлари", деб талқин қилган. Лекин 1916 йилда ва инқилоб даврида Туркистоннинг бошига келган балоларга, очликка ва русларнинг тажовузига қарши муқобиллик мажбуриятини ҳис қилган миллат (аввало, жадидлар – Х.Н.) қурол ишлатиш ва аскарликнинг бутун бир асрий тажрибасини ўрганиш лозимлигини тушуниб етди"[2]. Содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар "замонавий ҳарб усули"ни ўрганишни тақозо этар эди. Адабиётшунос Н.Каримов тўғри таъкидлаганидек: "Чор ҳокимиятининг немислар билан урушда ҳоли танг келиб қолганини кўрган жадидлар яқин йиллар орасида мустақиллик учун ҳаракат бошланиши мумкинлигини сезиб, Биринчи жаҳон уруши фронтларида бўлажак ўзбек миллий қўшинини яратишни орзу қилганлар. Улар мўлжалига кўра, қурол-яроғ билан муомала қилишни ўрганган ўзбеклар яқин вақт ичида миллий инқилобни амалга ошириши мумкин эди"[3]. Дарҳақиқат, бундай имконият

1 Беҳбудий М. Ғалла, аскарлик, ер ва тазминоти ҳарбия // Меҳнаткашлар товуши. – Самарқанд, 1918, 2-август.

2 Қаранг: A.Zeki Velidi Togan. Bugünkü türkili (Türkistan) ve yakın tarihi. Cilt I. Batı ve Kuzey Türkistan. – Istanbul – 1981. – S. 579.

3 Каримов Н. Жадидлар 1916 йилда // Миллий тикланиш, 1998, 22 сентябрь.

туркистонликлар учун 1916 йилда пайдо бўлган эди. Биринчи жаҳон уруши даврида "мағлубиятга учраш ва бутун дунё олдида шармандаи шармисор бўлиш хавфи "оқ подшо"ни 1916 йили нафақат мусулмон ўлкаларидаги 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркакларни мардикорликка олишга мажбур этди, балки Марказий Россиядаги олий ўқув юртларида таҳсил кўраётган мусулмон талабаларнинг ҳам ҳарбий хизматга чақирилишига сабаб бўлди. 1916 йил июлида учинчи курс талабаси Назир Тўрақулов ҳам Минск бўсағасидаги ғарбий фронтга йўриқчи сифатида сафарбар этилди"[1]. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, аслида фронт орти ишларига сафарбар этилган туркистонликлар (4 минг киши) уруш майдонига жўнатилгани, уларнинг кўпчилиги немис аскарлари томонидан ўлдирилгани ҳақида маълумотлар учрайди[2]. Жадид зиёлилари кўзлаган мақсадлар қанчалар амалга ошган ёки ошмаганига тарих гувоҳдир.

Файзулла Хўжаевнинг 1936 йилда ўқиган маърузасида ҳам мазкур масала хусусида сўз кетади. Давлат арбобининг жадидлар ҳақида айтган сўзлари шундан далолат берадики, 30-йилларда жадид зиёлилари ҳақидаги қарашлар сиёсий-мафкуравий тазйиқларнинг натижаси ўлароқ ўзгача тус олган эди: "... жадидлар ҳам халқ йўлбошчилари эмас эдилар, улар халқ билан боғланмаган эдилар, улар халқдан қўрқар ва уни манфур кўрар эди. Бу жадидларнинг "Туркистон" жадидлари 1916 йилги қўзғолоннинг раҳбарлари эдилар" деган гаплари қип-қизил ёлғон"[3]. Маърузада жадидлар фаолияти ана шундай баҳоланган эди. Умуман, шўро даврида жадидлар фаолиятига бирёқлама баҳо берилгани аён[4]. Жадидларнинг 1916 йилги миллий озодлик ҳаракатидаги

1 Каримов Н. Атоқли журналист ва дипломат // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2005. - № 2. – Б. 114.

2 Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви материаллари. Фонд № 461, рўйхат № 1, йиғма жилд № 919. Сведения по панисламизму.

3 Хўжаев Ф. 1916-йилдаги халк қўзғолони тўғрисида // Қизил Ўзбекистон, 1936 йил, 1 август.

4 Бу ҳақда қаранг: Кастельская З.Д. Основные предпосылки восстания 1916 года в Узбекистане. – М.: Наука, 1972. – С. 137-138; Зиёева Д.Х. Туркистонда миллий озодлик ҳаракатлари Ф.Хўжаев талқинида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 1996. - № 4-5. – Б. 83.



хизматлари холис баҳосини олиши учун яна бир неча йиллар керак бўлди[1].

Тарихдан аёнки, ҳуррият ва озодликка ҳеч қачон қурбонсиз эришилмаган. Ҳоким мутега озодликни ҳеч қачон ўз ихтиёри билан қўшқўллаб топширмаган. У фақат куч билан, қон билангина олинган. Сидқий ушбу тарихий ҳақиқатни "Мақбул қурбонлар"да қуйидагича ифодалайди:

*Ҳуррият олинмади қурбонсизин*
*Ки тарихларнинг сўзидир чунин.*
*Қачонким ҳуррияти ўлса нишон,*
*Билинг олдилар тўкушуб неча қон. (Р.и. 18-19)*

Асарни ўқир эканмиз, кўз ўнгимизда жаллодлар тиғидан қон томган, озодлик, ҳуррият талаб қилганларнинг "аёғига кишан, қўлларига занжир урилган, Сибирга сургун" қилинган оғир бир давр, кесилган бошлар, ҳасратда хун бўлган ёшлар, зиндонларда тани чириган файласуфлар, озодлик учун кўксини ўққа нишон қилган қаҳрамонлар гавдаланади. Ниҳоят, туркистонликларнинг ҳам ҳуррият талаб қилиб майдонга чиқадиган вақти келди. Халқимиз "эски ҳукумат шоҳи"нинг олий фармони чиққан кундан бошлаб ҳурриятчилар сафига қўшилди.

*Баногоҳ эски ҳукумат шаҳи*
*Бу ён золимона жафо айлади.*
*Ки фармони оли(й) син эълон этиб,*
*Халойиқни хор этти сарсон этиб.*
*Етиб зулм ислом элин жонига,*
*Қўшулди ҳурриятчилар сониға. (Р.и. 20)*

1 Қаранг: Ризаев Ш. Жадидлар ва 1916 йил қўзғолони ёхуд нега улар ғалаёнга қарши чиқдилар // Маърифат, 1996, 4 май; Каримов Н. Жадидлар 1916 йилда // Миллий тикланиш, 1998, 22 сентябрь.

1916 йил 25 июнь куни подшо эълон қилган фармон ҳеч қандай «қолип»га сиғмас эди. Подшо ҳукумати маҳаллий халқни аскарликка олишга ҳақли бўлмаган. Чунки ўртада 50 йил давомида туркистонликларни ҳарбий сафарбар этмаслик ҳақида битим имзоланган эди. Иккинчидан, чоризм ерли халқнинг ҳарбий салоҳиятини оширишдан эмас, фронт ортидаги оғир, машаққатли ишларни бажаришидан манфаатдор эди. Фармонда мардикорларнинг қайтиб келиш муҳлати ҳам, адади ҳам кўрсатилмагани бунинг исботидир:

*На фармонда бор мардикорға адад,*
*На одамни ҳозирламоқлиққа ҳад.*
*На бор эрди фармон аро муҳлати,*
*На бор эрди анда ҳақи, хидмати.*
*"Фрўнт орқасида фақат ўр қазур",*
*Дебон олди хидматчини зўр базўр. (Р.и. 20)*

Мардикорликка олиш ҳақидаги подшо фармони қарийб ярим аср мобайнида таҳқирланиб келган, мустамлака кишанлари исканжасида, тинимсиз меҳнат, очлик, қашшоқлик азобида эзилган халқнинг қўзғолон кўтаришига сабаб бўлди. Бу озодлик ҳаракати халқнинг қудратини, унинг нималарга қодир эканини намойиш этди. 1916 йилги миллий озодлик ҳаракатининг муҳим томони шундаки, унда бош кўтарган омма, аввало, ўзбек аёллари эди. Тошкент қўзғолонини ўз кўзи билан кўрган Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ўша кунларни хотирлаб, «Болалик»да жўраси Турғуннинг қуйидаги сўзларини келтиради: "...Лекин хотинлар бўш келмади. Иккита аёлга ўқ тегиб, қонга беланиб қолишди. Ҳа, ўзим аниқ кўрдим. Халқ мажақланди, кўплари отларнинг туёқлари остида майиб бўлди. Ўққа учганлар озмунчами!.."[1] Дарҳақиқат, озмунча одам қурбон бўлмаган.

1 Ойбек. Болалик хотираларим. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1995. – Б. 168.



Зулму ситам пичоғи мазлум халқнинг суягига бориб қадалган эди. 1916 йили кўтарилган қўзғолон қай тарзда якун топишидан қатъи назар, содир бўлиши муқаррар эди. Аммо мустабид ҳукумат мустамлака халқнинг ўз эркини қўлга киритишига қарши барча "чора"ларни кўрди. Сиёсий ва марказлашган раҳбарликсиз бошланиб, тарқоқ, аммо оммавий тарзда кечган бу қўзғолон кучлар нисбати тенг бўлмагани сабабли шафқатсизлик билан бостирилди. 17 июль куни жазо отряди командири полковник Иванов бутун Жиззах уезди қўзғолончиларига қарши аёвсиз юриш эълон қилди. 18 июль куни эски шаҳар бутунлай қўлга олинди. Ҳарбийлар эски Жиззахга ўт қўйиб, ер билан яксон қилдилар[1].

*Совурди Жиз(з)ахни кулин кўк сари,*
*Кабоб ўлди ул ўтда ёшу қари. (Р.и. 22)*

Қўзғолончилар шу қадар қийин аҳволга тушишига қарамай, куч тўплаб, босқинчи қўшинларга қарши ҳужумни давом эттирадилар. 21 июль куни Қили[2] ёнидаги жанг босқинчиларга қарши сўнгги жанг бўлди[3]. Ҳамид Олимжоннинг онаси Комила ая хотираларида келтиришича, уларнинг оиласи Қилига бадарға этилган: "Бизни олиб бориб ташлаган жойлари сувсиз, экинсиз ер эди, "Қили" деб атар эдик"[4]. Жиззахликлар ўн кун давомида ўша ерда кун кечиришган. Ёзувчи Назир Сафаров "Кўрган-кечирганларим"ида ҳам шу фактни келтириб ўтади: "Каппон саҳнида (ҳамма жиззахликлар аввал шу ерга ҳайдалган) тўлғоқ тутиб, кўзи ёриган аёллар ҳам бўлган экан. Аммо чор маъмурлари ҳатто "киндик кесишга" ҳам рухсат беришмаган. Шундан сўнг "Тошкент частидаги фуқаро" Қили чўлига, "Ўратепалик частидаги фуқаро" Ўратепа чўлига бадарға қилиниши ҳақида ҳукм ўқилган.

1 Қаранг: Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 424.
2 Қили – Жиззахдаги чўл номи. Ҳозирда бу чўл ерлари ўзлаштирилган.
3 Кўрсатилган манба. – Б. 424.
4 Азимов С. Абадият. Сайланма. 2 томлик. – Тошкент: Адабиёт васанъат, 1988. Т. 2. – Б. 41-42.

Ҳамма ҳайдалган. "Бошпанасиз бу чўлу биёбонда қандай кун кечирамиз?"[1] – деган саволни одамлар бир-бирига бериб қолаверишган.

Жиззах қўзғолони иштирокчиси Тўра Норбоев ҳарбийларнинг ваҳшиёна ҳаракатларини қуйидагича ҳикоя қилади: "Ўликларни йиғиб кўмиш учун кечаси чакалак ва қамишзорларни ахтардик. Бир хотин ўлиб ётибди. Унинг эмизикли боласи бор экан. Бола йиғлаб тирмашиб, онасини эмарди. Болани олиб қарасак, ўнг билагига ўқ тегиб, суягини мажақлаб кетибди. Болани кейин табиблар тузатди. Оти Хонимқул Норбой ўғли, Жиззах туманининг Навоий номли жамоа хўжалигида ишлайди. Қулоғи гаранг, тили чучук, ўнг қўли ишга ироқсиз, жамоа хўжалигида подачилик қилади" (1996 йил маълумоти)[2]. Дарҳақиқат, машъум воқеа не-не инсонларнинг тақдирида "доғ" қолдирмаган, дейсиз.

Сидқий достонида ҳам айни шу воқеалар тасвири ўз ифодасини топган.

*На уйларда қолди хотун бирла қиз,*
*Аларға ҳазорон сойилди бигиз.*
*Ўпоқлар била чолу кампирлар*
*Отилди, чопилди ҳама сарбасар. (Р.и. 22)*

Ушбу воқеаларга гувоҳ бўлганларнинг хотираларида таъкидланишича, устма-уст қилинган ваҳшийликлари етмаганидек, чор ҳукумати аскарлари халқнинг рўзғор ашёларигача талаб, энг қимматли ипак сўзаналарини, атлас ва шоҳи кўрпаларини отларининг устига ёпиб кетган. Аслида, "Мардикорлар қўзғолони" деб аталмиш 1916 йилги миллий озодлик ҳаракатида қурбонлар жуда кўп бўлган. Манбаларда қайд этилишича, ҳалок бўлганлар сони миллиондан ошган. Туркистон аҳолисидан 673 минг киши ўлдирилган, 300 мингдан ортиқ аҳоли хорижга чиқиб кетган, 1

1 Сафаров Н. Кўрган-кечирганларим. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1968. – Б. 191.
2 Ҳайдаров Ҳ. Жиззах вилояти тарихи. – Тошкент: Меҳнат, 1996. – Б. 94.



миллион кишининг мол-мулки талон-тарож қилинган, аҳолидаги отларнинг 50 фоизи, қўй ва эчкиларнинг 50 фоизи ўлган ва мусодара қилинган[1]. Бу қурбонлар ҳақида Сидқий "Русия инқилоби" достонида бундай ёзади:

*Худо даргоҳида бу қурбон ҳама*
*Ки мақбул бўлмишдур, эй жон, ҳама. (Р.и. 23)*

Шоир таъкидлаганидек, ҳуррият учун берилган қурбонлар Худо даргоҳида мақбул бўлмиш, яъни улар "мақбул қурбонлар". Мунавварқори Абдурашидхоновнинг қуйидаги сўзлари ҳам буни тасдиқлайди: "Алҳосил, Туркистон мусулмонлари зулм панжасининг остида шул қадар эзилдилар ва ҳуррият, ҳуқуқ йўлида шул қадар кўп қурбон бердиларки, бир-икки ой ичида бошқа миллатларнинг 145 йил ичида берган қурбонларига қувлаб етишдилар. Мана бу қурбонлар жаноби Ҳақ даргоҳида энг мақбул қурбонлар бўлди..."[2]

Шунча қурбонлар, шунча ваҳшийликлардан сўнг ҳам халқимиз мустабид ҳукумат тазйиқидан қутула олмади. Чунки қўзғолон бостирилгач, минглаб кишилар осилиб, қамалиб, бадарға қилинди, мардикорликка сафарбарлик ишлари амалга оширилди.

Кўринадики, мардикорликка олиш билан боғлиқ воқеалар ва унга муносабат Сидқий, Авлоний, Акбарий, Мулла Муртазо сингари тошкентлик шоирлар ижодида ўзига хос талқин этилди. Тошкент адабий муҳити намояндалари асарларида қўзғолоннинг шафқатсизларча бостирилиши; ота-она ва фарзандлар, эр-хотинларнинг хайрлашуви; ватанпарварлик, хизматга даъват; оқ подшоҳ мадҳи; Аллоҳдан нажот сўраш; мардикорлар ҳаёти, изтироблари ва юртдошларига салом йўллаши; ота-оналарнинг

1 Қаранг: Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 425.
2 Мунавварқори Абдурашидхонов. Мақбул қурбонлар // Нажот. – Тошкент, 1917, 26 март. Мунавварқори Абдурашидхоновнинг "Мақбул қурбонлар" мақоласи Сидқийнинг "Мақбул қурбонлар"и билан моҳиятан уйғун. Мақолада ҳам, достонда ҳам бизга таниш бўлган воқеа тасвирланади.

тушкун кайфияти; мардикорлик воқеаларини келтириб чиқарган сабаб – урушни танқид қилиш; мардикорларнинг қайтиши; оналарнинг хурсандчилиги; эски ҳукумат танқиди ва янги ҳукуматни олқишлаш; илм-маърифат каби мавзу ва мотивлар етакчилик қилади. Сидқий шеъриятида бошқа ижодкорлар асарларида учрамайдиган – қўзғолон фожиалари, мардикорлар ҳаёти, соғинчи, ўз юртига қайтиши каби мавзулар ифодаланган.

Авлонийнинг тадқиқ этилаётган мавзуга бағишланган асарлари "Мардикорлар ашу(в)ласи" тўпламидан жой олган. Булар: "Хонадони императўримизга биздан дуо", "Тошканд ёшлари тарафидан арзи садоқат", "Подшоҳи аъзам императўримизга биздан дуо", "Фарёди ватан", "Мардикорлар ашу(в)ласи", "Бир мардикорнинг отаси ўғлига айтган сўзлари", "Онасининг ўғлига айтган сўзи", "Ўғлининг онасига айтган сўзи", "Хотунига айтган сўзи" сингари шеърлардир. Бу шеърларни – "оқ подшоҳ" мадҳи ва хайрлашув мазмунидаги асарлар тарзида тасниф қилиш мумкин.

Абдураҳмон ҳожи Акбаровнинг "Аноси рози бўлуб боласига жавоб бергани", "Аносидин ризолик сўраб йўлга тушгани", "Хотинига рози бўл, яхши қол, деб айтган сўзи" шеърларида ҳам хайрлашув манзараси акс этган. Шоир асарлари маърифатпарварлик ва диний талқин етакчи ўрин тутиши билан алоҳида ажралиб туради.

Тошкентлик шоирларнинг 1916 йил воқеаларига оид асарларининг деярли барчасида Аллоҳга муножот, "оқ подшоҳ" мадҳи каби хусусиятлар акс этган. Авлоний, Сидқий, Акбарий, Мулла Муртазо каби ижодкорлар асарларида Аллоҳга муножот етакчи ўринда туради. Ҳар бир ижодкорда бу йўналишда алоҳида байтларгина эмас, яхлитлигича шу мавзуга бағишланган муножот ва қасидалар ҳам бор. Авлонийнинг "Подшоҳи аъзам императўримизга биздан дуо", Акбарийнинг "Оқ подшоҳим яша", Мулла Муртазонинг "Муҳораба муносабати-ла подшоҳи аъзам ватан ва аскарлари ҳақида дуо", Сидқийнинг "Работчилар ҳақинда бир жонсўз таржиъбанд" каби шеърлари бунинг тасдиғидир.



Хусусан, "оқ подшоҳ" мадҳига бағишланган шеърлар жадид шоирларининг асл сиёсий, ғоявий мақсадларини яшириш учун бир ниқоб бўлиб, бу шеърлар чор маъмурлари билан муросасозлик қилишга ундаётгандек бўлиб кўринса-да, аслида бундан имкон бўлиши билан мустақилликни қўлга киритиш мақсади кўзланган эди.

**Мардикорлик воқеалари ва Фарғона адабий муҳити**

1916 йил июль ойида Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд туманларида кўтарилган қўзғолонлар Фарғона водийсида ҳам давом этди. Наманганда "Масжиди жомеъ"даги йиғилишда генерал Гиппиуснинг оломон олдида тўн ва салла кийиб, Қуръондан суралар ўқигани ҳам самара бермади. Маълумотларга кўра, Фарғона вилоятининг 17 жойида аҳолининг ҳарбий қисмлар билан қонли тўқнашувлари бўлиб ўтган[1].

Халқ ҳаракати Фарғона, Андижон, Марғилон ва Наманганда кетма-кет содир бўлди. 1916 йили Шаҳрихонда бўлиб ўтган қўзғолонда Ҳайратий (1871-1964), Оразий (1869-1942) каби шоирлар ўз маслакдошлари билан бирга фаол иштирок этганлар[2]. Ҳайратийнинг "Мардикор олди" шеърида халқнинг чор маъмурларига бўлган нафрати таъсирчан ифодаланган:

*Ки, яъни мардикор олмоқчи фармони келиб бирдан,*
*Халойиқ ўртасида аскар олмоқ, деб гумон ўлди.*
*Бу янги иш эди халқ ўртасида бўлмаган жорий,*
*Бу иш ҳам бир сабабдин қайнатилган бир қозон эрди[3].*

1916 йили юз берган воқеалар кўплаб ижодкорларни қаламни қурол қилиб, асарлари билан миллий озодлик курашида

---

1 Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 420;

2 Бу ҳақда қаранг: Қобулов Н. Андижонлик тараққийпарвар шоирлар. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 3; 25.

3 XIX асрнинг охири XX аср бошларида яшаб ижод этган андижонлик шоирлар. – Тошкент: Университет, 1994. – Б. 83 .

қатнашишга чорлади. Ҳамзанинг 1916 йил воқеларига бағишланган бир қатор асарлари – шеърлари, драмалари ўз давридаёқ омма эътиборини жалб қилганди. Унинг "Миллий ашувлалар учун миллий шеърлар" мажмуаси "Сариқ гул" бўлимида "Яшасун чун ватан ўғли" сарлавҳали шеър ўрин олган. Бу шеър 1916 йилги миллий озодлик ҳаракати туфайли майдонга келган эди. Шеър жамоат арбоби ва Туркистоннинг таниқли адвокати Убайдулла Хўжаев ҳамда "Садои Туркистон" газетасининг (ўша пайтдаги) муҳаррири Вадим Чайкинга бағишланган.

Таъкидлаш жоизки, 1916 йилги миллий озодлик ҳаракати ва унда жадидларнинг тутган ўрнига муҳожир ватандошларимиз ижодида 1940-50-йиллардаёқ холисона баҳо берилган эди. Хусусан, Аҳмад Заки Валидий Тўғон ва Боймирза Ҳайитнинг немис ва турк тилларида нашр қилинган асарларида 1916 йилги халқ ҳаракатининг асл моҳияти ва мақсади очиб берилган[1]. Бу қўзғолоннинг ғоявий ташаббускорлари ҳақида турлича қарашлар мавжуд. Ушбу озодлик ҳаракати вужудга келишида сиёсий ташкилотлар ва ғоявий раҳнамолар унча роль ўйнамади. 1916 йил май ойининг бошларида Самарқандда сафарбарликнинг олдини олиш хусусида Беҳбудий томонидан кенгаш ўтказилишига қарамай, Туркистонда Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Мунавварқори (Қозоғистонда Танишбой ўғли ва Бойтурсун ўғли) атрофида тўпланган гуруҳларнинг бу қўзғолонларда тутган ўрни деярли сезилмади. Ушбу йиғинда қатнашган Мунавварқори, Паҳлавон Ниёз, Усмон Хўжа ўғли, Обиджон Маҳмуд ва Қори Комил сафарбарликка қарши бош кўтариб чиқишни режалаштирган эди[2]. Мазкур режага мувофиқ номлари зикр этилган шахсларнинг ёхуд

1 Бу ҳақда қаранг: A.Zeki Velidi Togan. Bugünkü türkili (Türkistan) ve yakın tarihi. Cilt I. Batı ve Kuzey Türkistan. – Istanbul, 1981. – S. 336-345; Hayit B. Turkestan im XX. Yahrhundert. – Darmstadt, 1956. – Pp. 28-31.

2 Бу ҳақда қаранг: Alworth E. Central Asia. A century of Russian Rule. – New York and London: Columbia University Press, 1967. – P. 213. (Росс Эдвард Оллворт (1865-1951) – америкалик олим, тарихчи, жамиятшунос, Висконсин университети профессори. 1917 йилда Россияда бўлган ва мамлакатда рўй берган ҳодисалар ҳақида "Russia in Upheaval"(1918), "The Russian Bolshevik Revolution"(1921), "The Russia Sovet republik"(1923) каби китобларни эълон қилган).



бошқаларнинг раҳнамолигида ҳам бу ҳаракат натижа бермагани тарихдан аён. Туркистонда истибдодга қарши ғалаён кўтаришнинг оқибати не кечишини Беҳбудий Дукчи эшон воқеасидан кейин аниқ англаб етган эди. Бу ҳақда у кейинчалик "Туркестанские ведомости" газетасининг мухбири саволига берган жавобида алоҳида таъкидлайди (Андреев Г. Самаркандский журналь "Айна" и его редактор-издатель М.Бегбуди // Туркестанские ведомости, 1915 год, 17 сентября)[1]. Шу боис жадидлар эндиликда ўлкадаги қирғиннинг олдини олиш чорасини кўрадилар. Улар, аввало, чор маъмурияти ҳарбий ҳаракатларининг олдини олиш мақсадида мардикорликка сафарбарликни уюштирадилар. Буларни ўз кўзи билан кўрган ва мардикорликда бўлган Аҳмад Қамчинбек бу ҳақда бундай ёзади: "Хотин-халажларнинг йиғи-сиғиси, мўйсафидларнинг дуолари, ул вақт жадидларнинг оталари саналғон Мунавварқори ва бошқаларнинг "Худоё, подшоҳимизни сақла" деган ашулани кўчаларда айтиб боришлари, Бадриддин Аъламуфларнинг Николайнинг сувратини кўтариб юриши, хайрлашувчилар ва томошабинлар билан Тошкент кўчалари тўлқинланар эди. Шу янги йиғилган биринчи партия минг кишига бошлиқлар тайинлаш учун Олмазорда палисместр маҳкамасининг боғида бир йиғин бўлади. Шу йиғинда Убайдулла Хўжаев, Мунавварқори ва бошқалар мардикорларга насиҳат қилдилар, "подшоҳи аъзамга" садоқатли бўлиш, "ватан" томонидан йўқланган бундай улуғ ишни бажо келтиришга ундадилар. Иш бошлиқларини тайин этишга ўтилди. Шу минг кишига мингбоши этилиб Мусахонуф кўрсатилади. У вақтда қўл кўтариш, қарши ва тарафдор бўлиб чиқаришлар бўлмағанидан қабул қилинади. Бундан кейин ҳар юз кишиға юзбоши белгиланади ва мингбошиға мирза этилиб мен белгиландим"[2].

Аслида "минг кишига мингбоши этилган Мусахонуф" – Мусахон Мирзахонов "Турон" театр труппасининг аъзоси эди.

1 Қаранг: Сайид Ҳ. Маърифат либосидаги озодлик. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 9.
2 Қамчинбек А. Мардикор (Хотира) // Ер юзи. – Тошкент, 1928. - № 1.

Жадидларнинг бундай даъвати халққа ёқмаслиги табиий эди. А.Қамчинбекнинг Мунавварқори ҳақидаги “жадидларнинг оталари саналғон” деган эътирофида ва бошқа сўзларида ҳам қандайдир кесатиқ, пичинг оҳанги сезилади. Шундай пайтда Ҳамза “Яшасун чун ватан ўғли” шеърини яратди ва шу асар орқали Мунавварқори ҳамда Убайдулла Хўжаевларга бўлган салбий баҳоларни инкор қилди.

*Бунча маъмурлари биз-чун дили доғланмиш экан,*
*Бир умумий оғу вермак биза чоғланмиш экан.*
*Юзимиз макр қароси-ла бўёғланмиш экан,*
*Бизи озодлиғимиз, боқ, кима боғланмиш экан.*
*Яша, Чайкин! Яшасун чун ватан ўғли Хўжаев,*
*Яшасин соянгиз ила баравж ёшларимиз*[1].

Дарҳақиқат, жадидлар қўзғолон қатнашчилари тақдири ҳақида қайғуриб, Россия Давлат Думасининг тафтиш комиссиясини тузди-ришга муваффақ бўладилар. Бу ишни Убайдулла Хўжаев ва Вадим Чайкинлар амалга оширадилар. Чор маъмуриятининг қўзғолон-чиларга қарши кўрган чора-тадбирлари устидан ошкора шикоят қилган биргина киши – адвокат Убайдулла Хўжаев бўлди. Ўзининг ҳимоя нутқида у қуйидагиларни айтган: “Нима учун туркистонликлар фронт ортида хизмат қилиши керак? Кимнинг фойдасига ва нима учун? Туркистонликлар ҳақли равишда бундан бош тортсалар, уларнинг бошини кесасиз. Агар улар Русия томонидан қўлланган чораларга қарши чора кўрсалар, сиз бу бечораларнинг қишлоқларига, шаҳарларига ва уйларига ўт қўясиз. Аёлларнинг, ёш болаларнинг ва қарияларнинг бошларини қилич билан кесасиз... Агар сиз қўзғолончилар жазога тортилиши керак, деб ҳисобласангиз, асосий жиноятчини қидиришингиз лозим. Токи бош жиноятчи Петербургда ва уларнинг ёрдамчилари Туркистонда

1 Ниёзий Ҳамза Ҳакимзода. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. – Тошкент: Фан, 1988. Т. 3. – Б. 64.



экан, бу бечора, бегуноҳ, ўз ҳуқуқини талаб қилаётганларни адолат юзасидан осиш орқали ўлимга ҳукм этишнинг ўзи жиноятдир”[1]. Адвокат Убайдулла Хўжаевнинг нутқи чинакам жасорат намунаси эди.

Россия Давлат Думасининг Туркистонга жўнатилган комиссияси аъзолари маҳаллий камбағал халқ фойдаси учун деярли ҳеч нарса қилмаган бўлса-да, Ҳамза бу тафтиш комиссияси орқали адолат ўрнатилишига ишонч билдирган ва шу муносабат билан “Яшасун чун ватан ўғли” шеърини ёзган эди.

Ҳамзанинг “Миллий ашулалар учун миллий шеърлар” тўпламининг еттинчи бўлими “Ёдгори ҳуррият” ёки “Сафсар гул” 1917 йилнинг 7 апрелида “Маърифат” кутубхонасида нашр этилган. Тўпламнинг титул варағида “Ватан ишчиларининг забун ҳолиндан” деган сўзлар битилган. Шунингдек, шоир ва ношир, китобнинг қачон ва қаерда чиққани ҳақида маълумотлар келтирилган. “Сафсар гул”дан “Қаҳрамон(и)[2] аҳли ватан”, “Пешонамиз тор экан”, “Соғиниб”, “Салом айтинг” шеърлари ўрин олган[3]. Кейинги учта

1 Қаранг: Hayit B. Turkestan im XX. Yahrhundert. – Darmstadt, 1956. – Pp. 29-30.

2 Шеър сарлавҳаси, аслида, форсий изофа шаклида, яъни “Қаҳрамони аҳли ватан” деб берилиши керак, лекин барча нашрларда “қаҳрамон” сўзидаги “и” изофаси тушириб қолдирилган.

3 Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий “Асарлар”инииг I томларида (1969,1979) “Ҳой, паҳлавон” сарлавҳаси билан, “Мукаммал асарлар тўплами”нинг (1980) ва “Тўла асарлар тўплами”нинг II томида (1988) “Пешонамиз тор экан” номи билан эълон қилинган шеър 60 мисрадан ташкил топган.

“Соғиниб” шеъри Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий “Асарлар”инииг I томларида (1960,1969,1979), “Мукаммал асарлар тўплами”нинг II томида (1980) айрим қисқартиришлар билан ва “Тўла асарлар тўплами”нинг II томида (1988) тўлиғича нашр этилган. “Соғиниб” шеъри ўнта тўртлик банддан ташкил топган.

“Салом айтинг” шеъри шоирнинг “Танланган асарлар”и (1949,1958) ва “Асарлар”инииг I томларида (1960,1969,1979) “Салом айтинг” сарлавҳаси билан, “Мукаммал асарлар тўплами”нинг II томида (1980) “Ағо, соғ борсангиз, аввал...” сарлавҳаси остида айрим қисқартиришлар билан “Тўла асарлар тўплами”нинг II томида (1988) айрим қўшимчалар билан нашр қилинган. Шоир “Тўла асарлар тўплами”нинг II томи 93-бетида берилган сўнгги уч мисра шеърга сунъий равишда киритилган:

*Яшасун янги давлат!*
*Яшасун ҳуррият!*
*Яшасун ёшлар!*

Шеърнинг на вазнига, на жанрига мос келмайдиган бу учлик тошбосма нусхада келтирилмаган.

шеър мавзуга алоқадорлиги ҳақида юқорида ҳам тўхталган эдик. Уларда юртдошларимизнинг мардикорликда кечирган ҳаёти таъсирчан ифодаларда акс этган. Бу ҳол Тошкент адабий муҳити намояндалари ижодида (Сидқий Хондайлиқий ижоди бундан мустасно) учрамайди.

Шунингдек, Лутфулла Олимий, Муҳиддин Иброҳимий, Рафиқий, Жавҳарий, Худойберди шоир каби ижодкорлар ҳам 1916 йил воқеаларига ўз муносабатини билдириб асарлар ижод этган Фарғона адабий муҳити вакиллари сирасига киради. Булардан Иброҳимий, Олимий ва Рафиқийларнинг[1] "Лошмон" тўпламига киритилган шеърлари 1916 йилги миллий озодлик ҳаракатининг шеъриятдаги дастлабки ифодаси саналади. 1916 йили 14 октябрда, мардикорликка олиш жараёни қизғин кетаётган бир пайтда, Наманганнинг "Исҳоқия" литографиясида Муҳиддин Иброҳимов муаллифлигида "Лошмон" тўплами нашрдан чиққан. Тўплам 20 бетдан иборат. "Лошмон" ташқаридан назар солинганда чор цензураси талабларига мос тушар эди. Унга киритилган асарларни умумий ҳолда "ватанпарварлик" руҳидаги шеърлар деб аташ мумкин. Чунки "Кўнгилли фирқамиз", "Туронлик тилидан", "Кўнгиллиларға", "Кетарман", "Йўл устинда", "Кўнгиллилар тилиндан" деб номланувчи олтита шеърда ҳам Ватан учун ҳар қандай меҳнатга тайёр туриш, ҳатто зарур бўлса, жонини ҳам фидо этиш ва мардикорликка сафарбарлик тарғиб этилади.

Ушбу кичик шеърий тўплам муқаддимасида тузувчи бундай ёзади: "Ҳисобсиз воқеалар, ғамлик минутлар ўтказгандан кейин

1 Наманганлик адиблар Лутфулла Олимий ва Рафиқ Мўмин(Рафиқий)нинг ҳаёти, ижодий фаолияти ҳақида бир неча манбаларда маълумотлар учрайди. Қаранг: Ҳомидий Ҳ., Маъмуров М. Наманган адиблари. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 53, 62; Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Кўп томлик. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. Т. 5. – Б. 326; Узоқов Ҳ. Ўзбекистонда мустақиллик учун кураш тарихи. 1900-1940 йиллар (Журналистлар фаолияти мисолида): Тарих фанлари доктори ... дисс-я. – Тошкент: ТДКТИ, 1996. – Б. 54-57; Турсунов И. Чин инсон қисмати // Ўзбекистон овози. – Тошкент, 1996, 12 март; Жуманазаров О. Совуқ ўрмонларда сўнган овоз // Ишонч. – Тошкент, 1999, 30 июнь; Узоқов Ҳ. Рафиқ Мўмин // Мулоқот. – Тошкент, 1998. -№ 5. – Б. 37; Қориев С. Халқчил шоир // Наманган ҳақиқати. – Тошкент, 1990, 3 февраль; Каримов Н. Маърифатпарвар шоир // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1990, 25 май. Ҳозирча қўлимизда М.Иброҳимов ҳақидаги маълумот етарлича эмас.



ёшларимиз халқ учун бутун роҳат ва саодатларини тарк этуб "Саодат – меҳнатда" умиди бирлан хизматга киришган эдилар". Петербург цензурасининг рухсати билан чиқадиган китобда бошқача фикрни ёзиш имконсиз бўлгани аён. Қуйидаги иқтибос ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин: "Ҳар нарса бўлса-да, турк ўғли турк бўлуб, ғайрат ва шижоатлик йигитлармиз. Ўз вазифаларини ўрнига етказуб, қадимги боболарнинг йўлидан ҳукумат хизматина сафар этдилар. Ватан, миллатнинг саломатлиги шунда эдукини тушундилар. Онлар бутун саодатни меҳнат ва машаққат орқасиндагина кўрдилар"[1]. Ўша давр матбуотида ҳам, айрим бадиий асарларда ҳам мардикорликка отланган "кўнгилли"лар ҳақида сўз юритилади. "Лошмон" тўпламининг Муҳиддин Иброҳимов қаламига мансўб "Кўнгилли фирқамиз"[2] шеъри билан бошланиши сабабини ҳам шунинг билан изоҳлаш мумкин:

*Ёш йигит чиндан тилаб миллатга доим маърифат,*
*Жонини айлаб фидо, чиқди кўнгилли фирқамиз,*
*Юрт, эл устида доим ғам булутин соясин*
*Солибон турганда чиқди, чин кўнгилли фирқамиз.*
*Аҳли Турон ёш ила мотамзада бўлгон замон*
*Шоди миллат айлабон, чиқди кўнгилли фирқамиз.*

Қўзғолонлар шафқатсизларча бостирилгач, омон қолган одамлар айнан "кўнгиллилар фирқаси"ни тузишга мажбур бўлган. Сабаби эса аён: оммавий қирғиннинг, қатағоннинг олдини олиш.

Вақтли матбуотда юзлаб "кўнгиллилар" мардикорликка жўнаш учун рўйхатга ёзилаётгани эълон қилиб борилган. Чунончи, "Туркистон вилоятининг газети" 1916 йил 6 август сонида "Добровольцы" сарлавҳали ахборот-мақолада бундай дейилади: "Фарғона каби Наманганда ҳам ишчиликға қарор берган

1 Кўрсатилган манба. – Б. 1.
2 محي الدين ابراهمي. لاشمان - نمنگان : اسحاقيه، ١٩١٦ - صحيفه ٢
("Лошмон" тўпламидан олинган шеърий иқтибосларнинг саҳифаси бундан кейин қавс ичида "Л." ҳарфи билан бирга берилади)

мусулмонлар катта йиғинлар қилишиб, подшоҳи аъзам императўр ҳазратларини(нг) муҳаббатлик райиятларидин эканликларини изҳор айлаб, озгина вақтда 500 киши ишчиликға ёзилишиб, алҳол ҳам яна ёзилиб турғон эмишлар. Ўшал ёзилгонлар ҳамалари чап қўллориға қизил нишон боғлашиб, кўчаларда сайр қилиб юргон эмишлар. Аларни ўшал чап қўлларидаги қизил нишонда "ا алиф…ر дол…ر ре…" ҳарфлари бор эмиш. Буни маъниси кўнгиллик ишчилар фирқаси дейилган"[1].

1916 йили Уфадаги Мадрасаи Олия[2]да таҳсил олиб қайтган Лутфулла Олимийнинг "Йўл устинда" шеърида 20 ўринда Ватан сўзи қўлланган. Она юртдан жудолик мардикорликка сафарбар этилганларда Ватанга муҳаббат туйғусини кучайтирди. Уларнинг аксарияти "уйғониш", илм-маърифатни эгаллаш заруратини, бусиз миллатни тараққийга эриштириш мумкин эмаслигини тушуниб етди. Шоир, педагог ва журналист Олимийнинг халқни тубан жарликдан, ҳалокатдан сақлаб қолувчи нажот йўли илм-маърифат эканини таъкидлаши сабаби ҳам шунда:

*Жондин азиз жонон Ватан,*
*Турғил эмди, уйғон, Ватан,*
*Маърифатсиз турмоқ учун*
*Йўқдир энди имкон, Ватан. (Л. 11)*

1916 йил воқеаларига бағишланган шеърлар, хусусан, Фарғона ҳудудида ижод этган шоирларнинг юқорида келтирилган асарлари таҳлили шуни кўрсатадики, уларда ватанпарварлик ва маърифатпарварлик ғояси етакчилик қилади.

1 Добровольцы // Туркестанская туземная газета. – Ташкент, 1916, 6-августа. (Бунда отряд (ا орқали) добровольных (د орқали) рабочих (ر орқали) жумласи англашилади)
2 Уфадаги "Олия" мадрасаси 1906 йилда маърифатчи Зиё Камолий (1873-1942) томонидан ташкил қилинган. Унда "Фарғона" газетасининг муҳаррири Л.Олимий (1893-1969) билан бир қаторда Мўминжон Муҳаммаджонов (1883-1964), Абдулҳай Тожиев (1879-1937) ("Туркистон" газетасининг муҳаррири, 1923) кабилар таҳсил олишган. Бу ҳақда қаранг: Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б. 382.



Андижонда яшаб ижод этган ва қозилик қилган Жавҳарийнинг[1] 1916 йил воқеалари ҳақидаги қарашларини ифодаловчи шеъри Баҳриддин Азмий Азизийнинг "Янги шугуфа ёхуд миллий адабиёт" китобидан ўрин олган. Шеър "Русия инқилобини тарихи муҳтарам Жавҳарий афандидан" дея сарлавҳаланган. Шеър мардикорлик воқеалари, уни келтириб чиқарган асосий сабаб – биринчи жаҳон уруши ва 1917 йил инқилоби ҳақидаги фикр-мулоҳазаларнинг бадиий умумлашмасидан иборат. Жавҳарий ижодида уруш мавзуи ўзига хос талқин этилган. Сирожиддин Маҳдум Баҳриддин Азмий муаллифлигида тузилган "Янги шугуфа ёхуд миллий адабиёт" тўпламининг 30-36-бетларида Мирза Олим Мирза Толиб ўғли Жавҳарийнинг 1916 йил воқеаларига бағишланган шеъри қуйидагича бошланади:

*Ўлди алҳосил ямон қатиғ сўғуш Гирмон ила*
*Ким, жаҳон ўлкон берди ўткон эмаз бу қори зор.*
*Ўлди милёнлар башар авлоди қурбон бедариғ,*
*Оқти қонлар он қадарким, ўлди саҳро лолазор. (Ж. 32)*

"Қонлар" шу қадар кўп "оқди"ки, "саҳро лолазор"ларга айланди. Шоир "Гирмон ила" бўлган "сўғуш"нинг "милёнлаб башар авлоди"га не-не кулфатлар келтирганини тасвирлар экан, уруш инсониятнинг фожеий қисмати эканини алоҳида таъкидлайди. Маърифатпарвар жадидлар сингари Жавҳарий ҳам подшо ҳукми олдида "чор-ночор" қолганини эътироф этади.

*Биз мусулмонлардан ўн олтинчи йилда ҳукм ила,*
*Борди аскар хизматиға неча юз минг мардикор.*
*Вермаган жойи турктоз жавр ила ўлди хароб,*
*Қолди истибдод, зулм остида чўқ шаҳру диёр.*

1 Қаранг: Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б. 153.

*Куйди масжидлар, иморатлар, бузулди хоналар,*
*Қатл асру ғорат ўлди анда беҳадду шумор.*
*Ҳукмлар жорий ўлурди дам-бадам бизларға ҳам,*
*Бош сунуб, лекин қабул айлар эдук чор-ночор*[1].

Мардикорлик воқеалари арафасида барча туркистонликлар сингари "зулм", "ғорат", "ҳукмлар"дан юрак-бағри хун бўлган Фарғона халқи шу қадар танг аҳволда яшадики, ёруғ кунлар келишига, тўй-томошалар бўлишига ҳам ишонмас эди. Чўлпоннинг "Тўй чиқиб қолди" ҳикоясида ана шу ҳолат тасвирланади. Унда халқнинг сиёсату урушлардан, очлигу хўрликлардан нечоғли чарчагани таъсирчан ифодаланган[2]. Мана шундай оғир дамларда Жавҳарий халқни "нафъи мулку миллат" учун "тарки нафсоният айлаб" бирлашишга чақиради. У миллатни "нобакор" бўлмай, "илму ҳунар" ўрганишга чорлайди:

*Зулмату жаҳл ичра қўймангиз ватан авлодини,*
*Ўрготинг илму ҳунар, то ўлмағайлар нобакор. (Ж. 35)*

1916 йил воқеаларига бағишланган шеърий мажмуалар чиққан пайтдан салкам 70 йил ўтгандан сўнг тўплам ҳолига келтирилиб, китобхонлар оммасига тақдим этилган "Мен қушимни ғозга солсам" китобида андижонлик Худойберди шоир (Худойберди Қорабоев)нинг мардикорлик воқеаларига бағишланган шеърлари ўрин олган. Худойберди шоирнинг исёнкор ва оташин руҳдаги асарлари ўз даврида эълон қилинмагани боис унинг ижоди ҳақидаги баҳс-мунозара ҳанузгача давом этиб келаётир. Мунозаранинг сабаби шундаки, юқоридаги тўпламда келтирилган

1 سراج الدين مخدوم بحرالدين عزمى. ينگى شگوفه يانخود ملى ادبيات. - تاشكند: غلام حسن عارفجانوف، ١٩١٧ - صحيفه ١٧

(Мазкур тўпламдан олинган шеърий мисолларнинг саҳифаси бундан кейин қавс ичида "Ж." ҳарфи билан кўрсатилади)

2 Бу ҳақда қаранг: Аҳмедов С. Саёҳат эсдаликлари // Моҳият. – Тошкент, 2007, 6 апрель. - № 14 (347).



Худойберди шоир шеърлари халқ оғзаки ижодида ҳам (бир оз фарқи билан) учрайди.

"Мен қушимни ғозга солсам" тўпламининг 5-бетида тўпловчи ва сўзбоши муаллифи О. Эгамбердиев қуйидагиларни келтиради: "Худойберди шоирнинг "Мен қушимни ғозга солсам..." тўпламига кирган қўшиқ ва шеърлари Фарғона водийсининг шаҳар, қишлоқ, посёлкаларида, қардош Қирғизистоннинг Ўш областида, Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида, Сурхондарёнинг Вахшивор, Юрчи, Хошжизза қишлоқларида истиқомат қилувчи аҳолидан ёзиб олинган, топилган қўлёзмалар, қўшиқлар ёзилган нодир пластинка ва турли хотиралар асосида тикланди"[1].

Тўпловчининг бу сўзларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Худойберди шоирга нисбат берилаётган шеърларнинг бир қисми аҳолининг оғзидан ёзиб олингани боис уларни комил ишонч билан Худойберди шоир ижодига мансуб дейиш ёхуд халқ оғзаки ижоди намуналари сирасига қўшиш маҳол. Бу масалага фольклоршунос Т.Мирзаев 1981 йили "Ўзбекистон маданияти" газетасининг 24-апрель сонида "Илмий-ижодий ҳалоллик учун" мақоласида холис илмий муносабат билдирган. Олимнинг фикрича, Худойберди шоир ижоди халқ ижодига мансуб турли шеър ва қўшиқлар билан безаб-бежаб кўрсатилишга муҳтож эмас. Шусиз ҳам Худойберди Қорабоевнинг оташқалб шоир эканини тасдиқловчи шеърлар етарли.

Тадқиқотчи М.Қаландарова халқ оғзаки ижоди ва Худойберди шоир адабий мероси хусусида сўз юритар экан, "Сув оқару сув оқар", "Қарғалар", "Поездингни жилдирган", "Салом айтинг" каби қўшиқлар дастлаб халқ ўртасида яратилиб, кейинчалик Худойберди шоир сингари ижодкорлар репертуарига ё айнан, ёки бир оз ўзгартиришлар билан кириб борганини таъкидлайди[2]. Бу масала юзасидан яна бир мулоҳаза мавжуд. Айрим санъатшунос

1 Худойберди шоир. Мен қушимни ғозга солсам. Шеърлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – Б. 5.

2 Бу ҳақда қаранг: Қаландарова М. Халқ қуйлаган озодлик. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – Б. 29.

олимларимизнинг эътироф этишича, ҳофиз Акбар Ҳайдаров репетуаридаги қўшиқлар Худойберди шоир номига ўтиб қолган.

Худойберди шоир ижодида фольклор қўшиқларига хос бўлган хусусият – маҳаллий амалдорларни ҳажв қилиш ва қоралаш мотиви етакчилик қилади[1].

Андижонлик Худойберди Қорабоевнинг "Худойберди шоир" деб халққа танилиши, унинг исми халқ бахшиларининг исми сингари "шоир" атамаси билан бирга келиши ҳам унинг халқ куйчиси бўлганидан, халқона руҳда ижод этганидан далолат беради.

Умуман, Фарғона водийси ҳудудида яшаб ижод этган Ҳамза, Муҳиддин Иброҳимий, Лутфулла Олимий, Рафиқий, Жавҳарий каби шоирлар шеърларида 1916 йил воқеалари ўзига хос талқин этилди. Жумладан, "Лошмон" тўпламидаги олтита шеър тўлиғича ватанпарварлик руҳидадир. "Лошмон"да ҳам, Ҳамза ва Жавҳарийлар ижодида ҳам илм-маърифат тарғиби масаласи алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу ижодкорларнинг мардикорлик воқеаларига бағишланган шеърларида подшоҳ мадҳи учрамайди.

1916 йили Фарғона, Андижон, Марғилон ва Наманганда ҳам 17 аҳоли пунктида ҳарбий қисмлар билан тўқнашувлар рўй берди. Водийлик шоирлар ижодида ушбу озодлик ҳаракатига бағишлаб асарлар пайдо бўлишига олиб келди. Фарғона водийси ҳудудида яшаб ижод этган ва 1916 йил воқеаларига муносабати натижаси ўлароқ асарлар ижод этган шоирлар – Лутфулла Олимий, Муҳиддин Иброҳимий, Рафиқий, Жавҳарийлардир. Уларнинг асарлари Муҳиддин Иброҳимов ва Сирожиддин Маҳдум Баҳриддин Азмий томонидан тузилган "Лошмон" ҳамда "Янги шугуфа ёхуд миллий адабиёт" тўпламларидан жой олган.

---

1 Худойберди шоир бундай ёзади:

*Занчалиш деб сўкиб кетай,*
*Дардим йўлда тўкиб кетай.*
*Шаънинг қилиб ошкора ҳажв,*
*Сойгузарга экиб кетай.*

Бу сатрлар халқ оғзаки ижодида кенг тарқалган Саидаҳмад элликбоши ҳақидаги қўшиқни ёдга солади.



"Лошмон" тўпламига киритилган шеърларда ватанпарварлик руҳи устунлик қилади. Тўпламдан жой олган "Кўнгилли фирқамиз", "Туронлик тилидан", "Кўнгиллиларға", "Кетарман", "Йўл устинда", "Кўнгиллилар тилиндан" каби шеърларда Ватан хизматига тайёр туриш, ҳатто жонини ҳам фидо этиш ва мардикорликка сафарбарлик тарғиб этилади. Бунинг сабабини қуйидагича изоҳлаш мумкин: мардикорликка сафарбарликни тарғиб этишдан кўзланган мақсад, биринчидан, халқни оммавий қирғиндан асраш, иккинчидан, миллат ёшларининг юрт кўриб, ҳарбий салоҳиятини ўстиришлари орзуси натижаси эди.

Ҳамза водийлик шоирлар орасида 1916 йил воқеаларига бағишланган асарлари – шеърлари, драмалари билан алоҳида ажралиб туради. Унинг "Пешонамиз тор экан", "Соғиниб", "Салом айтинг" шеърлари мардикор юртдошимизнинг ҳаётини тасвирлаш орқали миллий уйғонишни тарғиб этувчи мисраларни ўзида мужассам этгани билан алоҳида ажралиб туради. Шоирнинг "Яшасун чун ватан ўғли" шеъри 1916 йил фожиаларини тафтиш этиш комиссиясини тузишга муваффақ бўлган У.Хўжаев ва В.Чайкинга бағишланган бўлиб, бу шеър орқали шоир жадидларга бўлган салбий муносабатни инкор этди.

Андижонлик Худойберди шоирнинг мардикорлик воқеаларига бағишланган шеърлари шаклан ва мазмунан халқ оғзаки ижоди билан муштарак. Айрим ҳолларда халқ оғзаки ижоди билан Худойберди шоир шеърларидаги бир хиллик тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган. Шу боис шоир шеърлари махсус тадқиқотларни талаб қилади.

# 3-БЎЛИМ. МАРДИКОРЛИК ШЕЪРИЯТИНИНГ ПОЭТИК ЎЗИГА ХОСЛИГИ

## Мардикорлик шеъриятида реалистик тасвир принциплари

XIX асрнинг охири – XX аср бошларида ижтимоий-сиёсий воқелик таъсири натижаси ўлароқ адабиётдаги кўп асрлик анъаналар эврилишга юз тутди. Бу даврга келиб адабиётда ижтимоий пафос кучая бошлади. Ижтимоий воқелик бадиий асарларнинг асосий мавзуига айланди. Эрксиз халқ ҳақсизлик ва мутеликка қарши бош кўтарди – миллат уйғона бошлади. Бу давр адабиёти мазмун-моҳияти билан чиндан ҳам "миллий уйғониш адабиёти" эди. Зеро, унинг тараққиёт йўллари ҳам ўзига хос ва мураккаб эди.

Европа ва рус илм-фани, техникаси Туркистон ҳаётига таъсир этмай қолмади. Маорифни ислоҳ қилиш масаласи кун тартибига қўйилди. Миллий матбуот шаклланди. Миллат ҳаётига театр кириб келди. Адабиёт мундарижаси ўзгариб, унда янги тур ва жанрлар пайдо бўлди. Шакл ва мазмунда, ғоя ва мотивда янгиликлар сезила бошлади.

Ҳар қандай янгилик муайян замин асосида юзага келади, албатта. Табиийки, бадиий ижоддаги янгилик, новаторлик ҳам анъана негизида шаклланади. Анъана ва новаторлик эса ҳамиша бир-бирини тақозо этади. Маълумки, адабиётга янгилик янги мавзу ва ғоя, тил ва услуб, реал воқелик таъсирида кириб келади. Ҳар қандай бадиий асар чинакам бадиийликка эришмоғи учун анъана ва янгиликни ўзида уйғунлаштирмоғи лозим. Ижодкор қайси даврда яшамасин, унинг асарларида анъанавийлик унсурлари билан бир қаторда ўша давр, ўша замон, ўша муҳит руҳи акс этиши табиийдир. Мардикорлик воқеаларига бағишланган шеърларнинг бир қисми анъанавий аруз вазнида, яна бир қисми эса бармоқда ёзилгани ҳам бунинг далилидир. Абдулла Авлоний, Сидқий Хондайлиқий, Акбарий Тошкандий, Мулла Муртазо бин



Исмоилжон, Жавҳарий, Лутфулла Олимий, Анбар Отин, Мутриба, Ҳайратий, Таваллo каби ижодкорларнинг аруз вазнида битган мардикорлик ҳақидаги шеърларини назардан кечирсак, уларда мазмун тамомила ўзгаргани, янгилангани маълум бўлади. Яъни вазн ва оҳанг анъанавий, бироқ мазмун ва мавзу эса янги. Мардикорлик мавзуидаги шеърларда мажозий тасвир ўрнини ҳаётий-реалистик ифода, анъанавий рамзлар ўрнини реал шахс ва воқелик талқини эгаллагани ҳам буни тасдиқлайди.

*Қулоғимга "Сафохон"[1]у "Ироқ"дин келур хўброқ,*
*Ҳазин овоз ила ҳар соридин гуфторинг, эй, миллат[2], –*

деб ёзган эди шоир Сидқий. Дарҳақиқат, миллат ўзини миллат сифатида танитиши, ўзлигини кўрсатиши мажбур эди. Адабиёт энди халқнинг фикр ва кўнгил дунёсига нигоҳ ташлаш эҳтиёжидан четлашиши мумкин эмасди. Адабиёт эл дарди, ватан тақдири билан дадил қизиқа бошлагани учун ҳам қайғу ва аламнинг ижтимоий моҳиятини ёритишга киришганди. Шу боисдан ҳам миллатнинг "ҳазин овози" шоирлар қалбида акс-садо уйғотганди. Бу эса табиийки, шеърнинг вазни, тили ва ифодасида ўзгаришларни амалга оширишни талаб қиларди. Мана шунда бармоқ вазни ижодкорлар учун шиддатли, исёнкор руҳни беришда, айниқса, қўл келди. Айтиш жоизки, 1916 йил воқеаларига қадар бирор ижтимоий воқелик адабиётда бу қадар кенг кўламда акс этмаганди. Ижтимоий воқелик заминида реалистик тасвирнинг шаклланиши ҳам янги ҳодиса эди.

Филология фанлари доктори А.Жалолов Авлоний, Шавкат, Таваллo ва бошқа шоирлар ижоди ҳақида сўз юритар экан, "бу адиблар… икки адабиёт, икки давр, икки ҳаёт ўртасида воситачи-

1 Ҳазажи мусаммани солим (*мафоийлун, мафоийлун, мафоийлун, мафоийлун*) вазнида ёзилган ғазалнинг ушбу байти биринчи мисрасида вазн сакталиги бор. "Исфахон" мақомининг номи вазн талабига кўра "Сафохон" тарзида берилган.

2 Хондайлиқий С. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б. 110.

кўприк ролини ўтадилар"[1], – дейди. Ўзбек адабиёти чин маънодаги реалистик босқичга қадам қўйишида «кўприк» вазифасини ўтаган айрим ижодкорларнинг асарларини тадқиқ этиш шуни кўрсатадики, уларнинг асарларида реалистик тамойил тобора кучайиб борган. Бинобарин, мардикорлик шеъриятида реализм, асосан:

а) воқеа;

б) прототип;

в) пафосда ўз аксини топди.

Мардикорлик шеърияти, аввало, конкрет тарихий воқеликка ва конкрет тарихий шахсларга нисбатан реал ёндашув асосида юзага келган. Унинг билан боғлиқ барча воқеа-ҳодисалар реалистик элемент сифатида шеъриятда ўз ифодасини топди. Тадқиқ этилаётган асарларда мардикорлик ҳақидаги фармон эълон қилинишидан тортиб, халқ қўзғолони ва унинг бостирилиши, юртдошларимизнинг мардикорликка кузатилиши, уларнинг фронт ортидаги ҳаёти ва, ниҳоят, юртга қайтиб келиши билан боғлиқ деярли барча воқеалар тасвирланган. Мардикорлик шеъриятида бу воқеалар турли мотивлар – хайрлашув, ҳижрон, видолашув, зорланиш, соғинч, мадҳ этиш, Аллоҳдан нажот сўраш, бурч, даъваткорлик, ўз-ўзига қарама-қаршилик, ижтимоий тузумдан норозилик, чор маъмурларини фош этиш, эрк ва озодлик, ватанпарварлик, фидойилик асосида тасвирланди.

Шеърларнинг аксариятида психологик ифода етакчилик қилади. Жумладан, хайрлашув мазмунидаги шеърлар ("Бир мардикорнинг отаси ўғлига айтган сўзлари", "Онасининг ўғлига айтган сўзлари", "Ўғлининг онасига айтган сўзлари", "Хотунига айтган сўзи", "Тошканддин жўнаган мардикорларнинг ашуласи", "Бир йигитнинг жўраларига айтган сўзи", "Аносидин ризолик сўраб йўлга тушгани", "Хотунига рози бўл, яхши қол, деб айтган сўзи"), мардикорларнинг кайфиятини тасвирловчи шеърлар ("Ҳой, паҳлавон", "Соғиниб", "Салом айтинг", "Ситамдийда работчилар

1 Жалолов А. Ўзбек маърифатпарвар-демократик адабиёти. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 4.



келиши"), мардикорларнинг юртга қайтиши муносабати билан оналарнинг қувончини ва, аксинча, фарзандидан айрилган оналарнинг ғам-андуҳини тасвирловчи шеърлар ("Сизларға мужда", "Бу кун бахти қароман..."), шунингдек, Аллоҳга муножотлар ва бошқа мавзулардаги айрим шеърларда психологик ифода яққол кўзга ташланиб туради. Бунга сабаб нима? Чунки мардикорлик воқеалари, шу жумладан, мардикорлик шеърияти ҳам, аввало, халқнинг норозилиги сабабли юзага келган эди. Норозилик кайфиятлари эса 1917 йил Февраль инқилобига қадар чор цензураси тазйиқи натижасида асар тагматнида ифодаланганди. Халқнинг дарди, ғам-андуҳи, ҳасрат ва соғинчи бу шеъриятда ўз-ўзидан психологик тасвирни тақозо этди.

Шеърларнинг аксарияти биринчи шахс тилидан ёзилган. Воқеа-ҳодиса ёки воқеликка муносабатнинг биринчи шахс тилидан баён этилиши ҳам реалистик ифоданинг ўзига хос кўринишидир. Шеър сарлавҳаларининг ўзиёқ буни исботлайди: "Жўра қизиқ деган работчи тилиндандур", "Бир работчи тилиндан", "Туронлик тилиндан", "Кўнгиллилар тилиндан", "Кўнгилли фирқамиз", "Ўғлининг онасига айтган сўзлари", "Хотунига айтган сўзи", "Пешонамиз тор экан", "Соғиниб", "Салом айтинг", "Тошканддин жўнаган мардикорларнинг ашуласи", "Бир йигитнинг жўраларига айтган сўзи", "Аносидин ризолик сўраб йўлга тушгани", "Хотунига рози бўл, яхши қол, деб айтган сўзи", "Қора ишчиларнинг Тошканддин азбаройи хизмат учун чиқиб кетаётган вақтларинда айтган абётлари" ва ҳоказолар.

Бундай қаралганда, мардикорлик билан ватанпарварлик тушунчалари бир-бирига мувофиқ келмайди. Аммо мардикорлик шеъриятининг бош хусусияти, эҳтимолки, энг ибратли жиҳати ватанпарварликдир. Унда ватан ва фарзанд муносабати, фарзанднинг юртидан жудолиги, шу айрилиқ ичидаги меҳр, садоқат, соғинч, армон ҳис-туйғулари фавқулодда самимий ва таъсирчан тарзда аксини топган. Бундан ташқари, бу шеъриятда хотира қуввати ва уйғоқлиги ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Хусусан, соҳибқирон Амир Темурнинг тез-тез эсга олиб улуғланиши шунчаки тасодиф эмасди.

*Навмид ўлмам миллатимдин, мендирман Турон ўғли,*
*Олий шону олий шавкат, яъни Кўрагон ўғли,* –

дейди ифтихор ила Лутфулла Олимий. Умуман, ўтган аср бошларида яратилган турли шакл ва жанрдаги асарларда Амир Темур енгилмас куч, безавол умид, жасорат ва ғолиблик тимсолида тез-тез тилга олиниб шарафланади. Биргина Абдурауф Фитратнинг ўттиздан ортиқ илмий ва публицистик асарларида соҳибқирон Амир Темур ҳақида баҳс юритилади[1]. Бу ўринда унинг "Темур сағанаси" (бизгача тўлиқ етиб келмаган) драмаси, "Юрт қайғуси (Темур олдинда)", "Юрт қайғуси (Сочма)" шеърларини эслаш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, жадидлар раҳнамоси Исмоилбек Ғаспиралининг "Муколамаи салотин" ("Султонлар суҳбати") тарихий-хаёлий ҳикояси ҳам Амир Темур ҳақидадир ("Таржимон" газетаси, 1906 йил декабрь; 1907 йил январь)[2]. XIX аср охири – XX аср бошида ижод этган Фурқатнинг ижтимоий-сиёсий мазмундаги "Бўлди" радифли мухаммасида шундай мисра келади: "Ҳамани эмди кўз тутгони бир соҳибқирон бўлди". "Дарҳақиқат, миллат бу пайтда Соҳибқиронга, йўлбошчига муҳтож эди. Юртни муғуллар зулмидан озод қилган Соҳибқирон – миллий озодлик тимсоли. Шунинг учун ҳам шоир миллатга унингдек бир раҳнамони орзу қилади"[3]. Умуман олганда, истибдод ва эрксизлик даврида истиқлолга умид боғлаш ва Темур руҳидан мадад сўраш табиий ҳол эди.

Кўриниб турибдики, енгилмас Амир Темур шахсига мурожаат этиш нафақат мардикорлик шеъриятида, балки, умуман XIX

1 Бу ҳақда қаранг: Болтабоев Ҳ. Фитрат ва жадидчилик. Илмий-тадқиқий мақолалар. – Тошкент: Миллий кутубхона, 2007. – Б. 81.

2 Бу ҳақда қаранг: Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б. 43.

3 Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти / Б.Қосимов, Ш.Юсупов, У.Долимов ва б. – Тошкент: Маънавият, 2004. – Б. 126.



асрнинг охири – XX аср боши адабиётида анъанавий бир тус олган эди. Бу, аввало, реал тарихий шахсга ўзига хос муносабатнинг ифодаси бўлса, иккинчидан, ватанпарварлик, халқпарварлик, миллатпарварликнинг бир намунаси эди.

Мардикорлик шеъриятида чор маъмурларининг, жумладан, Николай, Иванов, Мочалов кабиларнинг исми кўп зикр қилинади. Булар реал шахслардир. Каттақўрғонлик Мутриба 1916 йил воқеаларига муносабатини "Эй, дўстлар, на бўлди?" шеъри орқали ифодалар экан, ушбу маснавийда подшо Николай исмини келтириб, бундай ёзади:

*Зулм айлабон Николай, тарқатди элга фармон,*
*Шаҳар ва қишлоқ қолмай йиғдурди отни чандон*[1].

Мазкур шеърларда Николай номи билан бирга "импeратўр" сўзи ҳам учрайди. Мардикорлик шеърияти, маълум бир маънода, прототип асосида шеър яратиш тажрибаси ҳам ҳисобланади. Уларни ўқиганда халқни қуллик ва мусибатга гирифтор қилган бир қанча шахсларнинг номи орқали қилмишлари хусусида ҳам тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Масалан, Сидқий Хондайлиқийнинг "Русия инқилоби" достонида ўндан зиёд мустамлакачи номи қайд қилинган. Хусусан, Прўтапўпўф, Добровольский, Мақореф, Сухўмлинеф, кеноз Шаховски, Михаил Александрўвич, Распутин ва Астрамуф шулар жумласидандир. "Мақбул курбонлар"да эса шоир Колкин, Калисникўф, Мачалўф, Иванўф каби чор ҳарбийларининг ёвузликларидан сўз очиб, уларни лаънатлайди. Шу ўринда "Русия инқилоби"даги образлардан бири Распутин ва унинг прототипи ҳақида фикр юритиш зарурати туғилади.

Распутин, аслида, саводсиз, бироқ экстрасенс қобилиятига эга, шунингдек, халқ табобатидан хабардор шахс эди. Бундай қобилият қария учун шаҳзода Алексейнинг тузалмас гемофилиясини енгиллатишда жуда қўл келган ва унинг подшо хонадонидаги

1 Ўзбек адабиёти. Тўрт томликка илова. Бешинчи том. Иккинчи китоб. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1968. – Б. 310.

мавқеини сақлаб турган. Распутинни "авлиё шайтон" (святой чёрт) деб аташган[1]. Унинг яна бир "ажойиб фазилати" аёлларни ўзига ром қила олиши эди[2]. Распутин иккинчи Николайнинг хотинини ҳам, эҳтимол, сеҳрлагандир. Распутин ўлдирилгач[3], унинг уйидан бир неча сурат ва хатлар топилади. Бу хатлар ичида иккинчи Николай хотинининг Распутинга ёзган ишқий номалари ҳам бор эди:

*Ки хат ичра дебдурки, "Эй Распутин!*
*Манга энг биринчи керак нарса – сен!*
*Менинг жисму жоним хаёлингдадур,*
*Хаёлим ҳамиша висолингдадур.*
*Ўпарман сени борибон зудроқ,*
*Ўшал дамда хандон ўлуб манга боқ!.." (Р.и. 26)*

Бутун Россия ихлос қўйиб ишонган подшонинг хос хонадонидаки шундай фаҳш ишлар оддий ҳолга айланган бўлса, қолганлардан нимани кутиш мумкин? Сидқий келтирган ишқий мактублар ҳақидаги маълумот француз элчиси Морис Палеолог[4]да ҳам учрайди[5]. Чиндан ҳам, катта бир империя, чор тузуми ич-ичидан зил кетган, чириган, ахлоқий-маънавий инқирозга юз тутган эди[6]. Кўпчилик учун яхши таниш бўлган "Кеча ва кундуз" романида ҳам нойиб тўра Мирёқуб билан бўлган суҳбатда империянинг "чириб", ичдан емирилаётгани ҳақида сўз очади: "... бу буюк империя даҳшатли тўлқинлар ичида зулматга,

1 Қаранг: Мировые войны ХХ века. Книга 1. Первая мировая война. – М.: Наука, 2002. – С. 378.
2 Бу ҳақда қаранг: Радзинский Э. Распутин... // Аргументы и факты. – М., 2003. - № 44. – С. 26.
3 Қаранг: Мировые войны ХХ века. Книга 1. Первая мировая война. – М.: Наука, 2002. – С. 331; Керенский А.Ф. Царская семья и временное правительство. – Махачкала: Дагестанское кн. изд-во, 1991. – С. 9.
4 Палеолог Морис Жорж (1893-1944) – француз дипломати. 1893-1907 йилларда Марокаш, Италия ва Хитойнинг Франция дипломатик ваколатхоналарида фаолият кўрсатган. 1914-1917 йилларда Франциянинг Россиядаги элчиси. Биринчи жаҳон урушида Россиянинг ҳарбий кучи максимал даражада фаоллашуви учун ҳаракат қилган.
5 Бу ҳақда қаранг: Палеолог М. Царская Россия во время мировой войны. – М.: Международные отношения, 1991. – С. 108.
6 Қаранг: Политический словарь. – М.: Политическая литература, 1958. – С. 421.



белгисизликка, йўқликка қараб кетаётир"[1]. Ахлоқнинг бу қадар тубанлашуви, шубҳасиз, ёмон оқибатга олиб келиши муқаррар эди. Распутин ўлимидан сўнг "хоним" эл-халқ олдида шармисор бўлиб, ёзган ишқий номаларини газеталарда ўқиш "бахти"га муяссар бўлади. Шуни таъкидлаш лозимки, бу ҳодиса "Русия инқилоби" достонида бутун мураккаблиги, зиддиятлари билан бадиий реалистик талқин этилган.

Кўриб турганимиздек, маънавий-ахлоқий бузуқлик катта бир империяни таназзулга олиб келган сабаблардан бири бўлган. Сидқийнинг қуйидаги хулосаси Распутингагина эмас, барчага бирдай тегишли огоҳлантириш дейиш мумкин:

*Киши ўтса ўз ҳаддидан бир қадам,*
*Йиқилса юзи бирла ерга не ғам?! (Р.и. 26)*

Сидқий асарда Распутин ва бошқа прототипларнинг бадиий тимсолини яратар экан, бундан муайян мақсадларни кўзлаган. Шоир Распутин воқеасининг бадиий талқини орқали маънавият жамият равнақида нечоғли муҳим ўрин тутишини, ахлоқсизлик алоҳида шахсни ҳам, жамиятни ҳам муқаррар таназзулга олиб боришини таъкидлайди. Одамларни комил ахлоқ эгаси бўлишга даъват этади.

Мардикорлик шеъриятида қўлланилган реалистик деталлардан бири русча сўзлардир. Русча сўзлар тошкентлик ижодкорлар Акбарий ва Мулла Муртазоларнинг ижодида кўп учрайдики, қуйида улардан айримларини келтирамиз:

*Биз жўнармиз мингдин ортуқ кетба-кет вагон тўлуб,*
*Вақти хуш бирлан борурмиз доим ўйнашиб кулуб... (А. 7)*
*Акбарий, тезда юборурман санга номамни йўл*
*Тилгирам бирлан жавобим, эй, ёри жоним, яхши қол...(А. 20)*

1 Чўлпон. Яна олдим созимни. Кеча ва кундуз. Роман. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – Б. 146.

*...Эшик олди тефача, тефачада кўрфача,*
*Дуо айланг, ёронлар, работчилар келгунча. (М.М. 11)*

Юқорида келган "вагон", "тилгирам", "работчи" каби сўзлар тилимизга XIX асрнинг охири – XX аср бошларида кириб келган янгича атамалардир. Бу ўринда Акбарий "вагон" сўзини қўллаш орқали ихтиёрсиз равишда вазн талабларидан четлашган. Аруз вазнига мос тушиши учун ушбу сўз "вогон" шаклида қўлланиши керак эди. "Тилгирам" сўзи эса, аксинча, арузга мувофиқ, бироқ сўз мутлақо ўзгарган шаклда қўлланган (аслида "телеграмма"). Шоир, жумладан, "вагон" сўзини, ўзи истаса ҳам, бошқача шаклда, яъни туркий, арабий, форсий калимада беролмас эди. Чунки "поезд", "вагон" сўзлари Европа тилларидан кириб келган. "Тилгирам" ҳам "мактуб", "нома", "хат" тушунчаларидан бирмунча фарқ қилади. Лекин Мулла Муртазо қўллаган (шунингдек, Сидқий ҳам) "работчи" сўзини "мардикор" ёки "ишчи" тарзида ифодалаш мумкин эди-ку. Ижодкорнинг "работчи" сўзини танлаши унинг воқеликка нисбатан реал муносабатининг ифодаси эди. Чунки Николай подшо эълон қилган фармонда "мардикор" эмас, "рабочий" сўзи қўлланган эди.

Табиийки, русча сўзлар аруз вазнига тушмайди. Бу мавзудаги шеърларда вазн сакталиги учраши ва бармоққа ўтилиши сабабларидан бири, эҳтимол, шудир. Ҳайратийнинг "Қимматчилик" шеъридан олинган қуйидаги байт ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди:

*Моли билан қизини элтарди крепостга,*
*Келтургали борарди тонг вақтида атолар*[1].

Шеър арузда ёзилган. "Крепост" сўзи таъсирида вазнда сакталик юзага келган. Шоир бу сўзни "қалъа" ёки "кўрғон" шаклида қўллаганда кўзлаган мақсадига етолмас эди. Чунки "қалъа"дан фарқли ўлароқ "крепост" сўзининг ўзига хос маъно оттенкаси бор. Русча сўз бўлгани учун "крепост" айнан русларга

1 Тирик сатрлар. Танланган шеърлар. Тўпловчи М. Зокиров. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1968. – Б. 208.



тегишли ва шунинг учун у "қалъа" бўлолмайди. Бу ҳолат шоирнинг воқеликка ўзига хос муносабати исботидир.

Шунга ўхшаш русча-интернационал сўзлар ва русча исмлар кўп қўллангани мардикорлик воқеаларига бағишланган шеърий асарларда янги ўзбек адабиёти унсурлари пайдо бўла бошлаганидан далолат беради. Бироқ бунинг натижасида аруз вазни талабларидан, адабий анъаналардан четлашиш ҳоллари юз бердики, мумтоз аруз ўрнини бармоқ системаси эгаллаб борди.

Аруз истеъмолдан чиқишининг бошқа сабаблари ҳам бор, албатта. Жумладан, ҳижоларнинг узун-қисқалигига асосланган аруз шеър тизими, ритмикаси янги замон кайфиятини ва шиддаткор руҳини бера олмас эди. Тўғри, мардикорлик шеърияти ҳам аруз, ҳам бармоқ шеър тизимларида, баъзида иккала вазннинг ҳам хусусиятларини уйғунлаштирган "оралиқ" вазнда (нақаротли шеърлар назарда тутиляпти) ўз ифодасини топди. Бироқ бу шеърларда шакл эмас, мазмун бирламчи аҳамият касб этди. Ижодкор ўз олдига қўйган мақсадини оммага тезроқ етказиш ва таъсир эттириш йўлларини излади (Ҳамзанинг шеърлари шулар жумласидандир). Анъанавий жанр, яъни анъанавий шакл (Сидқийнинг мардикорлик воқеаларига бағишланган барча асарлари) янги ижтимоий мавзу билан уйғунлашди.

Янги мавзу янги шаклда (неча асрлардан буён ёзма адабиётда қўлланилмай келган бармоқ системаси, шунингдек, публицистика, драма, автобиографик қисса, роман жанрларида яратилган мардикорлик воқеаларига бағишланган асарлар назарда тутиляпти) намоён бўлганини, жумладан, мардикорлик мавзуида яратилган бармоқ вазнидаги шеърларда кузатиш мумкин. Проф. Б.Саримсоқов тўғри таъкидлаганидек, "бадиий асар мазмуни ва шакли муносабатлари ҳамиша ижтимоий воқелик ҳамда ижодкор истеъдоди билан боғлиқ ҳолда ўзгариб туради"[1]. Хусусан, XX аср боши ўзбек адабиётининг ривожланишига жиддий таъсир кўрсатган омиллар – Биринчи жаҳон уруши, 1916 йилги миллий

1 Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент: Фан, 2004. – Б. 95.

озодлик ҳаракати, Февраль инқилоби ва Октябрь тўнтариши бўлди. "1916 йил Абдулла Авлоний ва Шавкат Искандарий (Сидқий), Тавалло ва Мирмуҳсин Шермуҳаммедов, Ҳамза ва Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат ва Садриддин Айний кабиларнинг ижодида кескин ўзгаришлар содир бўлган йил бўлди"[1], – дейди адабиётшунос Э.Каримов. Бу ўзгаришлар янги ўзбек адабиёти белгилари эди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мардикорлик шеъриятида янги ўзбек шеърияти шаклланишининг омилларидан бири – озарбайжон ва татар шеъриятининг ҳам таъсири бор. Бу ўғуз лаҳжасига хос айрим сўзлар, грамматик ва фонетик шаклларнинг ишлатилишида кўринади. Чунончи, ўғуз лаҳжасига хос сўз: *чўқ* (кўп); ўғуз лаҳжасига хос фонетик хусусиятлар: *вер* (бер), *душти* (тушди), *версун* (берсин), *эмаз* (эмас), *вор* (бор), *яфроғ* (япроқ); ўғуз лаҳжасига хос грамматик кўрсаткичлар: – *а* (жўналиш келишиги қўшимчаси) – хидмата, меҳната, биза; – *ан* (ўтган замон сифатдоши аффикси) – кечан ва бошқаларда.

Жавҳарийнинг қуйидаги байтларига назар солайлик:

*Сарф ўлди чўқ хазойин, кўрди давлат кўп зарар,*
*Қаҳрамонлар ичра душти изтироб-изтироб... (Ж. 32)*
*...Сан ҳидоят қил, ўзунг вергил биза тадбиру раъй,*
*Амримиз ислоҳини ҳам, эй, Худои биру бор. (Ж. 35)*

Ўғуз лаҳжасига хос элементлар Авлоний шеърларида ҳам учрайди: "Эй, йигит ватандошлар, сизга бир насиҳат вор", "Яша, яша, императўр, адолатинг вордур" каби мисраларда келган "вор", "вордур" сўзлари бунинг далилидир.

Бу даврда қардош халқларнинг ўзаро лисоний, адабий, маданий таъсири кучайган эди. Хусусан, туркий тилларни бир-бирига яқинлаштириш мақсадини кўзлаган Исмоил Гаспиринскийнинг бу борадаги хизматлари эътиборга молик. У

1 Каримов Э. Развитие реализма в узбекской литературе. – Ташкент: Фан, 1975. – Б. 171.



илгари сурган ғоянинг таъсири мардикорлик шеъриятида ҳам кузатилади. Бинобарин, реал воқелик ҳам шуни талаб этар эди, чунки зиёли аҳоли рус, озарбойжон, татар ва бошқа тиллардаги асар-манбалар билан танишар экан, таъсирланмай қолмаган.

Кўриниб турибдики, мардикорлик шеъриятида кўплаб реалистик элементлар, деталлар ўз ифодасини топган. Шу ўринда мардикорлик шеъриятида реализм намоён бўлишининг яна бир жиҳати ҳақида мулоҳаза юритиш зарурати сезилади.

Сидқийнинг "Ситамдийда работчилар келиши", Ҳамзанинг "Пешонамиз тор экан", "Соғиниб", "Салом айтинг", Авлонийнинг "Бир мардикорнинг отаси ўғлига айтган сўзлари", "Онасининг ўғлига айтган сўзлари", "Ўғлининг онасига айтган сўзи", "Хотунига айтган сўзи" каби шеърлари, Сидқийнинг "Русия инқилоби" достони ва бошқа асарлар ҳар бир китобхон ёхуд тингловчини мутаассир этади ва гоҳида ҳамдардлик, гоҳида нафрат, гоҳида хайрихоҳлик туйғусини уйғотади. Сидқийнинг "Русия инқилоби" достонини олайлик. Хўш, асар ўқувчини ўзига ром этишининг боиси нимада? Шоирнинг "дарди" бизга ҳам таъсир қилганининг сабаби борми?

Биринчидан, шоир халқ, миллат, қолаверса, ўзга эл ва миллатларнинг "дард"ини ўзининг шахсий изтироби деб билган ва таъсирчан ифодалаган. Иккинчидан, шоир қарашлари умуминсоний ва умуммиллий мотивларда тасвирланган. Масалан, шоир "Мақбул курбонлар"да кўзғолон тафсилотларини тасвирлашдан олдин адолат ва тенглик, эрк ва озодлик учун кураш олиб борган рус крепостной деҳқонларининг сардори Емельян Пугачёв ҳақида сўз очади.

*Пўгочўф замонида бу ихтилол*
*Қўзўлгон эди, халқ ўлиб поймол*
*Ки, яъни қўзулгон эди можаро*
*Мингу етти юз етмиш икки аро.*
*Ўшал кунда бўлди тўла тортишув,*
*Тўкулди халойиқни қони чу сув.*

*Тўла эл ҳуррият учун берди жон,*
*Вале қўлга келмади бу иш равон.*
*Яна сўнгра ҳуррият эълон ўлуб,*
*Кўб эл бўлди йўқ, оҳ, қурбон ўлуб. (Р.и. 19)*

Бу ўринда Пугачёв қўзғолони бежиз эсга олинмаган. Бу исён аслида 1772 йилда эмас, 1773 йилда[1] бошланган бўлиб, оддий халқнинг, яъни камбағал деҳқонларнинг озодлик учун, тенглик учун олиб борган мислсиз кураши эди. Шоир Россия тарихидаги Пугачёв қўзғолони тимсолида Туркистонда кечган миллий озодлик ҳаракатларини тасвирлайди. Бу кураш ҳуррият учун бўлганини, бу йўлда "халойиқни(нг) қони сув" каби тўкилганини алоҳида таъкидлайди.

Шоир Пугачёв ва унинг сафдошларини қанчалик эъзозлаб тилга олса, Распутин ва барча чор амалдорларини шунчалик нафрат билан тасвирлайдики, бу туйғу китобхонни ҳам бефарқ қолдирмайди.

*Бор эди Тобольскида бир мужик,*
*Тўнғуздин улуғроқ, эшакдин кичик...*
*...Эди ўрдада Распутин ҳукмрон,*
*Ки, яъни хотунлар аро ул қобон. (Р.и. 25)*

Савол туғилади: ҳар сатр мутолаасида ўқувчи қалбини жунбушга келтираётган, баъзида нафратини, баъзида меҳрини, баъзида кулгисини қўзғаётган ҳислар не боис пайдо бўлмоқда? "Русия инқилоби" достони драматик ёхуд трагик, ёки сатирик асар намунаси эмаски, асар китобхонга айнан шу жиҳатлари билан таъсир қилса.

---

1 Бу ҳақда қаранг: Пушкин А.С. Капитан қизи. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. – Б. 55; Документы ставки Е.И.Пугачёва, повстанческих властей и учреждений. 1773-1774 гг. – М.: Наука, 1975. – С. 23; Буганов В. Жизнь замечательных людей. Пугачёв. – М.: Молодая гвардия, 1984. – С. 126.



Бизнингча, буни асарнинг ўзига хос пафоси билан изоҳлаш мумкин. В.Г.Белинскийга кўра: "Пафос – шоирнинг ғояга муҳаббати. У китобхонни дунёга шоирнинг кўзлари билан қарашга мажбур этади"[1]. Сидқий Хондайлиқий достонида пафос реалистик талқиннинг муҳим белгиси сифатида намоён бўлган. Қуйидаги мисоллар ҳам буни тасдиқлайди:

*Ўн олтинчи йил июль ойи аро*
*Мусулмонни қирмоқға турди яно.*
*Бу қирғинда Колкин, Калисникўф*
*Халойиқни Тошканда эзди сиқуб.*
*Мачалўф деган лаънати бор эди,*
*Ани кўрса Шош аҳли титрар эди.*
*Чу шаддод эрди. Анга кору бор*
*Ситампешау золиму нобакор...*
*...Мабодо бешикда бола йиғласа,*
*Босилғай эди: "Ол, Мачалўф!" – деса. (Р.и. 21-22)*

Тошкент қўзғолонини бостиришда "бош-қош" бўлган пристав Мочалов эди[2]. У чиндан ҳам: "Ситампешау золиму нобакор" эди. 11 июлда Тошкент шаҳридаги полиция маҳкамасига "Мардикор бермаймиз!" деган шиор билан келган аёллар ичида Рўзвонбиби Аҳмаджонова ҳам бўлган. Унинг мард ва тантилиги Мочаловга хуш келмаганидан, у аёлга тўппончасидан ўқ узади[3]. Рўзвонбиби Аҳмаджонова сингари ўз фарзандларини мардикорликдан олиб қолишни истаб, қурбон бўлган аёллар кўп эди[4].

---

1 Қаранг: Руднева Е.Г. Пафос художественного произведения (из истории проблемы). – М.: Московский университет, 1977. – С. 125.

2 Ушбу шахс ва унинг кирдикорлари ҳақида Абдулла Қодирий ҳам "Мочалов" сарлавҳаси остида истеҳзоли ва кинояли бир мақола эълон қилган. Қаранг: Жулқунбой. Мочалов // Қизил байроқ, 1922, 26 август. - № 212.

3 Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 422; Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш (XVIII-XX аср бошлари). – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 408

4 Бу ҳақда қаранг: Кастельская З.Д. Основные предпосылки восстания 1916 года в Узбекистане. – М.: Наука, 1972. – С. 93; 100.

Юқорида келтирилган парчадан аён бўляптики, шоир қалбини чулғаб олган алам ва изтироб ўқувчига ҳам таъсир этмай қолмайди. Бу иқтибосда нафақат шоир айтмоқчи бўлган ғоя ёхуд фикр, балки унинг туйғулари ҳам ёрқин намоён бўлган.

Адабий оқимларнинг номлари пафоснинг етакчи хусусиятини акс эттиради, дейилади Е.Г.Рудневанинг "Пафос художественного произведения" монографиясида. Масалан, сентиментализмда сентиментал пафоснинг, романтизмда романтик пафоснинг, XIX аср классик реализмида (рус адабиёти назарда тутиляпти – *Х.Н.*) танқидий пафоснинг намоён бўлганини кузатиш мумкин[1].

Албатта, ҳар бир давр адабиётида муайян пафос етакчи мавқе эгаллаши билан бирга ҳар бир асарда пафослар йиғиндиси кўп учрайдиган ҳодисадир. Муайян бир асар контекстида романтика, сатира, қаҳрамонлик, фожиавийлик каби бир-бири билан узвий боғланган ва асарнинг ғоявий асосини ташкил этувчи унсурлар учрар экан, булар китобхон қалбини бутунича маҳв этувчи, такрорланмас пафосни юзага келтиради. Хусусан, тадқиқотга жалб этилган "Русия инқилоби" достонида ҳам танқидий, сатирик, фожиавийлик пафоси муштарак тарзда намоён бўлганини кузатиш мумкин. Чунончи, асарнинг "Вазирларнинг қамалуви", "Добровольский", "Мақореф", "Сухўмлинеф", "Кеноз Шаховски", "Подшоҳнинг тахтдан тушуви", "Распутин ила махлуъ подшоҳ хоними", "Дин душмани – мисйўнерлар фирқасининг аҳволи бадомоли" каби бобларида сатирик, "Мақбул қурбонлар"да фожиавийлик, "Тафриқалар кўтарилуви", "Хоин, золим, қароқчи, эски амалдорлардин фарёд ва тазаллум" бобларида танқидий, "Шўройи исломияга тарғиб, илмға ташвиқ, жаҳолатдан таҳзир", "Иттифоқ замони"да дидактик пафос етакчилик қилади.

*Жиз(з)ахда на қилди Иванўф лаъин,*
*Тутуб тўпқа айлади вайрон замин.*

1 Қаранг: Руднева Е.Г. Пафос художественного произведения (из истории проблемы). – М.: Московский университет, 1977. – С. 162.



*Дариғоки, маъсума қизларни кўб,*
*Босиб янчибон, булғади тўб-тўб.*
*Ато қизға боқмай, ўзин қутқариб,*
*Аносининг орқасида қиз ахтариб. (Р.и. 22)*

Босқинчиларнинг инсонийликка зид қилмишлари, заминни "тўпқа тутуб вайрон айлаган"и, маъсума қизларга кўрсатилган жабр, хунрезликлар боис "ато қизға боқмай, ўзин қутқариш"га мажбур бўлгани асарда изтироб билан тасвирланган.

"Мачалўф деган лаънати", "Иванўф лаъин" каби иборалар асарда сатирик ва танқидий пафосни бўрттириброқ, таъсирлироқ ифодалаш вазифасини бажарган.

"Русия инқилоби" достонининг "Мақбул қурбонлар" бобида тасвир этилган 1916 йилги қўзғолон фожиалари биз таҳлил этган шеърий асарларнинг бирортасида бунчалик беаёв, бешафқат фош этилмайди. Шоир чор маъмурларига ва маҳаллий бой-уламоларга бўлган нафратини очиқчасига намойиш этади. Шу боис асардаги кўп жумлалар, сўзлар нашрдан тушириб қолдирилган. Сидқийнинг айтишича, "Бу бадасл нонкўр ... шаллақи муфти ва қозизодалар, зўр эътибор ва шавқ билан битилмиш "Русия инқилоби" китоботимда тасниф этилмиш бир кўп ҳажвий лафзиятларни манъ этмишлар. Мен бу ҳолатдан кўп ранжисам-да, аммо эътирозларимга қулоқ осмадилар"[1]. Дарвоқе, ўткир қалам соҳиби Сидқий ижодида сатира, очиқчасига ҳажв қилиш ва ўз нафратини кўпол сўзлар билан ифода этиш ҳолатлари кўп учрайди. Бу шоирнинг мустамлакачиларга бўлган муросасиз муносабати натижаси эди.

1916 йил воқеаларини акс эттирган шеърият хусусида сўз юритар эканмиз, аввало, бу шеърларни яратилиш даврига кўра иккига бўлиш мақсадга мувофиқдир:

*1. 1917 йил Февраль инқилобига қадар;*

1 Асилов А. Шоир Сидқий Хондайлиқий ҳаётидан лавҳалар // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1979. – Б. 232.

*2. 1917 йил Февраль инқилобидан кейин майдонга келган шеърлар.*

1917 йил Февраль инқилобига қадар яратилган асарлар сирасига, жумладан, Сидқийнинг "Работчилар намойиши", Абдулла Авлонийнинг "Мардикорлар ашу(в)ласи", Акбарийнинг "Ватанга хидмат", Мулла Муртазонинг "Ватан хизмати", шунингдек, Муҳиддин Иброҳимий, Лутфулла Олимий, Рафиқийларнинг "Лошмон" тўпламини киритиш мумкин. Сидқийнинг "Русия инқилоби" достони, "Работчилар келиши", Ҳамзанинг "Сафсар гул", Азмий Азизийнинг "Янги шугуфа ёхуд миллий адабиёт" (Жавҳарийнинг шеъри) тўпламлари эса 1917 йил Февраль инқилобидан кейин яратилган асарлардир.

Бу тўпламлар яратилган оралиқда ўтган қисқагина вақт улар ўртасида айрим фарқларни юзага келтирди. Инқилобдан кейин чор тузуми ағдарилган ва янги ҳокимият ўрнатилган вақтда ижод қилинган барча асарларда, ундан олдин яратилган асарлардан фарқли ўлароқ, танқидий пафос устунлик қилади. Бу асарларда ижтимоий-сиёсий тузумдан норозилик ва эркисизлик мотивлари етакчилик қилади. Академик И.Султон XIX асрнинг охири – XX аср боши ўзбек адабиёти хусусида сўз кетганда, бу давр "воқеликни танқид қилишнинг кучайиши"[1] билан характерланишини тўғри таъкидлаган эди. Туркистонда 1917 йили юз берган Февраль инқилобидан кейин кўпчилик зиёлилар, ижодкорларнинг янги Муваққат ҳукуматдан орзулари жуда катта эди. Асосийси шундаки, эски ҳукумат, эски ижтимоий тузум, чоризм аёвсиз фош этилди ва бу ҳақда асарлар ижод қилинди. Сидқийнинг "Ситамдийда работчилар келиши", "Эски ҳукумат зулми", "Замона макридин таҳзир", "Аччиғ шикоят" шеърлари, "Русия инқилоби" достони ва бошқа шу каби асарлар фикримиз далилидир.

---

1 Солиҳов Т. Миллий адабиётларда социалистик реализм методининг шаклланишига доир / Адабиётимизнинг ярим асри. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1975. – Б. 275.



Дарҳақиқат, "тарихнинг инқилобий сабоқларисиз реалистик санъат мана шундай фош қилувчи пафосга етишмаган бўлар эди"[1]. Айниқса, Сидқийнинг "Русия инқилоби" достони хусусида сўз кетганда, таъкидлаш жоизки, бу асар ана шундай пафос билан ёзилган. Бироқ кўпчиликни чулғаб олган бу "эйфория" кўп давом этмади, Сидқий каби ижодкорларнинг орзу-умидлари саробга айланди. 1917 йилги Октябрь тўнтариши яна бир янги тузум – социалистик тузумни олиб келган эди. Адабиёт ҳаёт инъикоси бўлгани учун ҳам энди у янги ҳаёт ва тузумнинг хусусият-қарашларини акс эттириши табиий эди.

Сидқий, Ҳамза, Акбарий, Жавҳарий каби ижодкорлар атрофдаги воқеа-ҳодисаларни, яъни айни муҳитдаги нобопликларни танқид қилар экан, улар эртанги кун – келажак учун пойдевор ҳозирлаётган эди. Бошқача айтганда, улар ўз асарлари орқали муносиб ҳаёт учун кураш олиб бордилар.

Шу ўринда, ижтимоий тенгсизлик мотиви 1917 йил Февраль инқилобидан олдин ва кейин яратилган асарларда ҳам бирдек учрашини эътироф этиш лозим. Завқийнинг "Қаҳатчилик", Таваллонинг "Қаҳатчилик", Ҳайратийнинг "Қимматчилик" шеърларида ижтимоий тенгсизлик бутун зиддиятлари, мураккабликлари билан акс этган.

*Бойлар олди ғалла арзон омбор тўлдуруб,*
*Камбағаллардин чиқар чанг қилса ҳасратлар, дариғ*[2].

Шоир Тавалло бой ва камбағалларни қиёслар экан, тенгсизликни ёрқин реалистик деталлар орқали очиб беради. Шунга ўхшаш тасвирни Ҳайратий шеърида ҳам кузатамиз:

*Қимматчилик узайди, борми унинг давоси,*
*Бойларда ғалла кўпдир, бермайди рў сиёҳлар*[3].

---

1 Қаранг: Гуляев Н.А. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 1985. – С. 221.
2 Тирик сатрлар. Танланган шеърлар. Тўпловчи М. Зокиров. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1968. – Б. 122.
3 Кўрсатилган манба. – Б. 208.

Очлик, қимматчилик – бойлар билан камбағаллар ўртасидаги бу тафовутлар кескин норозиликларни келтириб чиқарган эди. Халқнинг бундай норозилиги, ўз навбатида, шоирлар ижодига ҳам кўчди. Чунки бу даврга келиб, оддий камбағал халқнинг, яъни омманинг ҳаёти, турмуши бадиий ижоднинг асосий мавзуига айланди. "Санъат риторика, хаёлий дабдабадан халос бўлиши учун, Белинский таъкидлаганидек, диққат-эътиборни оммага қаратиши, оддий инсонларни тасвирлаши лозим эди"[1]. 1916 йили халқ жуда танг аҳволда бўлган. Бунинг устига адолатсизлик кундан-кунга авж олган. Николай фармонини бажариш чоғида маҳаллий бой-амалдорларнинг кирдикорлари ҳақида камбағал деҳқон кимга ҳам арз қила олар эди? Улар шеърларда фош этилди:

*Ҳар кимда бўлса пул кўп, қолди алар қутулуб,*
*Бечора камбағаллар кетди бари сотилуб*[2].

Мутрибанинг ҳасрат тўла дардли сўзлари айни ҳақиқат эди. Бу тарихий воқеликнинг бадиий асарда деярли ўзгаришсиз ифодаланиши, бошқача айтганда, реалистик талқин самарасидир.

*На учунким бойлар ўғлин қолдируб,*
*Минг сўмга камбағал ёллаб олдуруб,*
*Оналарин юрак-бағрин ёндуруб,*
*Бир Аллоҳга топширдум ман сизларни. (А.Т. 12)*

Кўриниб турибдики, мардикорлик воқеаларига бағишланган шеъриятда даврнинг ижтимоий муаммолари, миллатнинг пинҳоний ўйлари, шунингдек, алам ва нафрат, киноя ва ғазаб акс этдики, булар шоирнинг субъектив туйғусини пафос даражасига кўтарди.

Умуман, ўзбек реалистик адабиётининг шаклланишида 1916 йилги мардикорлик воқеаларига доир шеъриятнинг ўзига хос ўрни

1 Қаранг: Гуляев Н.А. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 1985. – С. 222.
2 Ўзбек адабиёти. Тўрт томликка илова. Бешинчи том. Иккинчи китоб. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1968. – Б. 310.



бор. Мазкур шеърият янгича мавзу ва янгича шаклларда намоён бўлди. Адабиёт ижтимоий ҳаёт билан тобора яқинлашиб боргани боис мардикорлик шеъриятида анъанавий жанрлар шакли сақлангани ҳолда, мазмун-мундарижаси ўзгарди; илоҳий ва ишқий мотивлар ижтимоий-сиёсий мотивлар билан алмашди, рамзий образлар ўрнини реал шахс образи эгаллади. Мардикорлик шеъриятида реалистик тасвир асосан воқеа, прототип ва пафосда ўз аксини топди. Жумладан, 1916 йилги қўзғолон фожиалари, мардикорликка жўнатиш, юртдан айрилиқдаги ҳаёт изтироблари воқеанинг бадиий талқинига мисол бўлса, Николай, Распутин, Иванов, Мочалов каби образларда прототиплар ва уларнинг хатти-ҳаракатлари ифодаланган. Ижодкорларнинг миллий озодлик билан боғлиқ эстетик идеалларини акс эттирувчи ғоявий-эмоционал тасвир эса реалистик пафосни юзага келтирган.

Мардикорлик шеъриятининг реалистик пафосда ифодаланганi, айниқса, Сидқий ижодида яққол намоён бўлган. Шоирнинг "Русия инқилоби" достонида фожиавий, сатирик, танқидий пафос етакчи ўрин эгаллагани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Ижодкор ўз қаҳрамонларига ғоявий-эмоционал муносабатда бўлиб, унинг эҳтироси асарга шу даражада сингиб кетганки, тарихий воқеликни тасвирлашда пафос алоҳида аҳамият касб этган.

1916 йил воқеаларига бағишланган шеърият реал воқелик маҳсули бўлгани боис унда XIX аср охири – XX аср бошларида ўзбек тилига кириб келган янги сўзлар, атамалар, жой ва шахс номлари учрайди. Бундай сўзлар жумласига қуйидагилар киради: Русия (Расий), Самар, Пенза, Сизран, бальница, фоиз, вагон, война, тилгирам, крепост, работчи, афисор, мужик, кеноз, бўмба, Николай, Иванўф ва ҳоказо.

## Мардикорлик шеъриятининг жанрлари ва поэтик хусусиятлари

1916 йил воқеа-ҳодисалари шеъриятнинг бир неча жанрларида ўз ифодасини топди. Вазн хусусиятларига кўра уларни қуйидагича тасниф этиш мумкин: аруз вазнида – ғазал (13), маснавий (13), мураббаъ (5), мухаммас (3), қасида (1), таржиъбанд (1) ва бармоқ вазнида (9) ёзилган шеърлар[1]. Энг кўп мурожаат этилган жанрлар – ғазал, маснавий ва мураббаъ эди. Бармоқ вазнида ёзилган шеърлар ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Ҳар бир лирик асар, аввало, ритмик композиция асосига қурилади. Ритм ҳар қандай асарга мусиқийлик, жозибадорлик, оҳангдорлик бағишлайди. Ритмнинг шеърий асардаги ўрнини белгилашда уни вужудга келтирган унсурлар – вазн, қофия, радиф ва бошқа бадиий тасвир воситаларини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Мардикорлик мавзуидаги шеърларда, хусусан, ғазалларда ритм алоҳида ўрин тутади.

Сидқий ижодида 1916 йил воқеаларига бағишланган шеърлар орасида саккизта ғазал учрайди. Унинг “Работчилар келиши” тўпламидан “Сизларға мужда”, “Замона макридин таҳзир”, “Эски ҳукумат зулми”, “Аччиғ шикоят”[2] каби ғазаллар ўрин олган. Жумладан, “Сизларға мужда” шеъри тўққиз байтдан ташкил топган бўлиб, ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган. Асар ўша давр манзарасини, мардикорлик воқеалари халқ бошига келтирган фожиани поэтик жиҳатдан анча мукаммал, моҳиятан тўғри ва аниқ ифодалагани билан алоҳида ажралиб туради. “Келди” радифли бу ғазал “болу парим”, “чашми тарим”, “гавҳарим”, “дилбарим”, “боғу

1 Бу ерда 1916 йилги мардикорлик воқеаларига бағишлаб нашр этилган шеърий тўпламлардаги асарлар кўрсаткичи келтирилди. Тадқиқот мавзуини ёритишда истифода этилган Завқий, Анбар Отин, Ҳайратий, Тавалло, Мутриба, Фитрат каби ижодкорларнинг мазкур воқеа-ҳодисаларга бағишланган алоҳида назмий асарлари ушбу кетма-кетликка киритилмади. Бу кетма-кетликни яна давом эттириш мумкин. Ҳозирча тадқиқот объекти қилиб олинган шеърлар шулар.

2 “Аччиғ шикоят” шеърини проф. Б.Қосимов жуда кам учрайдиган энг ихчам ғазал турига киритади. Бу ҳақда қаранг: Қосимов Б. Излай-излай топганим. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. – Б. 205.



барим”, “машаққатпарварим”, “раҳбарим”, “заъфарим”, “сарварим”, “нек ахтарим” сўзлари билан қофияланиб келган.

Хўш, қофия ва радиф асар ритмини юзага келтириш баробарида яна қандай вазифаларни бажаради? Бу ҳақда назарий манбаларда нима дейилган?

“Ва шеърнинг асли қофия. Ва қофиясиз шеър мумкин эрмас”[1], – деб таъкидлайди Шайх Аҳмад Тарозий. Абдураҳмон Жомий “Рисолаи қофия”да бундай ёзади: “Билгилки, қофия ажам шоирлари одатича, байтлар охиридаги сўзларнинг такрорланиб келишидир, шу шарт биланки, талаффузда мустақил бўлмасин, балки мисраънинг бир жузви бўлсин. Радиф деб шундай калимани айтурларки, бу калима ҳамма байтлар охирида бир хил тарзда такрорланиб келсин”[2]. Манбаларда қофия ва радифга берилган таърифлар қаторида XX аср адабиётшуносларининг мазкур поэтик унсурлар ҳақида билдирган мулоҳазалари эътиборга молик: “... қофия маънога тобе, уни энг яхши ифодалаш воситаси сифатида майдонга чиқади”[3]. “Ижодкор қофия воситасида ўз ўқувчиси диққатини шеърдаги энг муҳим фикрларга жалб қилади. Қофиядош сўзлар асарда гавдалантирилаётган лирик ёки эпик тимсолнинг маънавий қиёфасини чизишга, уларнинг ахлоқий тамойиллари: тафаккур олами, туйғулари, орзу-армонларини ёркин акс эттиришга хизмат қилади”[4]. “... радиф бўлувчи қисм мустақил сўз, сўз бирикмаси ёхуд гап бўлиши; асардаги у ёки бу маънони таъкидлаб, кучайтириб, урғу бериб келиши лозим”[5]. Аён бўлганидек, назарий манбаларда қофия, радиф каби шеър компонентларининг асарда бир-бирига яқин ва муҳим вазифаларни бажариши алоҳида эътироф этилган.

1 Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға. Ал-фанн-ус-соний фи-л-қофия вар-радиф // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2002. – № 3. – Б. 75.

2 Абдураҳмон Жомий. Рисолаи қофия / Шарқ мумтоз поэтикаси манбалари. Ҳ.Болтабоев талқинида. Биринчи китоб. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 301

3 Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986. – Б. 345.

4 Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 195.

5 Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент: Фан, 2004. – Б. 255.

*Мусофирликда ранги каҳрабо янглиғ сариғ бўлғон,*
*Қизил гулдек юзи сўлғон менинг боғу барим келди. (Р.к. 7)*

"Келди" радифи, нафақат, биргина онанинг, балки фарзандлари, эрлари, ака-укалари, оталари мардикорликдан қайтган минглаб оналарнинг, аёлларнинг, умуман, юртдошларимизнинг чексиз қувончи ифодаси бўлиб хизмат қилган.

Ижодкорнинг истак-ғоясини, қарашларини ифодаловчи бу каби поэтик унсурлар жуда кўп. Чунончи, шеърий санъатлар ҳам асарнинг бадиий қимматини ва савиясини ифодаловчи муҳим воситалардандир. Мумтоз адабиётшуносликда шеърий санъатлар "илми бадиъ унвони билан шарафланган"[1]. Шеърий санъатларни моҳирона қўллаш шоирдан етук бадиий тафаккур ва эстетик малакани талаб этади.

"Каҳрабо янглиғ сариғ бўлғон", "қизил гулдек юзи сўлғон" каби изтиробни ифодаловчи ташбеҳлар мумтоз адабиётда "ёр жафоси"ни тортган ошиқ тилидан келтирилган бўлса, энди у замона зулмидан жабр кўрган лирик қаҳрамон аҳволини ифодалаб келяпти.

1916 йил воқеаларига бағишлаб асарлар ижод этишда ғазал жанрига мурожаат этган шоирлардан бири Абдулла Авлонийдир. Авлонийнинг "Ўғлининг онасига айтган сўзи", "Хотунига айтган сўзи" шеърлари ғазал жанрига мансуб. Иккала шеър ҳам рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган. "Ўғлининг онасига айтган сўзи" 8 байтдан ташкил топган. Радифи – "сен эдинг". Ғазал матлаъи таносуб санъати билан бошланади:

*Волидам, Маккам, Мадинам – меҳрибоним сен эдинг,*
*Ғамгузорим, мушфиқим, оромижоним сен эдинг. (А. 21)*

1 Бу ҳақда қаранг: Шарқ мумтоз поэтикаси манбалари. Ҳ.Болтабоев талқинида. Биринчи китоб. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 220.



Мазкур байтда тўлиғича бир-бирига яқин маъноли сўзлар келтирилиб, "она" сўзига тавсиф берилган.

Иккинчи шеърнинг радифи муқобала шаклида келган "кўрсам-кўрмасам" жуфт сўзидир. Шеърда муқобала санъати имкониятидан маҳорат билан фойдаланилган:

*Кеча-кундуз фикру зикрим ой юзинг васли ўлур,*
*Кўзларим ё уйқу, ё бедор кўрсам-кўрмасам. (А. 22)*

"Кеча-кундуз", "фикру зикрим", "уйқу – бедор", "кўрсам-кўрмасам" каби қарама-қарши маъноли сўзлар байтнинг таъсирчанлигини оширган. Булардан "кеча-кундуз", "уйқу – бедор" жуфтликлари антоним сўзлар сифатида тазод санъатини ҳосил қилган бўлса, такрорланиб келувчи радиф феълнинг бўлишли ва бўлишсиз шаклидан ясалган муқобаладир.

Акбарий ижодига мансуб "Ватанга хизмат" тўпламининг 17-бетида "Хотунига рози бўл, яхши қол, деб айтган сўзи" берилган. Шеър "Мардикорлар ашу(в)ласи"(Авлоний)нинг "Хотунига айтган сўзи" сингари ғазал жанрида ёзилган ҳамда ***а-а, б-а, в-а*** тарзида қофияланган. Бироқ Акбарийнинг шеъри ҳажман салмоқли бўлиб, 28 байтдан иборат. Ғазалда "эй, ёри жоним, яхши қол" бирикмаси ҳар иккинчи мисрада радиф ўрнида такрорланиб келган.

*Бўлмагай тоқатларим, ман ой юзингни кўрмасам,*
*Дунё даврин сурмасам, эй, ёри жоним, яхши қол.*
*Ой юзингни соғинибман, йиғлаюрман субҳидам,*
*Хат қилурман дамбадам, эй, ёри жоним, яхши қол. (А. 22)*

Иккала байтда ҳам шоир "ой юзинг" ташбеҳини қўллайди ва кўкси тўла армон бўлган юртдошимизнинг севимли рафиқаси билан хайрлашув манзарасини тасвирлайди.

"Лошмон" тўпламидаги Муҳиддин Иброҳимов қаламига мансуб "Кўнгилли фирқамиз" шеъри рамали мусаммани маҳзуф

вазнида ёзилган. Шеър 6 байтдан ташкил топган. Баъзи мисраларда вазн сакталиги учрайди. "Чиқди кўнгилли фирқамиз" бирикмаси радиф вазифасини бажариб келган. Сўз ва ибораларнинг бу тарзда такрорланиши анафорик композицияни ташкил этади. Ижодкорнинг бундай композицион приёмга мурожаат этиши поэтик ғояни алоҳида таъкидлашни мақсад қилганидан далолат беради.

*Ёш йигит чиндан тилаб миллатга доим маърифат,*
*Жонини айлаб фидо, чиқди кўнгилли фирқамиз. (Л. 2)*

"Жонини айлаб фидо" таблиғдир. Яъни ақлан ишониш мумкин бўлган, ҳаётда ҳам юз бериши мумкин бўлган муболағадир. Чиндан ҳам, мардикорликка кетиш жонни гаровга қўйиш, фидо этиш билан баробар эди. Ғазалнинг сўнгги байтида тазод санъатига мурожаат этилади:

*Аҳли Турон ёш ила мотамзада бўлғон замон,*
*Шоди миллат айлабон, чиқди кўнгилли фирқамиз.*

"Мотамзада – шод" сўзларидаги тазод маъно таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган.

1916 йил воқеаларини тасвирлашда ижодкорлар кўп мурожаат этган жанрлардан яна бири маснавийдир. Хусусан, Авлонийнинг "Мардикорлар ашу(в)ласи" тўпламидан ўрин олган "Бир мардикорнинг отаси ўғлига айтган сўзлари" ва "Онасининг ўғлига айтган сўзи" шеърларининг ***а-а, б-б, в-в*** тарзида қофияланиши маснавий жанрида ёзилганидан далолат беради. Иккала шеър ҳам рамали мусаммани маҳзуф вазнида. "Бир мардикорнинг отаси ўғлига айтган сўзлари" 24 мисрадан ташкил топган. Шеърда бадиий санъатлардан унумли фойдаланилган.



*Ҳар ғамнинг поёни бордур, ҳар аламнинг охири,*
*Шодлиқға айланодур ҳар фиғоннинг охири. (А. 19)*

"Ғамнинг", "аламнинг", "фиғоннинг"; "поёни", "охири" каби сўзларни келтириш орқали шоир таносуб санъатини яратиб, шунинг асосида мувозана ҳосил қилади. Бу ўринда "ғамнинг поёни", "аламнинг охири", "фиғоннинг охири"; "бордур", "айланодур" сўзлари ўзаро оҳангдошлик касб этган.

"Ҳар ғамнинг поёни бор" – афоризм даражасидаги ибора. Ғамга, мусибатга учраган ҳар қандай кўнгилга далда бўлувчи, таскин берувчи бу сингари иборалар, биринчидан, ифоданинг таъсирчанлигини кучайтирган бўлса, иккинчидан, тилнинг халқчиллигини таъминлаган.

"Онасининг ўғлига айтган сўзи" 32 мисрани ўз ичига олади. Шеър бадиий жиҳатдан пишиқлиги, тасвирдаги образлилик ёрқин экани билан ажралиб туради:

*Жон болам, жоним болам, Олло сени ёринг бўсун,*
*Кеча-кундуз йўлда-чўлда Тангри ғамхоринг бўсун. (А. 20)*

Шеърнинг биринчи байтида икки хил санъатни кузатамиз. "Жон болам", "жоним болам" сўзларининг такрор келиши такрир, "кеча-кундуз" тазод санъати намунаси бўлиб, улар шеърнинг бадиий бўёқдорлигига хизмат қилган. Авлоний бу шеърида ташбеҳ санъатини ҳам қўллайди:

*Ҳеч қайғу йўқ жаҳонда бу жудолиғдин ёмон,*
*Сан кулуб ўйнаб юрурсан, ман бўлуб ранги сомон, –*

деб ёзади. Бу орқали шоир мардикорлик шеъриятида тез-тез учрайдиган ўхшатишлардан бирига мурожаат этади. "Ранги сомон" бўлмоқ, сарғайганлик, заъфаронлик Сидқий, Ҳамза, Акбарий каби

ижодкорлар асарларида ҳам қўлланилган ва руҳий ҳолатни ёритишга хизмат қилган.

“Мардикорлар ашу(в)ласи” тўпламидан ўрин олган баъзи шеърлар қофияланиши жиҳатидан маснавий жанрини (баъзилари мураббаъни) эслатади. Бироқ ҳар икки мисра (тўрт мисра) орасида иккилик ёки тўртлик шаклидаги бандлар нақарот тариқасида такрорланиб келади. Айрим адабиётшунослар томонидан бундай ҳодиса рефрен, деб эътироф этилган[1]. Дарҳақиқат, ушбу ҳодисани нақарот эмас, рефрен деб аташ муайян асосга эга. Илмда ушбу масала юзасидан О.Сафаров ва Н.Рўзиевалар мана бундай хулосаларни келтиришган: “... рефрен ёзма шеъриятга хос ҳодиса бўлиб, куйлашга мўлжаллаб битилган муайян турғун шеърий жанрлар таркибида банд ёки байт боши ёки охирида, бандда мисралар оша айнан ёки маълум ўзгаришлар билан такрорланувчи мисра ёки мисралардан иборат поэтик такрор бўлса, нақарот халқ эътиқоди таъсирида пайдо бўлган ва қўшиқнинг ҳар бир банди ёки байти олди ёхуд охирида, ... шунингдек, бандларда мисралар оша айнан ёки маълум бир ўзгаришлар билан қайтарилувчи қўшиқнинг бутун матни ижросига оҳангдорлик, мусиқийлик бағишлаб, ҳиссий таъсирни кучайтирган ҳолда гоҳ якка, гоҳ хор ижросига мўлжалланган поэтик такрор намунасидир”[2]. Демак, рефрен куйлашга мўлжаллаб ёзилган шеърларда учровчи байт ёки бандлар экан. Шарқ, жумладан, ўзбек мумтоз шеъриятида ҳам рефрен ҳодисаси мураббаъ, мусаддас, мусамман ва бошқа турғун шеърий шаклларда учраши юқоридаги мақолада эътироф этилган[3].

Тўпламнинг 11-16-бетларида берилган “Мардикорлар ашу(в)ласи” шеъри 72 мисрадан ташкил топган бўлиб, шеърнинг

1 Бу ҳақда қаранг: Томашевский Б.В. Теория литературы. Поэтика. – М.: Аспект Пресс, 2002. – С. 237; Жирмунский В. Теория стиха. – Л.: Советский писатель, 1975. – С. 493-498; Адабиёт назарияси. Икки томлик. Биринчи том. Адабий асар. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 310; Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б. 257.

2 Сафаров О., Рўзиева Н. Нақарот ва унинг ўзбек халқ қўшиқларида ритмик-композицион вазифалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2007. - № 6. – Б. 28.

3 Қаранг: Кўрсатилган манба. – Б. 28.



қофияланиш тартиби қуйидагича: ***а-а, а-б, в-в, а-б, г-г, а-б*** ва ҳоказо.

*Яхши қолинг қариндошлар, эсон бўлинг йўлдошлар,* ***а***
*Биз кетамиз, сиз қолурсиз, оқизурсиз кўз ёшлар.* ***а***
*Эй диндошлар, кўзу қошлар, эй севгили қардошлар,* ***а***
*Ватан учун, хидмат учун биз кетармиз хуш қолинг.* ***б***
*Эй отамиз, эй онамиз, оға-ини, туғғонлар,* ***в***
*Меҳрибонлар, жонажонлар, жондан азиз ёронлар.* ***в***

Бу тарзда қофияланиш сабаби шеърларнинг қўшиқ қилиб айтилганида экани аён. Орада такрорланиб келувчи нақаротларни ҳисобга олмаганда, шеърнинг қофияланиши маснавий жанрига тўлиқ мос келади. Тошкентлик шоир Мўминжон Муҳаммаджон ўғли Тошқиннинг тўпламдаги “Ишлар ўлди осонлар” шеъри ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шеър 32 мисрадан иборат бўлиб, ***а-а, б-в, г-г, б-в, д-д*** тарзида қофияланган. Шеърда оқ подшоҳ мадҳ қилиниб, хизматга даъват этилади. Шоир уруш мавзусига ҳам тўхталади:

*Икки йил тўлуб ўтди, уруш Олмонни тутди,*
*Оқди қонлар дарёдек, эл бошқа иш унутди.*
*Яшасун шоҳим, яшасун волий,*
*Яшасун ёрдамчи эрлар, яшасун аскар.*
*Тортмасамиз машаққат, кўролмасмиз ҳеч роҳат,*
*Ватандошлар бирлашинг, кўрсатайлук садоқат. (А. 17-18)*

Кўриниб турибдики, ўртадаги иккилик шеърга на шаклан, на мазмунан мос тушмаган. Бу каби шеърларда ҳам аруз вазнига, ҳам бармоқ вазнига хос белгилар мавжудлиги сабабли шунга ўхшаш барча шеърларни, шартли равишда “оралиқ” вазнда ёзилган деб ҳисоблаш мумкин.

Мулла Муртазо бин Исмоилжон муаллифлигидаги “Ватан хизмати” тўпламининг 7-12-бетларида “Қора ишчиларнинг Тошканддин азбаройи хизмат учун чиқиб кетаётган вақтларинда айтган абётлари” берилган. Такрорланиб келувчи байтларни ҳисобга олмаганда, шеърнинг қофияланиши маснавий жанрига мос. Поэтик ўзига хослигини, мардикорлик мавзуидаги шеърлар орасида бадиий мазмун теранлиги билан ажралиб туришини ҳисобга олиб, ушбу шеър таҳлилига батафсилроқ тўхташ зарурати сезилади.

Такрорланувчи иккилик Акбарийнинг “Тошканддин жўнаган мардикорларнинг ашуласи”даги сингари (бир сўз фарқи билан) қуйидагича ифодаланган:

*Ватандошлар, миллатдошлар, эй, азиз диндошлар,*
*Ватан учун, миллат учун биз борармиз ёронлар.*

Бу иккиликда “ватандошлар”, “миллатдошлар”, “диндошлар”, “ёронлар” каби маъноси яқин сўзлар ҳосил қилган таносиб шеърда ўзига хос поэтик вазифани бажарган. Ундаги “шўралар”, “ўралар”, “жўралар”; “тефача”, “кўрфача”, “келгунча”; “сув оқар”, “қум оқар”, “ким боқар” сўз ва сўз бирикмалари мусажжаъ[1] усулини эслатади. Шеърнинг кейинги мисраларидаги халқ оғзаки ижодига хос оҳанг эътиборни тортади. Орадаги иккиликларсиз шеър матни қуйидагича:

*Эшик олди шоҳсуфа, шоҳлар келиб ўйнасун,*
*Война кетган йигитларни Шоҳимардон қўлласун.*
*Эшик олди шўралар, оёқимга ўралар,*
*Хизматга кетар бўлдук, яхши қолинг жўралар.*
*Эшик олди тефача, тефачада кўрфача,*
*Дуо айланг, ёронлар, работчилар келгунча.*

1 Байтлари ички қофияли бўлган шеърий асарлар мусажжаъ деб аталади. Қаранг: Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 226.



*Милдир-милдир сув оқар, сув тагида қум оқар,*
*Хизматга кетганларни онасини ким боқар? (М.М. 11-12)*

Илк сатрларнинг ўзиёқ ўқувчида беихтиёр маъюс бир кайфият пайдо қилади. Бунда ўз фарзандини “война”га қалб амри билан эмас, азбаройи мажбуриятдан жўнатаётган кишининг норозилик туйғусини илғаш қийин эмас. Асосийси шундаки, шеър нақаротидаги оҳанг шеърнинг асосий руҳига мутлақо зид. “Война кетган йигитларни Шоҳимардон қўлласун” жумласида шоир Шоҳимардон пирга ишора қилади. “Алпомиш” достонида Шоҳимардон пир Алпомишнинг орқасига кафти (панжаси)ни теккизгандан сўнг Алпомиш сувда чўкмас, ўтда ёнмас, ўқ ўтмас чин баҳодирга айланади. Шоҳимардон – ҳазрат Алининг сифати. Шунга кўра шоир талмеҳ орқали мазмун теранлигига эришганини таъкидлаш керак.

“Эшик олди шўралар, оёқимга ўралар” сатри Ватаннинг ҳар бир зарраси, ҳатто эшик олдидаги ўт-ўлан, яъни “шўралар” ҳам қадрдон эканлигига ишора, уларни кўриш армон бўлиб қолмасмикан, деган изтироб ифодасидир. “Хизматга кетар бўлдук, яхши қолинг жўралар” – сатрига хайрлашув билан бирга видолашув, рози-ризолик сўраш мазмуни ҳам сингдирилганки, бу ҳолат шеърдаги мунгли-маъюс пафосни янада кучайтиришга хизмат қилган.

Таъкидлаш керакки, ҳар икки мисрада юрт, ватанга хос хусусиятлар тасвирланади. “Эшик олди шоҳсуфа”, “эшик олди шўралар”, “эшик олди тефача”, “тефачада кўрфача” – буларда она замин соғинчи, юртга қайтиш умиди ифодаланганини сезиш қийин эмас.

“Дуо айланг, ёронлар, работчилар келгунча” – дуонинг куч-қувватига ишониш халқимизнинг дунёқарашига хос нарса. Бу сатрда ҳам “война кетган йигитлар”нинг “жўралар”, яъни ватанда қолган ўртоқлари, дўсту биродарлари дуоси билан эсон-омон қайтиб келишига умид туйғуси ифодаланган.

"Милдир-милдир сув оқар, сув тагида қум оқар" сатрида она тупроқ табиатининг хос хусусияти – арикчалардан сувнинг оҳиста, "милдир-милдир" оқиши, айни пайтда сувнинг тагида қумнинг ҳаракати қаҳрамоннинг маъюсона кузатишини жонлироқ тасвирлаш учун хизмат қилган. У нимага маъюс, нима учун бунчалик хаёлга толган? Бу саволга байтнинг иккинчи сатрида жавоб топамиз: "Хизматга кетганларни онасини ким боқар?" Бу саволнинг қўйилиши бежиз эмас. Шеърда ҳоким кайфият, урушга кетганларни қайта кўриш насиб этиши ёки этмаслиги ҳақидаги иккиланиш, ноиложлик, ноумидлик оҳанглари "дуо" сўраш ва эртанги мавҳум кунга умид боғлаш руҳи билан уйғунлашиб, яхлит бир пафос ҳосил қилган.

Умуман олганда, шеърнинг халқона оҳанги уни аруздан кўра бармоқ вазнига кўпроқ яқинлаштиради. Унда омоним ва жуфт сўзларнинг ишлатилиши, бир ва икки бўғинли сўзларнинг ўринли қўлланиши, "война", "работчи" каби сўзларнинг таржимасиз келиши, оҳангдош сўзлар ҳосил қилган ритм халқ оғзаки ижоди намуналарини эсга солади.

Лутфулла Олимийнинг 32 мисрадан иборат "Туронлик тилиндан" шеъридаги айрим мисраларда вазн сакталиклари учрайди. Ҳар икки мисрадан кейин такрорланувчи иккилик келади:

*Ватандошлар, миллатдошлар, эй азизлар, диндошлар,*
*Ватан учун, миллат учун биз борармиз қардошлар.*
*Навмид ўлмам миллатимдин мендирман Турон ўғли,*
*Олий шону олий шавкат, яъни Кўрагон ўғли. (Л. 3)*

Чинакам миллатпарвар инсон миллатининг тарихи билан, тарихий шахслари билан фахр этади. Шеърда талмеҳ санъати орқали миллий ғурур, ифтихор туйғуси кўтаринки пафосда ифодаланган.

Жавҳарий қаламига мансуб "Русия инқилобини тарихи" шеъри рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган. Шеърда ўн



олтинчи йил – таърих санъатининг сарих усули орқали тасвирланган воқеалар рўй берган сана ифодаланган.

*Биз мусулмонлардан ўн олтинчи йилда ҳукм ила*
*Борди аскар хизматиға неча юз минг мардикор. (Ж. 32)*

Мардикорликка олиш зўравонлик, талончилик орқали содир этилгани қуйидаги байтда ўз аксини топган:

*Вермаган жойи турктоз жавр ила ўлди хароб,*
*Қолди истибдоду зулм остида чўқ шаҳру диёр. (Ж. 32)*

"Турктоз" – талончилик маъносини англатади. Байтда "чўқ шаҳру диёр" истибдоду зулм остида қолгани, мардикор бермаган жой харобага айлантирилгани изтироб билан таъкидланади: ҳатто масжидлар, иморатлар бузилган, қатл, ғорат авжга чиққан:

*Куйди масжидлар, иморатлар, бузулди хоналар,*
*Қатл, асру ғорат ўлди анда беҳадду шумор. (Ж. 32)*

Ҳукм мажбурий, уни қабул қилмаганлар эса аёвсиз жазоланган. Бу ҳақсизлик, адолатсизлик шеърда қуйидагича тасвирланган:

*Ҳукмлар жорий ўлурди дамбадам бизларға ҳам,*
*Бош сўнуб, лекин қабул айлар эдук чор-ночор.*
*Олинурди ақча чўнтакдан, пичоқ эл ёнидан,*
*От анжомини ҳам гар ўтса йўлдан бир сувор. (Ж.33)*

Арузда ёзилган шеърларда сакталикларнинг кўплаб учраши шоирларнинг вазн талабларига у қадар қатъий амал қилишга интилмаганликларидан дарак беради. Улар учун муҳими шакл эмас, мазмун. Шеърнинг шаклий белгиларига нисбатан талабнинг сусайиб бориши охир-оқибатда арузнинг шеърий ўлчов бирлиги сифатида истеъмолдан чиқишига замин ҳозирлаган.

Акбарийнинг "Бир йигитнинг жўраларига айтган сўзи", "Аноси рози бўлиб боласига жавоб бергани" ва "Аносидин ризолик сўраб йўлга тушгани" шеърлари мураббаънинг (***а а а а, б б б а, в в в а***) қофияланиш тизимини олгани билан бармоқ вазнида ёзилган. Буларда ҳар тўртинчи мисрадаги жумлалар тўлиғича такрорланиб келади:

*Адо бўлдум, болам, сандин айрилуб,*
*Синди мани қанотларим қайрилуб.*
*Қолурму йўлингда юзум сарғаюб,*
*Бор ёлғузим, бир Аллоҳга тобшурдим. (А.Т. 14)*

"Аноси рози бўлиб боласига жавоб бергани"да фарзандидан айрилаётган онанинг "қанотлари син"иши ҳақидаги муболағали ҳамда юзнинг сарғайишига оид истиорали тасвир мардикорлик шеъриятида жуда кўп учрайди.

Тўпламда 64 мисралик "Муножот" ҳам келтирилади. Бу шеърнинг қофияланиши ҳам мураббаъни эслатса-да, бармоқ вазнида ёзилган. Такрорланиб келувчи мисра – "Бандангни ҳолига ўзинг раҳм айла". Бу ҳодиса адабиётшуносликда композицион ечим деб эътироф этилади. Композицион ечим – маълум ритмик ва тематик группада такрорланиб келувчи композицион эпифорадир[1]. Бу каби композицион приёмлар поэтик ғояни таъкидлаш ва кучайтириш учун хизмат қилган. Шеърда "Одам Ато", "Ҳавво Она", "Абу Лаҳаб", "Муҳаммад", "Аҳмад" каби бизга яхши таниш бўлган номлар, диний атамалар кўп қўлланган.

*Баҳаққи ҳурмати Одам Атомиз,*
*Ҳам яна ҳурмати Ҳавво Онамиз...*
*...Бағримизга тегди Абу Лаҳаб тош,*
*Бандангни ҳолига ўзинг раҳм айла. (А.Т. 20, 21)*

1 Адабиёт назарияси. Икки томлик. Биринчи том. Адабий асар. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 309.



Муножот Акбарийдан ташқари Сидқий ижодида ҳам мавжуд. "Работчилар намойиши" тўпламида "Муҳораба дафъи учун муножот" шеъри ўрин олган. Муножот мухаммас шаклида, ***а а а а а, б б б б а, в в в в а*** тарзида қофияланган. "Муҳораба" сўзи радиф бўлиб келган, қофиядош сўзлардаги равий "н" ҳарфидир. Шеърдаги "ҳайрон, гирён, бағир қон, эълон, алъон, хисрон, паришон, камонсон" сингари қофиядош сўзлар ўзига хос ритмни таъминлаган. Баъзи ўринларда қофиядош сўзлар икки марта такрорланган. Шеър муножот бўлгани боис ўнга яқин ўринда "Ё Раб..." деб Аллоҳга мурожаат этилади ва ундан нажот сўралади.

Мардикорлик воқеалари акс этган шеърий жанрлардан бири мухаммас ҳақида сўз кетганда Сидқий номини алоҳида таъкидлаш зарур. Сидқий "Ситамдийда работчилар келиши" мухаммасини яратар экан, мавзуни ўзига хос талқин этади. Асар савол-жавоб, яъни диалог усулида ёзилган.

Савол:
*Борибон мис кониға анда на ишлар қилдингиз?*
*Ушбу кун золим ҳукумат зулмини хўб билдингиз,*
*Мулк, бола-чақа, хотун – барчадин айрилдингиз,*
*Барча золимлар қўлидин хўб қутулиб келдингиз!*
*Ўлди золим шоҳу қолдингиз омон, хуш келдингиз.*

Жавоб:
*Бизни озод айлади, янги ҳукуматлар букун,*
*Кўнглимиз шод айлади, янги ҳукуматлар букун,*
*Дилни обод айлади, янги ҳукуматлар букун,*
*Зулмни барбод айлади, янги ҳукуматлар букун.*
*Денгиз: "Озод ўлдингиз, ваҳ, бандиён, хуш келдингиз!" (Р.к.3)*

"Ситамдийда работчилар келиши" – воқеабанд асар. Шеърнинг сюжети реал воқеликка асосланган. Сюжет лирик қаҳрамон ва лирик персонаж тилидан ёритилган. Бундай усулда кўплаб асарлар

яратилган[1] (диалог кўринишидаги мухаммас бундан мустасно). Бу шеърда савол берувчи, муаллиф – лирик қаҳрамон, жавоб берувчи, яъни мардикор – лирик персонаж. Лирик қаҳрамон ва лирик персонажнинг асардаги ўрни баробар. Лирик персонаж – мардикор бошидан кечган воқеа-ҳодисаларни изчил сўзлаб беради. Лирик қаҳрамоннинг дард ва изтироб билан берган саволларини лирик персонажнинг ғам ва ҳасрат тўла сўзлари тўлдиради, ривожлантиради.

Мазкур шеърда "хуш келдингиз" бирикмаси радиф вазифасини бажарган. Бу радифда шоирнинг мардикорликдан қайтган юртдошларимизга чексиз эҳтироми мужассам. Шеър чўзиқ ва қисқа ҳижоларнинг муайян тартиб асосида келиши, қофиядош сўзлар қўлланилиши жиҳатидан аруз қоидаларига деярли тўлиқ мос тушади. 18 банд 90 мисрадан ташкил топган ушбу шеърда қуйидаги сўзлар қофия ўрнида келган: қаён, нишон, кўз ёши қон, нотавон, меҳмон, зиндониён, омон, бандиниён, ногаҳон, шодумон, заъфарон, бағри қон, тоза жон, қаҳрамон, кордон, барги хазон. Ҳар бир банддаги равийлар ўзаро мутаносиб. Фақат бир ўриндагина ижодкор кўплик қўшимчасидаги "р" ҳарфи билан сўзнинг ўзагидаги "р" ҳарфидан равий ҳосил қилмоқчи бўлган.

Бу шеърда асосан муболаға ва ташбеҳларга урғу берилади. Масалан, муболағали ўринлар қуйидагилар: "Йиғламоқдин бўлди кўзлар ёши қон, хуш келдингиз!"; "Зулм ўтида айладилар бас жигарларни кабоб"; "Оч ўлуб, муҳтож ўлуб, қон юттингизлар ё магар?"; "Юзни ғам сўлдирди, денгиз: "Заъфарон, хуш келдингиз!"; "Ғам самумидин юзи барги хазон, хуш келдингиз!". Шоир ташбеҳ санъатидан ҳам ўринли фойдаланган. Жумладан, "Зулм тоғи остида қадлар дуто бўлди чу мим"; "Ер таги намноку танлар ожиз ўлди мисли мўр" каби мисраларда ташбеҳ ўша даврдаги фожеий ҳолатни таъсирчан ифодалашга хизмат қилган.

1 Қаранг: Адабий турлар ва жанрлар (тарихи ва назариясига оид). Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 30-34.



Сидқий Хондайлиқий "Ситамдийда работчилар келиши" мухаммасини ёзишда савол-жавоб, диалог усулидан фойдаланар экан, бу белгилар шеърда лирик ва драматик руҳ уйғунлашганидан далолат беради.

Мухаммас жанрида ёзилган асарлардан яна бири Мулла Муртазонинг "айрилиб қолдим" радифли шеъридир. 90 сатрдан иборат ушбу шеър ***а а а а а, б б б б а*** тарзида қофияланган.

*Менингдек интизору зор, ҳайрон бўлмасун ҳеч ким,*
*Кўкорганда қуриб, ер бирла яксон бўлмасун ҳеч ким,*
*Мисоли ғунчадек чоки гирибон бўлмасун ҳеч ким,*
*Мисоли чуғздек афтода, вайрон бўлмасун ҳеч ким,*
*Вужудим шаҳрига Искандаримдин айрилиб қолдим.(М.М. 3)*

Шеърдаги чуғз – бойўғли тимсоли 1916 йилги воқеалар таъсирида юртнинг оғир аҳволга тушиб қолганини образли тасвирлашга хизмат қилган. Бинобарин, бойқушнинг макони – вайрона. Бундай поэтик тимсол шеър бадииятини таъминлашда муҳим ўрин тутган.

Шоир бу парчада бир неча шеърий санъатлардан фойдаланган. Бунда "интизору зор" сўзлари мукаррар санъатини, "кўкорганда" истиорани, "мисоли ғунчадек", "мисоли чўғздек" сўзлари ташбеҳни, "Искандарим" талмеҳ санъатини ҳосил қилган.

Тадқиқ этилаётган шеърлар орасида қасида жанри намунаси ҳам учрайди. Акбарийнинг "Ватанга хизмат" тўпламидан жой олган "Оқ подшоҳим, яша" сарлавҳаси остида берилган қасида ***а-а, б-а, в-а*** тарзида қофияланган. Шеър сарлавҳаси радиф бўлиб келган. 14 байтдан иборат бу шеър бошдан-оёқ подшоҳни мадҳ этишга бағишланган.

Шоир Сидқий 1916 йил воқеаларини бадиий инъикос этишда мураккаб шеърий жанрлардан бири таржиъбандга ҳам мурожаат

этган. “Работчилар ҳақинда бир жонсўз таржиъбанд”[1] 144 мисрадан ташкил топган. Таржиъбанд тузилиши жиҳатидан анча мураккаб лирик шакл бўлиб, етук шоирларгина бу жанрда асарлар битган. Таржиъбанднинг қофия тузилиши таркиббандникига ўхшаш. Фарқи шундаки, таркиббандда бандлар охиридаги бир байт мустақил қофияланса, таржиъбанднинг барча бандлари охирида бир хил байт такрорланиб келади[2]. Сидқийда қуйидаги банд такрорланиб келади:

*Борингиз омон, қаҳрамонларим,*
*Келингиз эсон, паҳлавонларим.*

Шоир “қаҳрамонлар”нинг, “паҳлавонлар”нинг аҳволига Аллоҳ “назар эт”ишини ва адолатсизликлар барҳам топилишини ич-ичидан истайди:

*Элни ҳолиға, ё Раб, эт назар,*
*Қийлу қолиға, ё Раб, эт назар.*

Шеър мумтоз адабиётда кам қўлланилган мутадорики мусаммани махбуни мақтуъ вазнида ёзилган[3].

Мазкур таржиъбандда шоир муболаға, таносуб, мувозана, талмеҳ каби санъатлардан фойдаланиб, мазмунни ўзига хос бадиият билан ифодалашга интилади:

*Узотиб сизи қайтамиз ҳама*
*Ҳамчу шўриши Карбало қилиб.*

1 سراج الدین مخدوم صدقی. ربائچیلار نمایشی یاخود وطن قهرمانلاری - تاشکند: غلام حسن عارفجانوف، ٦ - ٢ ١٩١٧ - صحیفه

2 Бу ҳақда қаранг: Адабий турлар ва жанрлар (тарихи ва назариясига оид). Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Тошкент: Фан, 1992. – Б.201.

3 Шеър рукни ва чизмаси қуйидагича: *– V – V – – V – V – фоилун фаал фоилун фаал* Мутадорики мусаммани махбуни мақтуъ вазни ҳақидаги маълумотни ўзбек адабиётшунослигига оид назарий манбаларда (“Мезон ул-авзон”, “Мухтасар”, “Фунун ул-балоға”) учратмадик. Бу вазн ҳақидаги маълумот У.Тоировнинг тожик тилидаги “Фарҳанги истилоҳоти арўзи Ажам” (Душанбе: Маориф, 1991. – Б.283.) китобида келтирилган.



Шоир юртдошларимизнинг аччиқ қисматидан изтироб чекиб, Карбало воқеасини эсга олади. Бу орқали ижтимоий воқеликнинг назмдаги талқинини беришга ҳаракат қилади.

Умуман олганда, мардикорлик шеъриятининг аксар намуналари таржиъбанд, қасида, мухаммас, мураббаъ, маснавий, ғазал каби жанрларда аруз вазнида битилган. Уларда нақаротнинг келиши, шеърларнинг қўшиқ қилиб айтилиши каби жиҳатлар бармоқ вазни ёки фольклорга хос хусусиятлардир.

Неча асрлардан буён деярли қўлланилмай, асосан, халқ оғзаки ижодида истифода этилган бармоқ вазнининг XX аср боши ўзбек адабиётидаги ўрни тобора мустаҳкамланиб борди. Хусусан, мардикорлик шеъриятининг айрим намуналари бармоқ вазнида ёзилганки, Ҳамза, Иброҳимий, Олимий, Рафиқий каби шоирларнинг асарлари шулар жумласидандир.

Бармоқ вазнида ёзилган шеърлар “Лошмон” тўпламида учрайди. Муҳиддин Иброҳимов қаламига мансуб “Кўнгиллиларға” шеъри тўртлик бандлар шаклида берилган бўлиб, 16 мисрадан ташкил топган. Икки бандда вазн билан боғлиқ камчиликлар учрайди. Шеърда бадиий санъатлар деярли кузатилмайди.

*Ватан сендан хизмат кутар,*
*Хизмат этсанг, у жонланар.*
*Ватан учун ўлмоқға бор,*
*Лекин қарзинг яшамакдур. (Л. 6)*

Ушбу мисралар орқали шоирнинг асл нияти миллатпарвар, ватанпарвар ёшларни тарбиялаш экани ёрқин ифода этилган. Шу руҳда ёзилган асарлардан яна бири Олимийнинг “Йўл устинда” шеъри ҳам бармоқда ёзилган бўлиб, 19 банддан иборат. Шеърда тартибли қофияланиш кузатилади. Олимий шеърда истиора санъатидан фойдаланиб, ифода ва тасвир уйғунлигига эришади:

*Хуш қол энди ғариб Ватан,*
*Фидо этдук жон ила тан.*
*Битмаз уйқунгдан уйғонгил,*
*Кўзларингни очиб Ватан. (Л. 15)*

Бу ўринда “уйқунгдан уйғонгил”, “кўзларингни оч” иборалари шоирнинг асл мақсадини ифодалашга хизмат қилган.

“Лошмон” тўпламидаги сўнгги асар наманганлик Рафиқий ижодига мансуб “Кўнгиллилар тилиндан” шеъридир. Шеър 7 банддан ташкил топган бўлиб, қофияланиши бир оз тартибсиз. Шеър мана бундай бошланади:

*Юртум мани шул Турон,*
*Бобом мани Кўрагон,*
*Ватан учун хизматга*
*Доим белим боғлангон. (Л. 15)*

Шоир Амир Темур Кўрагон номини тилга олиш орқали талмеҳ санъати воситасида миллий ғурурни уйғотишни мақсад қилган. Эътибор берилса, шу тўпламнинг ўзида иккинчи бор Кўрагоний номи келяпти. Рафиқийдан ташқари Олимий ҳам “Туронлик тилиндан” шеърида Темур шахсига мурожаат этади.

Мардикорлик шеърияти поэтик жиҳатдан ўзига хос эканини таъкидлаш керак. Аслида, асар поэтикасини ўрганишнинг маълум даражада мураккабликлари бор. Бинобарин, сюжет, композиция, тезис, синтез, услуб, ритм, сўз функцияси ва бошқа адабий унсурлар тадқиқи шундай хулоса чиқаришга асос беради.

Сюжет ва композиция ҳар қандай шеърий асар таҳлилида алоҳида мавқега эга. Савол туғилади: лирикада ҳам сюжет акс этиши мумкинми? Шеърда қаҳрамон ҳаётининг муайян лавҳасигина акс этмайдими?

Лирикадаги сюжет муаммоси етарлича ўрганилган эмас. Нафақат лирик сюжет, балки умуман сюжет ҳақидаги қарашларда



ҳам муайян тўхтамга келинмаган. Хусусан, рус адабиётшунослари ҳам сюжет муаммосини турлича талқин қилишган. Сюжет, баъзида, воқеликнинг асосий моҳияти (Е.Добин), баъзида “композиция шаклларидан бири”[1] (Л.Тимофеев) деб тушунилган. Айрим тадқиқотчилар (В.Кожинов ва бошқалар) лирик шеър сюжетини воқеийликда эмас, туйғу ва кечинмалар ривожида, деб билган. Г.Н.Поспеловнинг фикрича, сюжет – бу тасвирланувчи нарса ёхуд воқелик[2]. Бу борада ўзбек адабиётшуносларининг қуйидаги хулосаларини келтириш мумкин: “Лирик сюжетда экспозиция, тугун, ривож, кульминация ва ечим ташқи воқеа экспозицияси, тугуни, ривожи, кульминацияси ва ечими сифатида эмас, балки кечинма, ҳис-туйғу, тафаккур экспозицияси, тугуни, ривожи, кульминацияси ва ечими тарзида кўринади”[3].

Шу ўринда лирик композицияга берилган таъриф билан танишсак: “... лирик асар композицияси уч таркибий қисмдан иборат бўлади: биринчи қисмда бош ғоя, асосий фикр ифодаланади (тезис), иккинчи қисмда ёрдамчи ғоялар, қўшимча лавҳалар билан бош ғоя кенгайтирилади, чуқурлаштирилади, асосланилади (антитезис) ва, ниҳоят, учинчи қисмда фикр ва туйғулар доираси якунланади, бош ғоя хулосаланади (синтез)”[4].

Дастлабки тасниф лирик асар сюжети, иккинчиси композициясини ифодалаб келган бўлса-да, булар орасида маълум даражада муштараклик бор. Композиция, баъзида, асарнинг ташқи тузилиши (асарнинг бўлимларга, бобларга бўлиниши) деб тушунилса, айрим ҳолларда шакл ва мазмуннинг оддий унсурлари, компонентлари бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги, дея талқин этилади. Адабиётшунос А.Н.Гуляев муваффақиятли композицион қурилиш ҳақида гапирганда, бадиий шаклнинг барча унсурлари, яъни сюжет, образ, жанр хусусиятлари поэтик ғояни тўла-тўкис ифодалашини

1 Қаранг: Тимофеев Л.И. Теория литературы. – М.: Учпедгиз, 1948. – С. 137.
2 Қаранг: Гуляев А.Н. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 1985. – С. 97.
3 Адабий турлар ва жанрлар (тарихи ва назариясига оид). Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 43.
4 Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б. 198.

назарда тутади[1]. Ўзбек халқ қўшиқлари композициясини тадқиқ этган Р.Носировнинг фикрича: "... композиция фақат шаклий ҳодиса эмас, балки шакл ва мазмунни уйғун бирлаштириш орқали санъат асарининг муайян ҳаётий ёки ҳиссий, ғоявий вазифа адо этишга хизмат қилдирувчи универсал ҳодисадир"[2]. Айрим адабиётларда эса мазкур қарашлар умумлаштирилганини кузатиш мумкин. Яъни "тезис – тезис ривожи – антитезис – синтез" ёинки, "тугун – ривож – кульминация – ечим" (Краткая литературная энциклопедия. Т. 7. – С. 67) тарзидаги тўрт босқич ёрдамида асар сюжети, хусусан, лирик асар сюжети ўрганилиши эътироф этилади[3].

Лирик сюжет ва композицияни ана шу босқичлар ёрдамида текшириш мардикорлик шеърияти поэтик хусусиятларини ўрганишда ҳам муайян илмий натижаларни беради. Биргина мисол. Ҳамзанинг "Сафсар гул" тўпламига кирган "Пешонамиз тор экан" ("Ҳой, паҳлавон") шеъри бармоқ вазнида ёзилган. Асар юзбошининг ухлаб ётган мардикорлардан бирига мурожаати тарзида ёзилган. Шеърнинг биринчи банди тезис ёхуд сюжет тугунидир.

*Пешонамиз тор экан,*
*Ёзуқликлар бор экан,*
*Энди билсак бу ишга*
*Жаҳл сабабкор экан.*
*Ҳой, паҳлавон, тур, қаҳрамон,*
*Ай-да ишлайлик, Тангри қўшмиш нишлайлик.* (Ҳ. 3)

"Пешонасининг тор" эканидан дарду ҳасрат чеккан лирик қаҳрамон бунинг боисини "жаҳл сабабкор экан" дея изоҳлайди, яъни жаҳолатни қоралайди.

1 Қаранг: Гуляев А.Н. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 1985. – С. 98.
2 Носиров Р. Халқ қўшиқлари композицияси. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 22.
3 Адабий турлар ва жанрлар (тарихи ва назариясига оид). Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 40.



Шеър занжирли композиция асосига қурилган. Занжирли композиция такрорланиб келувчи икки мисра – рефрен асосига қурилган. Худди шундай композиция халқ қўшиқларида ҳам учрайди. Р.Носировнинг таъкидлашича: "Халқ лирик қўшиқлари ичида шундайлари борки, улардаги занжирли композиция икки мисрадан иборат нақаротларнинг такрорланиши орқали амалга оширилади"[1]. Шундай экан, бу ҳолат Ҳамза ижодининг халқ оғзаки ижодига яқинлигидан яна бир нишонадир.

Шеър давомида лирик қаҳрамоннинг фикри ривожланиб боради. Шеър аввалида ўкинч, нолиш, зорланиш ҳисси чулғаб олган қаҳрамон, тўртинчи бандга келганда, ўзгача позицияга ўтади:

*Кўз ёшинг кўп оқузма,*
*Кўнгил уйини бузма.*
*Меҳрибондур Тангримиз,*
*Ҳаргиз умидинг узма.*
*Ҳой, паҳлавон, тур, қаҳрамон,*
*Ай-да ишлайлик, Тангри қўшмиш, нишлайлик!* (Ҳ. 4)

Қаҳрамон фикри, ўй-қарашлари шу даражада шиддат билан ўсиб борадики, шеърнинг бешинчи, олтинчи, еттинчи, саккизинчи, тўққизинчи бандларида "пешонаси тор экан"идан ҳасрат чеккан қаҳрамон кайфиятидан асар ҳам қолмайди. Шеърнинг олтинчи ва еттинчи бандларини асар кульминацияси, деб ҳисоблаш мумкин:

*Йигит деган эр бўлур,*
*Меҳнат кўрса, шер бўлур,*
*Кўргил, ғайрат-куч била*
*Шоҳлар жаҳонгир бўлур.*
*Ҳой, паҳлавон, тур, қаҳрамон,*
*Ай-да ишлайлик, Тангри қўшмиш, нишлайлик!* (Ҳ. 4)

1 Носиров Р. Халқ қўшиқлари композицияси. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 164.

Йигитликнинг асл фазилати ва сифати – эр бўлиш. Эрлик – бу мардлик ва матонат дегани. Матонат соҳиби ва мард инсонгина меҳнат-машаққат оловида тобланиб, шер даражасига юксала олади. Шерга хос куч-ғайрат ҳазилакам хусусият эмас. Худди шу туфайли "Шоҳлар жаҳонгир бўлур". Бу сўзлар ҳар қандай кишининг қалбини ноумидлик, ночорлик, ожизликдан тозалайди. Шоир сўз орқали юракка гўё умид чироғини ёқади.

Навбатдаги мисраларда замон синови ва тақдир эврилишлари, ғурбат азоби ҳар бир фарзанднинг ўз бурчини англаб етмоғи, яъни "ота-она", "ватан қадри"ни билмоғи учун энг қулай имконият экани ифода этилган:

*Насиб қўшар, келурсан,*
*Бўйла ишлар кўрурсан,*
*Ота-онанг, ватанинг*
*Шунда қадрин билурсан.*
*Ҳой, паҳлавон, тур, қаҳрамон,*
*Ай-да ишлайлик, Тангри қўшмиш, нишлайлик! (Ҳ. 5)*

Кўриниб турибдики, бу сатрлар "пешонамиз тор экан" тезисининг антитезиси шаклида намоён бўлган.

Шеърнинг сўнгги ўнинчи банди сюжет ечими – синтездир.

*Сувлар кетар, қош қолур,*
*Кулфат кетар, бош қолур.*
*Боболардан бир сўз бор:*
*Ўсма кетар, қош қолур,*
*Ҳой, паҳлавон, тур, қаҳрамон,*
*Ай-да ишлайлик, Тангри қўшмиш, нишлайлик! (Ҳ.5)*

"Ўсма кетар, қош қолур" мақолининг ишлатилиши ирсоли масал дейилиб, ижодкор фикрининг мантиқий тасдиғи учун хизмат



қилган. Зеро, шоир вақти келиб ҳуррият, озодлик ва уйғониш юз беришига ишонади.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг "Танланган асарлар"и, "Мукаммал асарлар"и ва "Тўла асарлар"ида "Салом айтинг" шеъри 13 та ўнлик банд шаклида берилган. Бироқ эътибор берилса, "Салом айтинг" аруз вазнида – ҳазажи мусаммани солимда ёзилган бўлиб, қофияланишига кўра мухаммасдир: ***а а а а а, б б б б а***. Ҳамзашунос Л.Қаюмов ҳам "Салом айтинг" шеърини бешлик-мухаммас шаклида келтирган[1]. "Салом айтинг"[2] шеъри илк бор 1917 йилда "Маърифат, Ғайрат" кутубхонасида нашр этилган тошбосма нусхасида бироз ноаниқ тартибда берилган. Балки шунинг учун ҳам шеър юқоридаги тўпламларда ўнлик-банд шаклида чоп этилган. Шеърнинг биринчи бандини мухаммас шаклига солиб, вазнини аниқласак:

*Аго, сог борсангиз, аввал, дадамларга салом айтинг,*
*V – – – V – – – V – – – V – – –*
***мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлун***
*Югуриб чиққан ул мушфиқ онамларга салом айтинг,*
*Кўзи қон ҳамширам бирлан акамларга салом айтинг,*
*Ўпиб пешонасин мен-чун, укамларга салом айтинг,*
*Қўну қўшни, кичик-катта агомларга салом айтинг.*
*V – – – V – – – V – – – V – – –*
***мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлун***

Ҳамза анъанавий мумтоз шеърий шаклни янгича мавзу ва шакл билан уйғунлаштириб, уни фольклор намунаси – қўшиққа сингдирмоқчи бўлган ва шеърнинг шакли банд ҳолига келган.

Шеърда анъанавий бадиий санъатлар – истиора, тазод, ташбеҳ, муболаға, талмеҳ, ирсоли масал имкониятларидан маҳорат билан

1 Қаранг: Қаюмов Л. Инқилоб ва ижод. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1964. – Б. 211-212; Қаюмов Л. Сайланма. Икки жилдлик. Биринчи жилд. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Ҳаёти ва ижоди. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б. 371-373.

2 حمزه حکیمزاده نیازی. صفرگول – خوقند: معریفت غیرت کتبخانه سی، ۱۹۱۷ – صحیفه ۱۲-۸

фойдаланилган. Жумладан, шоир талмеҳ санъатига қуйидаги тарзда мурожаат этади:

*Отам ҳам инчунин оппоқ*
*Сақолига тўкиб ёшин...*
*...Ўзига тутсин ибрат*
*Ҳазрати Яъқубни бардошин.*

Лирик қаҳрамон ота-онасига салом йўллар экан, уларни "Ҳазрати Яъқуб бардоши"дан ибрат олишга чақиради, яъни ўғли Юсуф алайҳиссаломдан айрилган машҳур Яъқуб пайғамбарга ишора этилади. Авлоний айни талмеҳни бошқача кўринишда кўринишда тасвирлаган:

*Ҳазрат Яъқуб неча йиллар Юсуфидан айрилиб,*
*Сабр айла, шодлиқға чиқғон неча йиллар термулиб.*

Ушбу мисоллар орқали мардикорлик шеъриятида ибрат бўла оладиган тарихий шахслар номларига бот-бот мурожаат этилганининг гувоҳи бўламиз.

Ҳамзанинг мардикорлик воқеаларига бағишланган учала шеъри ҳақидаги фикрни умумлаштириб, шуни айтиш мумкинки, уларда ҳам аруз, ҳам бармоқ вазни хусусиятларининг уйғун ҳолда келиши, аввало, шеъриятда аруздан бармоққа ўтиш жараёни кечгани билан, иккинчидан, Ҳамза шеърларининг "миллий ашулалар"га мўлжаллаб ёзилгани билан изоҳланади.

Умуман олганда, мардикорлик шеърияти аруз ва бармоқ вазнларида ёзилиб, ғазал, маснавий, мураббаъ, мухаммас, таржиъбанд каби жанрларда акс этди. Маснавий ва мураббаъ жанрларига оид аксарият шеърлар орасидаги иккилик ва тўртликлар нақарот шаклини олган. Буни мазкур шеърларнинг қўшиқ учун мўлжаллаб ёзилгани билан изоҳлаш мумкин. Шу боис бу ҳодисани рефрен деб аташ мақсадга мувофиқдир. Айрим



ҳолларда рефрен шеърнинг қолган байтларига на шаклан, на мазмунан мос тушмаган. Яъни уларда ҳам аруз, ҳам бармоқ вазни хусусиятлари учрайди. Бундай шеърларни шартли равишда "оралиқ" вазнда ёзилган деб ҳисоблаш мумкин.

Ушбу мавзудаги лирик асарлар ритмик композиция асосига қурилган. Уларда ритмни ҳосил қилувчи унсурлар – вазн, қофия ва радиф янгича мазмунни ифодалашга хизмат қилган бўлса ҳам, шаклан анъанавий шеъриятга мутаносибдир. Сидқийнинг "Келди", Авлонийнинг "Сен эдинг", "Кўрсам-кўрмасам" радифли ғазаллари таҳлили буни тасдиқлайди.

Анъанавий шеъриятга уйғунлик мардикорлик мавзуидаги асарларда бадиий санъатларнинг кенг қўлланганида ҳам кўринади. Мардикорлик шеъриятида ташбеҳ, истиора, муболаға, тазод, таносуб, тазмини муздаваж, мувозана, такрир, мукаррар, таърих каби санъатлардан унумли фойдаланилган. Бу санъатлар, поэтик тасвирий воситалар давр руҳини ҳамда лирик қаҳрамоннинг ҳолат-кайфиятини ёрқинроқ ифодалаш учун хизмат қилган.

Мардикорлик мавзуидаги шеърларнинг сюжети ва композицион тузилиши ҳам ўзига хос. Хусусан, Сидқийнинг "Ситамдийда работчилар келиши" шеърида лирик қаҳрамон ва лирик персонаж тилидан ташқи ҳодисаларни эмоционал ҳиссий бўёқларда образли тасвирлашга эришилган. Асар композицияси савол-жавоб асосига қурилгани ҳам эътиборга молик. Ҳамзанинг шеърларида ҳам сюжетлилик алоҳида аҳамият касб этган. Шоирнинг "Пешонамиз тор экан" шеърида банддан-бандга ўтган сари сюжет ривожланиб борган. Сюжет лирик қаҳрамоннинг ҳиссиёти, фикри ва руҳий олами ривожи, кульминацияси ва ечими асосида шаклланган. Умуман, мардикорлик шеъриятида рефрен, анафорик композиция, композицион ечим каби унсурлар поэтик ғояни таъкидлаш ва кучайтириш учун хизмат қилган.

# ХУЛОСА

Биринчи жаҳон уруши халқ турмушини издан чиқаргани, очлик, қаҳатчилик, ижтимоий тенгсизлик, чоризмнинг мустабид сиёсати ва мардикорликка олиш тўғрисидаги император фармони 1916 йил қўзғолонини юзага келтирган асосий омиллар эди. Фармон шундоқ ҳам очлик ва жабр-зулм остида эзилган халқнинг норозилиги, нафратини ошириб юборди. 1916 йилнинг ёзида бошланган халқ қўзғолони кенгая бориб, Туркистоннинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларини қамраб олди. Унда ўзбек, тожик, қозоқ, туркман, қирғиз, қорақалпоқ ва уйғурлар фаол қатнашди. Қўзғолон акс-садоси бутун Россия империяси бўйлаб тарқалди. Бу ҳодиса ўша давр адабиётининг бош мавзуига айланди ва ўзига хос талқин этилди. Бу воқеалар озарбайжон, татар, қозоқ, ўзбек халқлари оғзаки ижоди ва ёзма адабиётида кенг кўламда инъикос этди. Уруш асоратлари, 1916 йилги қўзғолон фожиалари, қаҳатчилик, тенгсизлик, мутелик ва, умуман, мустамлакачилик сиёсати оқибатлари – мазкур халқлар адабиётида кўп мурожаат этилган мавзулардандир.

1916 йилги миллий озодлик ҳаракати заминида ўзбек мардикорлик шеърияти майдонга келиши сабабларидан бири ҳам шудир. Мардикорлик шеъриятининг юзага келиши ва шаклланишида Сидқий Хондайлиқий, Ҳамза, Абдулла Авлоний, Акбарий Тошкандий, Мулла Муртазо бин Исмоилжон, Муҳиддин Иброҳимов, Лутфулла Олимий, Рафиқий, Жавҳарий, Мўминжон Тошқин, Таваллo, Анбар Отин, Ҳайратий, Мутриба каби ижодкорларнинг ҳиссаси катта бўлган. Уларнинг назмий асарларида мардикорлик ҳақидаги фармон эълон қилинишидан тортиб халқнинг қўзғолон кўтариши, озодлик ҳаракатининг бостирилиши, юртдошларимизнинг мардикорликка кузатилиши, мардикорларнинг фронт ортидаги ҳаёти ва, ниҳоят, уларнинг ўз юртига қайтиб келишигача бўлган барча жараёнлар акс этиши баробарида уларда муайян ғоя ва мақсадларни ифодаловчи



мотивлар етакчи мавқе касб этган. Хусусан, мардикорлик воқеалари ифодаланган ҳар бир лирик асарда Ватан, миллат, истиқлол, маърифат ҳақидаги ғоя ва қарашлар ўзига хос талқин қилинган. Шунингдек, мардикорлик воқеаларига бағишланган шеърларнинг аксарияти маърифатпарвар жадидлар қарашларини ифодалар эди. Маълумки, жадидларнинг Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдулла Хўжаев каби раҳнамолари муайян мақсадларни кўзлаган ҳолда халқни мардикорликка боришга даъват этган. Асосан Тошкент ҳудудида яшаб ижод этган шоирлар ижодида ва қисман Фарғона адабий муҳитида яратилган шеърларда ("Лошмон" тўплами) мардикорликка сафарбарлик тарғиб қилинади. Бунда, биринчидан, оммавий қирғин ва қатағоннинг олдини олиш мақсади кўзда тутилган бўлса, иккинчидан, миллат ёшларининг юрт кўриб, ҳарбий тажриба орттириши истаги ифодаланган.

Мардикорлик шеъриятининг ҳудудий кўлами унинг мавзу-йўналишини белгилаб берди. Жумладан, тошкентлик шоирлар Авлоний, Акбарий, Мулла Муртазолар ижодида хайрлашув, айрилиқ ва подшоҳ мадҳи етакчилик қилади. Булар орасида Сидқий Хондайлиқий ижоди мавзу қамрови билан алоҳида ажралиб туради. Фарғона адабий муҳити вакилларидан Ҳамза шеърларида эрксизлик ва мусофирлик тасвири, Лутфулла Олимий, Муҳиддин Иброҳимий, Рафиқий асарларида эса ватанпарварлик талқини етакчи мавқе касб этган. Мардикорлик воқеаларига бағишланган шеърлар таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг барчаси учун умумий бўлган хусусият – келажакка умид ва ишонч туйғуси тасвирларидир.

Сидқий Хондайлиқий шеърияти ўзбек мардикорлик шеъриятининг муҳим хусусиятларини ўзида жамлагани билан алоҳида ажралиб туради. 1-дан, шоир шеърларида мардикорлик воқеалари бошланишидан то якунигача, яъни фармоннинг эълон қилиниши, юз берган қўзғолонлар ва уларнинг шафқатсизларча бостирилиши, мардикорларнинг фронт ортидаги машаққатли ҳаёти, ниҳоят, уларнинг қайтиб келиши ўзига хос талқин этилган. 2-дан, Сидқий Хондайлиқий мардикорлик шеъриятининг жанрлар хилма-

хиллигини таъминлаган шоирдир. У ихчам лирик ғазалдан йирик ҳажмли достонгача бўлган жанрларда бу мавзуни қаламга олди. 3-дан, Сидқий мазкур мавзуга бағишлаб ўзбек мумтоз адабиётида жуда кам учрайдиган мутадорики мусаммани махбуни мақтуъ вазнида таржиъбанд ижод этди ва диалог усулида мухаммас яратиб, новаторлигини намоён этди. 4-дан, Сидқий Хондайлиқийнинг “Русия инқилоби” достони 1917 йил инқилобигагина эмас, 1916 йил мардикорлик воқеаларига ҳам бадиий реалистик ёндашувнинг ноёб намунасидир. Бундай мавзу ва йўналишдаги асар ўша даврдаги собиқ Русиядаги ғайрирус миллатлар шеъриятида ҳам, рус адабиётида ҳам учрамайди.

Мардикорлик шеърияти реалистик тасвир асосига қурилган. Бу мавзунинг реалистик талқини асосан 3 поэтик унсур – воқеа, прототип ва пафосда намоён бўлган. Реал воқеа-ҳодисалар тасвири ижодкорнинг ғоявий-эмоционал, субъектив муносабатига асосланган бўлиб, реал тарихий шахсларга муносабат орқали шоирнинг эстетик идеаллари ҳақидаги тасаввури намоён бўлганки, булар реалистик пафосни юзага келтирган. Яъни воқеа, прототип ва пафос бир-бирини тақозо этувчи бадиий унсурлар сифатида миллий адабиётимизда реалистик бадиий талқиннинг такомилига хизмат қилди.

Мардикорлик мавзуидаги шеърларнинг аксарияти аруз вазнида, ғазал, маснавий, мураббаъ, мухаммас, қасида, таржиъбанд каби жанрларда ёзилган. Сидқий Хондайлиқий, Авлоний ва Акбарий ижоди бунинг далилидир. Айтиш жоизки, шеърнинг шаклий белгиларига нисбатан талабнинг тобора сусайиб бориши арузнинг шеърий ўлчов бирлиги сифатида истеъмолдан чиқишига замин ҳозирлади. Аруз вазни кескин ва шиддатли кайфиятни ифодалай олмагани боис ўз ўрнини бармоқ вазнига бўшатиб бера бошлади. Ҳамза, Лутфулла Олимий, Муҳиддин Иброҳимий шеърлари ҳам буни тасдиқлайди.

Мардикорлик шеърияти мумтоз адабиёт билан янги ўзбек адабиётини бир-бирига боғловчи ҳодисадир. Мардикорлик воқеаларига бағишланган шеърларнинг арузда битилиши,



анъанавий поэтик ифодалари, шеърий санъатларнинг қўлланиши, шубҳасиз, мумтоз адабиёт намуналарини ёдга солади. Бироқ ижтимоий-сиёсий воқеликнинг бадиий ифодаси жанрлар структураси ва образлар тизимидаги ўзгаришларни, бадиий талқиндаги ижтимоийлашувни, индивидуал идрокни, янги услубий йўналишларни ҳамда публицистик ифодага асосланган реалистик тасвирни тақозо этди. Булар янги адабиёт белгилари эди.

Мардикорлик шеъриятида анъанавий шаклнинг замонавий мавзу билан уйғунлиги муҳим аҳамиятга эга. Мумтоз адабий жанрлардаги анъанавий “ёр”, “ошиқ”, “маъшуқ”, “гул”, “булбул” каби рамзий образлар ўрнини “ота”, “она”, “фарзанд” каби образлар эгаллади. Анъанавий шаклдаги айрим шеърларда вазн, қофия ва радифни ҳосил қилувчи унсурлар, бадиий тасвир воситалари сақлангани ҳолда, ёр тушунчасининг маъно-моҳияти ўзгарди. Мумтоз адабиётда у – “Ҳақ” маъносини англатган бўлса, мардикорлик шеъриятида ижтимоий мазмун касб этди. Лирик қаҳрамоннинг ёри – она-Ватан. Бу муқояса шеъриятнинг зоҳирдан ўз анъанавий шаклларини сақлаган ҳолда, моҳиятан ўзгариб, янгиланиб боргани ҳақидаги хулосага олиб келади. Мардикорлик шеърияти жадид шеъриятининг муайян босқичи бўлиб, халқ, миллат, Ватан ва илм-маърифат каби мавзуларнинг етакчи мавқени эгаллаши уларнинг ўзаро муштараклигидан далолат беради. 1916 йилги мардикорлик воқеаларига бағишланган шеърлар халқнинг қалбига ва онгига таъсир этди. Унинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилди. Шунга кўра ҳам, 1916 йил воқеалари заминида майдонга келган мардикорлик шеърияти ўзига хос адабий-эстетик ҳодисадир.

## АДАБИЁТЛАР:

### Илмий-назарий адабиётлар


1. A.Zeki Velidî Togan. Bugünkü türkili (Türkistan) ve yakın tarihi. Cilt I. Batı ve Kuzey Türkistan. – Istanbul – 1981. – 696 s.

2. Alworth E. Central Asia. A century of Russian Rule. – New York and London: Columbia University Press, 1967. – 552 p.

3. Hayit B. Turkestan im XX. Yahrhundert. – Darmstadt, 1956. – 406 p.

4. Erkinov A. The praying for and against the tsar. – Berlin: Klaus Schwarz Verlag, 2004. – 112 p.

5. Kastelskaja Z.D. Ozbekistanda 1916 nci jil qozgalani (Qozgalannin 20 jilligiga). – Toşkent : OzSSR Davlat naşriyati, 1937. – 64 b.

6. Sulton I. Adabiyot nazariyasi. – Toshkent: O'qituvchi, 2005. – 272 b.

7. Адабиёт назарияси. Икки томлик. Биринчи том. Адабий-тарихий жараён. – Тошкент: Фан, 1979. – 446 б.

8. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – 366 б.

9. Адабиётимизнинг ярим асри // Мақолалар тўплами. 2-китоб. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1975. – 448 б.

10. Азбелев С.Н. Историзм былин и специфика фольклора. – Л.: Наука, 1982. – 328 с.

11. Адабий турлар ва жанрлар (тарихи ва назариясига оид). Уч жилдлик. 1-жилд. Эпос. – Тошкент: Фан, 1991. – 384 б.

12. Адабий турлар ва жанрлар (тарихи ва назариясига оид). Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Тошкент: Фан, 1992. – 248 б.

13. Афзалов М. Пўлкан / Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 4-китоб. Пўлкан шоир. – Тошкент: Фан, 1976. – 162 б.

14. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 560 б.





15. Болтабоев Ҳ. Фитрат ва жадидчилик. Илмий-тадқиқий мақолалар. – Тошкент: Миллий кутубхона, 2007. – 286 б.

16. Буганов В. Жизнь замечательных людей. Пугачёв. – М.: Молодая гвардия, 1984. – 384 с.

17. Вахобов М. Тошкент уч революция даврида. – Тошкент: Ўздавнашр, 1958. – 292 б.

18. Гаджиев А. Реализм в литературах советского востока. – Баку: Язычы, 1978. – 180 с.

19. Гайнуллин М. Татарская литература и публицистика начала XX века. – Казань: Татарское кн. изд-во, 1966. – 436 с.

20. Галузо П.Г. Туркестан – колония. – М.: Изд-во Коммунистического унив-та трудящихся Востока, 1929. – 164 с.

21. Гафури Э. Рождение гнева. – Уфа: Башкирское кн. изд-во, 1953. – 48 с.

22. Гинзбург Л. Литература в поисках реальности. – Л.: Советский писатель, 1987. – 400 с.

23. Госман Х. Бөек октябрь революциясе һәм гражданнар сугышы чорында татар поэзиясе. – Казан: Казан университеты нәшрияты, 1960. – 182 б.

24. Гуляев Н.А. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 1985. – 272 с.

25. Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Тўплам. – Тошкент: Университет, 1999. – 230 б.

26. Жалолов А. Инқилобий давр ўзбек адабиёти ва Шавкат ижоди. – Тошкент: Фан, 1988. – 100 б.

27. Жалолов А. Ўзбек маърифатпарвар-демократик адабиёти (1905-1917 йиллар). – Тошкент: Фан, 1978. – 168 б.

28. Жалолов А. Ўзганбоев Ҳ. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг тутган ўрни ("Туркистон вилоятининг газети", "Тараққий", "Самарқанд", "Садои Туркистон" кунномалари асосида). – Тошкент: Фан, 1993. – 116 б.

29. Жирмунский В. Теория стиха. – Л.: Советский писатель, 1975. – 664 с.

30. Жумабоева Ж. 1916 йилги миллий озодлик қўзғолони ва Ҳамза Ҳакимзода ижоди / Ҳамза Ҳакимзода ижоди проблемалари: Тадқиқотлар. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 82-91.

31. Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. – Тошкент: Фан, 1991. – 232 б.

32. Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш (XVIII-XX аср бошлари). – Тошкент: Шарқ, 1998. – 480 б.

33. Зиёев Ҳ. Ўзбекистонда 1916 йилги халқ қўзғолонининг қатнашчилари. –Тошкент: Фан, 1976. – 70 б.

34. Зиёева Д. Туркистон миллий озодлик ҳаракати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000. – 174 б.

35. Зиёева Д. Туркистонда халқ ҳаракатлари ва жадидлар (1916 йил воқелари мисолида) / Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш: Даврий тўплам – Тошкент: Университет, 1999. - №1. – 220 б.

36. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2006. – 546 б.

37. Каримов Г.К. Особенности реализма в узбекской литературе второй половины XIX – начала XX века // Истоки, формирование и развитие социалистического реализма в литературах Советского Востока: Материалы Всесоюзной научной конференции. – Ташкент: Фан, 1976. – 259 с.

38. Каримов Ғ.К. Ўзбек адабиёти тарихи. Учинчи китоб. (XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX аср бошларигача). – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – 326 б.

39. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. Биринчи китоб. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 536 б.

40. Каримов Н. Ҳамид Олимжон. Шоир ҳаёти ва ижодидан лавҳалар. – Тошкент: Ёш гвардия, 1979. – 248 б.



41. Каримов Э. Развитие реализма в узбекской литературе. – Ташкент: Фан, 1975. – 192 с.

42. Кастельская З.Д. Основные предпосылки восстания 1916 года в Узбекистане. – М.: Наука, 1972. – 146 с.

43. Керенский А.Ф. Царская семья и временное правительство. – Махачкала: Дагестанское кн. изд-во, 1991. – 42 с.

44. Ковалёв П.А. Ўзбекистонда 1916 йил қўзғолони. – Тошкент: Қизил Ўзбекистон, 1955. – 64 б.

45. Литературный энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1987. – 752 с.

46. Маҳмудов Ғ. Жадид адабиётида миллий истиқлол мавзуи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 108 б.

47. Махмудов Х. Мусабаев Г. Казахско-русский словарь. – Алма Ата, 1954. – 574 с.

48. Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари. Илмий мақолалар. – Тошкент: Университет, 1993. – 128 б.

49. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти / Б.Қосимов, Ш.Юсупов, У.Долимов ва б. – Тошкент: Маънавият, 2004. – 464 б.

50. Мировые войны XX века. Книга 1. Первая мировая война. – М.: Наука, 2002. – 687 с.

51. Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. – Тошкент: Фан, 1971. – 218 б.

52. Носиров Р. Халқ қўшиқлари композицияси. – Тошкент: Фан, 2006. – 180 б.

53. Палеолог М. Царская Россия во время мировой войны. – М.: Международные отношения, 1991. – 240 с.

54. Политическая энциклопедия. В 2-х т. – М.: Мысль, 2000. Т.2. – 701с.

55. Политический словарь. – М.: Политическая литература, 1958. – 704 с.

56. Полный персидско-арабско-русский словарь. Составитель полковник И.Д.Ягелло. – Ташкент: Электр.-пар. типо-литография Штаба Туркест. военного округа, 1910. – С. 1815 с.

57. Поспелов Г.Н. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 1978. – 351 с.

58. Проблемы реализма // Материалы дискуссии о реализме в мировой литературе 12-18 апреля 1957 г. – М.: ГИХЛ, 1959. – 636 с.

59. Раҳмонов М. Ўзбек театри тарихи (XVIII асрдан XX аср аввалигача ўзбек театр маданиятининг тараққиёт йўллари). – Тошкент: Фан, 1968.– 432 б.

60. Ризаев Ш. Жадид драмаси. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 320 б.

61. Руднева Е.Г. Пафос художественного произведения (из истории проблемы). – М.: Московский университет, 1977. – 164 с.

62. Рустамов А., Каримов К., Умаров З. Форсча-ўзбекча ўқув луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – 232 б.

63. Сайид Ҳ. Маърифат либосидаги озодлик. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 160 б.

64. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент: Фан, 2004. – 128 б.

65. Султанов Ю. Хамза. Очерк жизни и творчества. – Ташкент: Фан, 1984. – 104 с.

66. Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986. – 408 б.

67. Суюнова О. Туркистонда 1916 йилги миллий озодлик кураши (Сирдарё вилояти мисолида). – Тошкент: Фан, 1997. – 78 б.

68. Тимофеев Л.И. Теория литературы. – М.: Учпедгиз, 1948. – 384 с.

69. Тоиров У. Фарҳанги истилоҳоти арўзи Ажам. – Душанбе: Маориф, 1991. – 560 с.

70. Томашевский Б.В. Теория литературы. Поэтика. – М.: Аспект Пресс, 2002. – 334 с.

71. Тоғаев О. Ўзбек бадиий публицистикаси. – Тошкент: Фан, 1973. – 208 б.

72. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 464 б.



73. Турсунов Ҳ. Ўрта Осиё ва Қозоғистонда 1916 йил халқ қўзғолони. – Тошкент: Фан, 1967. – 64 б.

74. Умаров С. Тарих ва достон. – Тошкент: Фан, 1984. – 104 б.

75. Фидойилар: (Қатағон йилларида бегуноҳ ҳалок бўлган ўзбек зиёлилари намояндаларининг ижоди ҳақида ёзилган мақолалар тўплами) / Нашрга тайёрловчи С.Хўжаев; Масъул муҳаррир Н.Каримов. – Тошкент: Фан, 1990. – 46 б.

76. Худойберганов Н. Виждон даъвати. Назир Сафаров ижоди: мулоҳазалар, кузатишлар, қайдлар ва баҳслар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – 208 б.

77. Чориев З. Туркистон мардикорлари: сафарбарлик ва унинг оқибатлари (1916-1917 йиллар). – Тошкент: Шарқ, 1999. – 160 б.

78. Чўқай ўғли М. Истиқлол жаллодлари (1917 йил хотиралари). – Тошкент: Нашриёт матбаа бирлашмаси, 1992. – 80 б.

79. Шарқ мумтоз поэтикаси манбалари. Ҳ.Болтабоев талқинида. Биринчи китоб. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 426 б.

80. Шоюсупова Ғ. Ўзбек халқ оғзаки ижодида ижтимоий сиёсий-ғоялар (XIX аср охири XX аср бошларида). – Тошкент: Ўзбекистон, 1965. – 47 б.

81. Эльсберг Я. О бесспорном и спорном. – М.: Советский писатель, 1959. – 332 с.

82. Юсупов Ш. Тарих ва адаб бўстони. – Тошкент: Маънавият, 2003. – 168 б.

83. Ўзбек адабиёти. Тўрт томликка илова. Бешинчи том. Иккинчи китоб. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1968. – 352 б.

84. Ўзбекистонда 1916 йилги миллий озодлик қўзғолони. Тўплам. – Тошкент: Ўздавнашр, 1947. – 68 б.

85. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Оқ олма, қизил олма. Ўзбек халқ қўшиқлари. Тўпловчи: М.Алавия. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. – 232 б.

86. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди / Раззоқов Ҳ., Мирзаев Тошкент, Собиров О., Имомов К. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 360 б.

87. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Кўп томлик. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. Т.5. – 704 б.

88. Қазақ әдебиетінің тарихы. II том. XX ғасырдың басындағы қазақ әдебиеті. Екінші кітап. – Алматы: Ғылым, 1965. – 524 б.

89. Қаландарова М. Халқ куйлаган озодлик. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 108 б.

90. Қаюмов Л. Инқилоб ва ижод. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1964. – 312 б.

91. Қобулниёзов Ж. Жиззах кўзғолони тўғрисида // Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. Учинчи китоб. Фозил шоир. – Тошкент: Фан, 1973. – Б. 147-153.

92. Қобулов Н. Андижонлик тараққийпарвар шоирлар. – Тошкент: Фан, 1977. – 104 б.

93. Қосимов Б. Излай-излай топганим... – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. – 272 б.

94. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: Маънавият, 2002. – 400 б.

95. Ҳайдаров Ҳ. Жиззах вилояти тарихи. – Тошкент: Меҳнат, 1996. – 236 б.

96. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий архивининг каталоги. Кўп томлик. Биринчи том. – Тошкент: Фан, 1990. – 455 б.

97. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ, 1999. – 240 б.

98. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – 366 б.



### Бадиий адабиётлар, шеърий тўпламлар, мажмуа, сайланма ва танланган асарлар

99. Мәһәммәд Н. Сечилмиш әсәрләри. Ики чилддә. – Бакы: Елм, 1978. Биринчи чилд. – 366 б.

100. Zarifiy H., Raçabiy Ş. Ozbek sovet folkloridan namunalar. – Toşkent: OzSSR Davlat naşriyati, 1935. – 144 b.

101. Авлоний А. Мардикорлар ашуласи. – Тошкент: Ғ.Ҳ.Орифжонов, 1917. – 22 б.

102. Авлоний А. Танланган асарлар. 2 жилдлик. 1-жилд. Шеърлар, ибратлар. – Тошкент: Маънавият, 1998. – 272 б.

103. Азимов С. Абадият. Сайланма. 2 томлик. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. Т.2. – 320 б.

104. Акбаров Абдураҳмон ҳожи Тошкандий. Ватанга хидмат. – Тошкент: Эршод кут-си, 1917. – 24 б.

105. Анбар Отин. Шеърлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1970. – 112 б.

106. Аллаёров М. 1916 йил Жиззах қўзғолони / Ўғизхондан қолган мулк: Мажмуа – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1995. – 232 б.

107. Асил А. Чироғим... Мен – Сидқийман, Хандақлиқийман. – Тошкент: Шарқ, 2008. – 264 б.

108. Зокиров М. Тирик сатрлар. Танланган шеърлар. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1968. – 480 б.

109. Иброҳимов Муҳиддин. Лошмон. – Наманган: Исҳоқия, 1917. – 20 б.

110. Муин Ҳожи. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2005. – 176 б.

111. Мулла Муртазо бин Исмоилжон. Ватан хизмати. – Тошкент, 1917. – 12 б.

112. Мунавварқори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2003. – 304 б.

113. Мўминжон Муҳаммаджон ўғли Тошқин. Турмуш уринишлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1926. – 346 б.

114. Ниёзий Ҳамза Ҳакимзода. Сафсар гул. – Хўқанд: Маърифат, Ғайрат кут-си, 1917. – 12 б.

115. Ойбек. Болалик хотираларим. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1995. – 248 б.

116. Ойбек. Қутлуғ қон. Роман. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – 346 б.

117. Сафаров Н. Кўрган кечирганларим. Повесть. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1968. – 308 б.

118. Сирожиддин Маҳдум Баҳриддин Азмий. Янги шугуфа ёхуд миллий адабиёт. – Тошкент: Ғ.Ҳ.Орифжонов, 1917. – 36 б.

119. Содиқов И. Истикбол сари. Роман-хроника. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974. – 272 б.

120. Увайсий. Девон. – Тошкент: Фан, 1959. – 288 б.

121. Увайсий. Девон. Шеърлар. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1963. – 248 б.

122. Фитрат А. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 256 б.

123. Фозил Йўлдош ўғли. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи Ҳоди Зариф. – Тошкент: Ўздавнашр, 1949. – 324 б.

124. Хондайлиқий Сидқий. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1998. – 304 б.

125. Хондайлиқий Сидқий. Работчилар намойиши ёхуд Ватан қаҳрамонлари. – Тошкент: Ғ.Ҳ.Орифжонов, 1917. – 12 б.

126. Хондайлиқий Сидқий. Работчилар келиши. – Тошкент: Ғ.Ҳ.Орифжонов, 1917. – 12 б.

127. Хондайлиқий Сидқий. Русия инқилоби. – Тошкент: Равнақ кут-си, 1917. – 48 б.

128. Худойберди шоир. Мен кушимни ғозга солсам. Шеърлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – 108 б.

129. Чўлпон. Яна олдим созимни. Кеча ва кундуз. Роман. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – 576 б.

130. Қайюмов Пўлотжон Домулла. Тазкираи Қайюмий. III жилд. – Тошкент: ЎзР ФА Қўлёзмалар институти, 1998. – Б. 470-712.



131. Қаюмов Л. Сайланма. Икки жилдлик. Биринчи жилд. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Ҳаёти ва ижоди. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – 432 б.

132. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. Иккинчи том. – Тошкент: Фан, 1988. – 562 б.

133. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. Учинчи том. – Тошкент: Фан, 1988. – 288 б.

**Автореферат ва диссертациилар**

134. Алавия М. Ўзбек халқ қўшиқлари: Филол. фанлари номз. ... дис. – Тошкент: ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти, 1959. – 156 б.

135. Афоқова Н. Ўзбек жадид адабиётида шеърий шакллар тараққиёти тамойиллари: Филол. фанлари докт. … дис. автореф. – Тошкент: ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти, 2005. – 42 б.

136. Джуманов М.М. Мотивы борьбы за свободу и социальную справедливость в узбекской литературе 1905-1917 гг.: Автореф. дис. … канд. филол. наук. – Ташкент: ТашГУ, 1975. – 28 с.

137. Жавҳарова Р. Сирожиддин Сидқий Хандақлиқийнинг адабий мероси: Филол. фанлари номз. ... дис. – Тошкент: ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти, 1996. – 142 б.

138. Исмоилова Ж. XX аср боши Туркистонда миллий озодлик курашлари (Фарғона водийсидаги 1916 йил қўзғолони): Тарих фанлари докт. … дис. – Тошкент, 2002. – 282 б.

139. Каримов Н.Ф. XX аср ўзбек адабиёти тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ва миллий истиқлол мафкураси: Филол. фанлари докт. ... дис. автореф. – Тошкент: ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти, 1994. – 48 б.

140. Муродова Ш. XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон ўлкасида озодлик ҳаракатлари тарихи (Самарқанд вилояти мисолида): Тарих фанлари номз. … дис. автореф. – Тошкент: ЎзМУ, 2004. – 28 б.

141. Олимов М. Ҳозирги ўзбек адабиётида пафос муаммоси. Филол. фанлари номз. ... дис. – Тошкент: ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти, 1995. – 158 б.

142. Салихов Т. Узбекская советская литературная критика 30-х годов в борьбе за социалистический реализм (Из истории узбекской советской литературной критики): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент: ТашГУ, 1973. – 34 с.

143. Содиқов Ҳ. XX аср бошида Туркистонда чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати ва истиқлол учун кураш: Тарих фанлари докт. … дис. – Тошкент, 1994. – 248 б.

144. Узоқов Ҳ. Ўзбекистонда мустақиллик учун кураш тарихи. 1900-1940 йиллар (Журналистлар фаолияти мисолида): Тарих фанлари докт. ... дис. – Тошкент: ТДКТИ, 1996. – 269 б.

145. Қобилов О. Ўзбек адабиётида автобиографик повесть жанри: Филол. фанлари номз. ... дис. – Тошкент, 1972. – 180 б.

146. Қосимов Б. Ўзбек инқилобий поэзиясининг майдонга келиши ва тараққиёти: Филол. фанлари докт. ... дис. – Тошкент, 1983. – 386 б.

### Газета ва журнал мақолалари

147. Абдулҳаким Н. Маърифат нимадир, жаҳолат надир? // Тафаккур. – Тошкент, 2005. - № 3. – Б. 10-15.

148. Ал-ислоҳ // 1916 йил, 1 август. - № 15.

149. Асилов А. Сидқий Хондайлиқий // Гулистон. – Тошкент, 1981.- № 10.

150. Аҳмедов С. Саёҳат эсдаликлари // Моҳият. – Тошкент, 2007, 6- апрель.

151. Добровольцы // Туркестанская туземная газета. – Ташкент, 1916, 6-августа.

152. Жильяр П. Николай II ва шоҳ оиласининг фожиали тақдири // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2006. - № 8. Август. – Б. 143-164.



153. Зарипов Ҳ. 1916 йилги миллий озодлик қўзғолонининг ўзбек фольклорида акс этиши // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1946. - № 7-8. Июль-август. – Б. 155-166.

154. Зиёева Д. Туркистонда миллий озодлик ҳаракатлари Ф.Хўжаев талқинида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 1996. - № 4-5. – Б. 81-86.

155. Зиёев Т. Мардикор (А.Қамчинбек. Хотира) // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1992. - № 3. – Б. 113-115.

156. Зокиров М. Сидқий Хондайлиқий // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1967. - № 6.

157. Исмоилова Ж. Озодлик орзуси // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2002. – 1-фасл. – Б. 135-138.

158. Каримов Н. Атокли журналист ва дипломат // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2005. - № 2. – Б.113-115.

159. Каримов Н. Жадидлар 1916 йилда // Миллий тикланиш. – Тошкент, 1998, 22-сентябрь

160. Каримов Н. Ўзбек киносининг қалдирғочи // Нафосат. – Тошкент, 1992. - № 2. – Б.27; - № 3. – Б. 14.

161. Мирзаев Т. Илмий-ижодий ҳалоллик учун // Ўзбекистон маданияти. – Тошкент, 1981, 24-апрель.

162. Мукумов Р. Новое о Хаджи Муине // Звезда Востока. – Ташкент, 1999. - № 1. – С. 140-143.

163. Олимий О. Қонли ва оғир қайғули кунлар // Ер юзи. – Тошкент, 1926. - № 11. – Б. 10-11.

164. Ризаев Ш. Жадидлар ва 1916 йил қўзғолони ёхуд нега улар ғалаёнга қарши чиқдилар // Маърифат. – Тошкент, 1996, 4-май.

165. Сафаров О., Рўзиева Н. Нақарот ва унинг ўзбек халқ қўшиқларида ритмик-композицион вазифалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2007. - № 6. – Б. 21-28.

166. Турдиев Ш. Ҳамза ва 1916 йил қўзғолони // Адабий мерос. – Тошкент, 1987. - № 3(41). – Б. 3-7.

167. Хўжаев Ф. 1916-йилдаги халқ кўзғолони тўғрисида // Қизил Ўзбекистон. – Тошкент, 1936, 3 август.

168. Чориев З. Мардикорлар // Ёшлик. – Тошкент, 1991. - № 5. – Б. 36-39.

169. Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға. Ал-фанн-ус-соний фи-л-қофия вар-радиф // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2002. – № 3. – Б. 75-92.

170. Юсупова Д. Жангнома достонларда шеърий ўлчов масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2006. - № 2. – Б. 56-59.

171. Қосимов Б. Мардикорлик ҳақидаги шеъриятдан // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1980. - № 1.

172. Қосимов Б. Сафар кундалиги // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2000. - № 1. – Б. 146-171.



## МУНДАРИЖА

**КИРИШ**......3

**1-БЎЛИМ. ЎЗБЕК МАРДИКОРЛИК ШЕЪРИЯТИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА АДАБИЙ-ЭСТЕТИК ОМИЛЛАРИ**

Ижтимоий-сиёсий воқелик ва мардикорлик шеърияти......8

1916 йил воқеаларини акс эттиришда индивидуал бадиий талқиннинг ўрни......26

**2-БЎЛИМ. МАРДИКОРЛИК ШЕЪРИЯТИНИНГ ҲУДУДИЙ ҚАМРОВИ ВА МАВЗУ КЎЛАМИ**

Тошкент адабий муҳити ва мардикорлик воқеаларининг бадиий талқини...... 46

Мардикорлик воқеалари ва Фарғона адабий муҳити......71

**3-БЎЛИМ. МАРДИКОРЛИК ШЕЪРИЯТИНИНГ ПОЭТИК ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

Мардикорлик шеъриятида реалистик тасвир принциплари......84

Мардикорлик шеърияти жанрлари ва поэтик хусусиятлари......104

**ХУЛОСА**......130

**АДАБИЁТЛАР**......134

НОДИРА ХОЛИҚОВА

# ЎЗБЕК ЖАДИД ШЕЪРИЯТИДА ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

монография

Нашриёт лицензияси № AI 170. 23.12.2009
Нашриёт манзили: Тошкент. А.Темур кўчаси, 19 -уй.

Times гарнитураси. Босма табоғи 10.
Босишга рухсат этилди 26.01.2020. Буюртма № 03
Қоғоз бичими 60х84 1/16. Шартли б. т.-9,25. Адади 100 нусхада.
«Munis design group» МЧЖ босмахонасида чоп этилган.
100170, Тошкент ш. Циолковский, 356-уй.